2. В процессе работы у ППС отмечаются нарушения функционального состояния центральной нервной системы. Практически здоровыми являются не более 30% преподавателей, при этом для ППС вузов характерен очень низкий уровень заболеваемости с ВУТ, т.к. преподаватели берут больничный лист лишь при тяжелом течении заболевания.

3. Большая часть ППС (до 60%) имеет признаки психо-эмоционального выгорания среднего и высокого уровня, наиболее выраженного в конце рабочего дня и учебного года. Это позволяет считать психо-эмоциональное выгорание основным негативным следствием воздействия особенностей труда на организм ППС.

4. Предупреждение психо-эмоционального выгорания ППС должно быть комплексным, включающим улучшение социально-бытовых условий, условий труда, так и личностную психологическую подготовку с целью повышения стрессоустойчивости.

Использованная литература:

1. Виноградова Г.А. Влияние профессионально-педагогической деятельности на здоровье учителей школ // Ананьевские чтения. Тезисы научно-практической конференции. - СПб. - 1999.
2. Водопьянова Н.Е., Старченкова Е.С. Синдром выгорания: диагностика и профилактика, 2-е изд: СПб. Питер; 2008. -336с.
3. Митина Л. М. Психология личностного и профессионального развития человека в современном социокультурном пространстве // Психологические науки. - 2008. - С. 79-86.
4. Саломова Ф.И., Ахмадалиева Н.О. Условия и образ жизни преподавателей ВУЗов РУз // Проблема биологии и медицины. -2019. -№2 (109). -С. 86-89.
5. Саломова Ф.И., Ахмадалиева Н.О., Атанязова Р.А. Самооценка здоровья преподавателей Ташкентской медицинской академии // The 5th KUMC-TMA International Conference. Advances in Future Medicine and Public Health, Actual Problems of the Environment and Human Health. -2019. -Pg.457-459.

**СУРУНКАЛИ ТОНЗИЛИТ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БОЛАЛАРДА
ТИШ-ЖАҒ НУҚСОНЛАРИНИ ДИАГНОСТИКАСИ,
ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ДАВОЛАШ ПРИНЦИПЛАРИ**

С. А. Гаффоров¹, Ш. Н. Нурова², Н. Б. Нуров²

¹Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Тошкент,

²Бухоро давлат тиббиёт институти, Бухоро, Ўзбекистон

Таянч сўзлар: тишлов аномалиялари, тиш қатор нуқсонлари, сурункали тонзиллит, антропометрик текшириш усуллари.

Ключевые слова: аномалии прикуса, зубо-челюстных дефектов, хронический тонзиллит, антропометрические методы исследования.

Key words: malocclusion, dental defects, chronic tonsillitis, anthropometric research methods.

Мазкур тадқиқотда 7-15 ёшдаги 371 болалар текширилди. Шулардан 221 болада тиш-жағ аномалияси (ТЖА), кузатилди. Клиник-ортодонтик, биокимёвий ва иммунологик текширишлар натижасида СТ бир вақтда ТЖА кўрсаткичларининг юқорилиги кузатилди ва С-оқсил реактивлиги, антистрептолизин-О ва периферик қондаги серомукоид микдори, феталь гемоглобин – HbF, қондаги E – имунноглобулин, Виллебранд омил кўрсаткичлари болалар орасида ТЖА келиб чиқиши ва шаклланишида асосий омил эканлиги аниқланди.

**ПРИНЦИПЫ ДИАГНОСТИКИ, ПРОФИЛАКТИКИ И ЛЕЧЕНИЯ ЗУБО-ЧЕЛЮСТНЫХ ДЕФЕКТОВ
У ДЕТЕЙ С ХРОНИЧЕСКИМ ТОНЗИЛЛИТОМ**

С. А. Гаффоров¹, Ш. Н. Нурова², Н. Б. Нуров²

¹Ташкентский институт усовершенствования врачей, Ташкент,

²Бухарский государственный медицинский институт, Бухара, Узбекистан

В этом исследовании были обследованы 371 ребенок 7-15 лет. Из них у 221 ребенка наблюдалась зубно-челюстная аномалия (ЗЧА). В результате клинико-ортодонтических, биохимических и иммунологических исследований УТ одновременно наблюдалось повышение показателей ТГК и было установлено, что S-белковая реактивность, антистрептолизин – О и содержание серомукоидов в периферической крови, фетальный гемоглобин – HbF, е-имунноглобулин в крови, Виллебранд-фактор являются основными факторами происхождения и образования ЗЧА среди детей.

**PRINCIPLES OF DIAGNOSTICS, PREVENTION AND TREATMENT OF DENTAL-JAW DEFECTS IN
CHILDREN WITH CHRONIC TONZILLITIS**

S. A. Gafforov¹, Sh. N. Nurova², N. B. Nurov²

¹Tashkent Institute of postgraduate medical education, Tashkent,

²Bukhara state medical institute, Bukhara, Uzbekistan

This study examined 371 children aged 7-15. Of these, 221 children had maxillofacial anomaly. At one time, 166 children were diagnosed with chronic tonsillitis (ChT) and maxillofacial anomaly. Clinical-orthodontic, biochemical and immunological studies showed high levels of maxillofacial anomaly at the same time with ChT. Increased C-protein reactivity, antistreptolysin-O and seromucoid content in peripheral blood, fetal hemoglobin-HbF, immunoglobulin-E in the blood and von Will brand factors were the main factor in the formation of maxillofacial anomaly.

Долзарблиги: болаларда тиш-жағ аномалияларининг (ТЖА) тарқалганлиги жиҳатидан кариесдан кейинги ўринни банд этиб [1], Россияда 75% гача [5], Ўзбекистонда 58% гача [6,8], кузатилади, патологиянинг сабаби чайнаш аппаратида редукцион ўзгаришлар [12,13], бурун, томоқ ва оғиздан нафас йўли касалликлари ва асорати [20,21,17], (қондаги хлоридлар, ацидозлар, гемоглобин микдоридаги салбий ҳолатлар [18,22], оғиздан нафас олишда вена қон томирларида оқимнинг ёмонлашуви, марказий асаб тизимида, тўқималараро суюқликда, лимфа, кўз ва калла суяги ичидаги номутаносибликлар этиологик омил бўлиши такидланган.

Юз-жағ соҳадаги (ЮЖС) морфологик ўзгаришларни ўз вақтида антропометрик усулларда аниқлаш ТЖА диагностикаси ва профилактикаси учун муҳимдир. Аденоидларнинг суяк ва юмшоқ тўқималари чегараларини McNamara усулида ўрганишни, [21], фаренгал ўлчамларни аниқлашни [2,11,19,23,4,10,17], аденоид тўқималари ўлчамлари ва бурун-халқум суяги ўлчамлари орасида ўзаро тобе боғлиқликни аниқлаш [14], шунингдек краниометрик

усулларни: Sella, Nasion, Orbital, subspinale, subsspinale, Pogonion, Gnation, Mention, Gonion Articulare, Basion, Porion, PNS, ANS, S-N, Ba-N, orbitale, ANS дан PNS гача нуқталари қўллаш тажрибаси мутахасислар орасида кенг қўлланилиб келинмоқда [7,12,19].

Илмий изланиш мақсади: сурункали тонзиллит билан касалланган болаларда ТЖА диагностикаси, профилактикаси ва даволаш усулларини такомиллаштириш.

Текшириш усуллари ва танланган объект: стоматологик текширишда 221 болада анамнез, клиник-функционал, клиник-лаборатор текширишлар, уларнинг ота-оналарида анамнез йиғилиб ЎзР ССВ томонида 28.02.2018 йилда №7 Қарори асосида тасдиқланганган тиббий карта тўлдирилди. Усуллар БухМИ “Стоматология” илмий-амалий марказида, Бухоро вилояти болалар стоматология поликлиникасида ўтказилди.

Иммуномикробиологик текширишлар даво-профилактика ўтказилиши режалаштирилган болаларда: оғиз суюқлиги анаэробни агари, Эндо, Калина муҳити, қонли агар, МРС-4, Сабуро муҳити, нейтрофиллар фагоцит фаоллиги [9], лизоцим фаоллиги [10,17] секретор иммуноглобулинлар (sIgA) [10] даволашдан олдин ва кейин ўтказилди.

Дастлабки олинган илмий-амалий натижаларнинг амалиётга тадбиғи Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 26.09.2019 йил 8-Баёни, н-р/383 «Нафас йўли касалликлари асоратидан келиб чиқадиган тиш-жағ қаторлар нуқсонлари ва эндоген интоксикацияда патологик ҳолатларни ташхислаш», 26.09.2019 йил 8-Баёни, н-р/384 «Тиш-жағ қаторларнинг иккиламчи шакл бузилишларида сурункали тонзиллит ва уларнинг кечишини олдиндан баҳолаш алгоритми», ҳамда сурункали касалликлар билан оғриган беморларда тишлов (ТН) ва тиш қатори нуқсони (ТҚН) оғрилигини баҳолаш дастур (STRZE.exe) №09.07.2019 DGU 20190947 асос бўлди.

Натижалар ва уларнинг таҳлили: ТЖА ва СТ билан оғриган 78 боланинг 43 тасида ТҚН, 35 таси ТН билан, 55 та НГдаги боланинг 27 таси ТҚН, 28 таси ТН кузатилди. Шунингдек, тиббий-ижтимоий сўров таҳлили 38,4% бола онаси ҳомиланинг 1-триместрида, 36,5% 2-триместрда, 15,04% 3-триместрда патологик ўзгаришлар мавжудлигини, 9,5% да касаллик аломатлари кузатилмагани; СТ билан оғриганларнинг 51,97% табиий, 30,9% аралаш ва 7,3% сунъий озиклангани кузатилди.

ТҚН ва ТН билан бир вақтда СТ мавжудлар 60,24%, шундан 41% 7-10 ёшли; 59% 11-15 ёшли болалар ташкил қилиб, ТЖАнинг 19% дистал, 17% тескари прикусга, 16% протрузия, 15% юқори жағ тиш қатори торлиги ва 13% медиал прикуслар кузатилди. СТ ли болаларнинг 30,3% дистопия, 41,2% инфраоклюзия, 13,6 диастема, 15,1% супраоклюзия шаклдаги ЮЖА кузатилди.

СТ билан оғриганлар ЮЖС қатор нуқталарининг ўлчамларида НГдаги ва меъёрий морфологик ўлчамларга нисбаттан статистик ишонарли фарқлар кузатилиб, СТ ва ЮЖН патологиялари бирга келганда апикал базис НГ ва меъёрга нисбаттан торайиши, ЮЖ олдинги соҳасининг қисқариши кузатилди. Шунингдек; жағлар апикал базис муносабати, айниқса курак тишлар орасида бош суяк асосига нисбаттан юзнинг олдинги соҳаси суяклари юзага силжиши аломатлари кузатилди.

Бурун-ютқун қисми ташкил этувчи понасимон ва энса суяклари ўсиқлари ўрта сагитал тексликга нисбаттан олинганда учбурчак шаклни ҳосил қилиши, олдинги юзаси орқа бурун ўқиға қўшилиб кетадиган чизиқ ҳосил қилишини кузатишимиз мумкин. Бурун-ютқун суяк қисмининг ўсиш даврида СТ касалликлари билан оғриганларда меъёрий шаклланишининг патологик ўзгариши кузатилади.

СТ мавжуд болаларда ТЖА нинг ривожланиши ва шаклланишида танадаги эндоген интоксикациянинг ўрни, қондаги кислород етишмовчилигини, маҳаллий ва умумий иммунитет тизимини ўрганиш натижасида (1-жадвал) бета-гемолитик стрептококклар стрептолизинга антителалар титри соматик патологияси бўлмаган болалар гуруҳига нисбатан 2,5 баравар кўпайган ва бу касалликнинг бирга келадиган – СТ патологияларида полиэтиологик омилни акс эттиради. Сермукоид ТЖН ва СТ мавжуд болаларда, фақат ТЖН кузатилган болалар гуруҳига нисбатан 2,9 баравар кўп кузатилди.

1 жадвал.

СТ ва ТЖА бирга келишида периферик қоннинг биокимёвий таҳлили

Кўрсаткичлар	Соғлом болалар, n=12	СТ ва ТЖА мавжуд болалар, n=78	ТЖАли болалар, n=55
Гемоглобинни миқдори г/л	148,51±8,02	90,65±7,54*	116,48±9,13
Фетал гемоглобин (HbF) г/л	2,26±0,12	3,78±0,19*	2,44±0,18
pO ₂ артериал қон мм Hg	76,05±6,11	65,32±5,43	70,45±6,38
pO ₂ артериал ва веноз қон фарқи мм. Hg. ст.	42,35±3,12	23,14±1,58*	30,16±2,51
pCO ₂ артериал қон мм. Hg	40,05±3,07	44,61±4,24	41,68±3,89
Дескв. эндотелиал қон хужайраси таркиби 10 ⁴ /л	2,34±0,22	4,89±0,36*	3,23±0,24*
1-эндотелин таркиби (фмоль/л)	0,93±0,12	1,81±0,12*	1,06±0,11
Виллебранда омили (%)	76,51±4,27	118,06±7,11*	95,34±6,78*

Изоҳ: *- фарқларнинг аҳамияти $P < 0,05$.

ТЖА билан оғриганда, СТ ли болалар қон плазмасидаги реактив тўдалар, таққослаш гурухидан 3 баровар юқори, шу даврда текширилганларнинг, жигар хужайраларида албуминлар камайган. СТ ва ТЖА билан бир вақтда оғриганлардаги эндоген интоксикация кўрсаткичлари: С-реактив оксил, периферик қондаги антистрептолизин-О ва серомукоид кўрсаткичларни тўғри баҳолашга ва ТЖА патогенитик механизими комбинатциясини тасдиқлайди.

СТ ли болаларда “кислород очлиги” кузатилиши кислород ассимляцияси 20% га камайишида акс этади ва феталь гемоглабин (HIF-1) кўпайишини рағбатлантиради, мияда кислородга бўлган эҳтиёж ва уни етказиб бериш ўртасидаги мувозанат бузилади. Натижалар соғлом болаларга таққосланганда, СТ ва ТЖА мавжуд болаларда гемоглобин 22% га камайди, айна вақтда қонида HbF - ўртача 1,6 марта ошди, бу гипоксия жараёнидир.

СТ ва ТЖА мавжуд болаларда эндотелин-1 даражаси соғлом болаларга нисбатан анча юқори, Виллебранд омили фаоллашгани, қонда кислород билан боғлиқ патология эндотелиал вазоконструктор ва адгезивлик бузилганлигида акс этади.

Даво – профилактика тадбирлари 78 болалар бир вақтда СТ+ТЖА (43 = СТ+ТЖА ва 35=СТ+ПА); 55 болада фақат ТЖА (27=ТЖА ва 28=ПА) мавжуд гуруҳларига ажратиб болалар ёши, тишлар алмашинуви даври инобатга олиниб №-жадвалда келтирилган кетма-кетликга қўшимча ҳар йили бир мартадан мутахассислар: педиатр, кулоқ-бурун-томоқ, аллерголог, пулмонолог мутахассислар билан маслаҳатлашиб стоматолог томонидан даво ишлари олиб борилди.

Олиб борилган даво-профилактика якунида болаларнинг ЮЖТни антропометрик ва морфометрик баҳолаш орқали амалда қўлланилган даволаш тадбирларининг самарасини кузатдик (3-жадваллар).

Даволаш тадбирларидан кейин СТ ва ТЖАли болаларда қонда гемоглобин, соғлом болаларга нисбатан 61% га, фақат ТЖАли болаларга нисбатан 22% га камайган. СТ болалар қонида HbF миқдори ошган, терапия вақтида HbF даражаси бошланғич қийматларга нисбатан 28% га камайган ва жараённинг ривожланишида ЭДнинг ўрни мавжудлиги, портокавал анастомоз тармоғи шаклланиши ва ўпка тўқимасида гипоксия ва гипоксемия кучайишида акс этди.

Умумлашган патологияли болаларда комплекс даволаш олиб борилганда эндотелин-1 даражасини 38% пасайтиришга ёрдам берди Виллебранд қон манбаларига 17% га тенг. Ушбу фонга кўра, текширилаётган болаларнинг қонида дескуаматед эндотелиал хужайралар даражасининг 32% гача пасайиши кузатилади.

Мураккаб терапия фонида, IgG даражаси бошланғич кўрсаткичларга нисбатан ўртача 10% га камайиб IgM га нисбатан динамикалар - болаларда 23% га ошди. Шу каби динамикалар IgA концентрацияси таққослаш гуруҳи кўрсаткичларидан ўртача 19% га ошишида ҳам кузатилди. Даволашда болалар қонида IgE даражасини камайиши СТ билан

2 жадвал.

Текширилганларда 2 йилгача давомида даволаш-профилактика усулларини олиб бориш кўрсатма ва болалар гуруҳлари (сони % да).

Гуруҳлар	Нуқсон (n-% да)	Даволаш усуллари (n-% да)	Қўлланилган даволаш турлари
СТ ва ТЖН билан бир вақтда оғриганлар (n=78)	Тиш қатори нуқсони (n=43) 55,12%	Ортодонтик даволаш (n=13) 30,2%	Ортодонтик аппаратлар (пружина, винт ва ёй) ва миофункциональ трейнер: - 6та - болада 3/3 дистопия юкори жагида винтли пластинка (10-15 ёш); - 3та - болада тиш қатори сиқилишда трейнер мосламаси (6-12 ёш).; - 4та - болада инфраокклюзия винтли пластинка (6-12 ёш).
		Ихтисослашган даволаш (n=16) 37,20%	- СТ да хос даво; аденома олиш операцияси: - 7та - болада 3/3 дистопия юкори жагида винтли пластинка(10-15 ёш); - 4та - болада тиш қатори сиқилишда трейнер мосламаси (6-12 ёш); - 5та - болада инфраокклюзия винтли пластинка (6-12 ёш).
		Умумий даволаш (n=14) 32,6%	СТ да хос даво; аденома олиш операцияси: - 6та - болада юкори жағ торлиги Эджуайз (12-15 ёш); - 4 та болада чуқур прикус, миофункционал трейнер (7 - 12 ёш); - 4 та болада медиал прикусда пластинкали протез ва энгак маскаси (9 - 12 ёш).
	Прикус нуқсони (n=35) 44,9%	Ортодонтик даволаш (n=10) 28,6%	- Пружина, винт, ёй - миофункциональ трейнер ва Эджуайз – мосламалари; - 4та - болада пастки жағ торлиги – трейнер мосламаси (6 - 12 ёш); - 6 та болада ю/ж протрўзияси Эджуайз мосламаси (12-15 ёш).
		Ихтисослашган даволаш (n=12) 34,3%	СТ да хос даво; аденома олиш операцияси: -4 та - болада пастки жағ торлиги трейнер мослама бир йил(6-12 ёш); - 8та - болада ю/ж протрузияси Эджуайз мосламаси (12-15 ёш).
		Умумий даволаш (n=13) 37,1%	- СТ да хос даво; аденома олиш операцияси* - 3 та - болада пастки жағ торлиги Эджуайз мосламаси (12-15 ёш); - 4 та - болада чуқур прикус, миофункционал трейнер (6 12 ёш); - 6 та - болада медиал прикусда пластинкали протез - Прауа мосл-си (7-12 ёш).
Назорат гуруҳи фақат ТЖА мавжуд болалар (n=55)	Тиш қатори нуқсони (n=27) 49,09% Прикус нуқсони (n=28) 50,1%	Ортодонтик даволаш (n=14) 51,8%	- Ортодонтик аппаратлар (пружина, винт, ёй) ва миофункциональ трейнер: - 8та – болада ю/ж 3/3 дистопияси ва торлиги Эджуайз мослама (10-15 ёш); - 4та - бола ю/ж 2/2 инфраоккл-си, 3/3 дистопия-Эджуайз мослама; (10-15 ёш); - 2та болада супраокклюзия вестибуляр ёйли пластинка(9-12 ёшгача).
		Умумий даволаш (n=13) 48,1%	- Болага соғлом турмуш тарзи, қон таркиби, иммун тизимни тикловчи восита; - 5та - болада ю/ж 3/3 дистопия ва торлиги Эджуайз мослама (12-15 ёш); - 4та-бола ю/ж 2/2 инфраокклюзия, 3/3 дистопия-Эджуайз мослама (12-15 ёш); - 4та - болада супраокклюзия вестибуляр ёйли пластинка (9-12 ёш).
		Ортодонтик даволаш (n=14) 50,0%	- 6та - болада п/ж торлиги трейнер мосламаси; (6-12 ёш); - 8 та болада ю/ж протрўзияси Эджуайз мослама (10-15 ёш).
	Прикус нуқсони (n=34) 47,22%	Умумий даволаш (n=14) 50,0%	- Соғлом турмуш тарзи ва қон таркиби ва иммун тизимини тикловчи восита; -4та - болада чуқур прику ва торайиш трейнер мосламаси(6-12 ёш); - 3та - болада медиал прикус Эджуайз мосламаси (10-12 ёш); - 7та - болада дистал прикус Эджуайз мосламаси (10-14 ёш).

биргаликда ТЖА ли болаларда детоксикация тизими фаоллаштирилганлигини ва етилган хужайраларида+ IgE даражасини пасайтиришини кўрсатади.

Умулашган патологияси бўлган болаларда реактив протеин С даражаси бошланғич кўрсаткичга нисбатан 3 баровар юқори ва комбинатциялашган давода С реактив оксил даражасини даволашдан олдин 1-гуруҳ болаларга нисбатан 2,1 мартага камайди, натижада микроорганизмлар ва шикастланган хужайралар мембраналарига боғланган лигандлар билан СРБ комплекслари тизими каскади классик ва алтернатив фаоллаштирди.

СТли болаларда маҳаллий иммунитет кўрсаткичлари депрессия билан тавсифлаш мумкин; НГ билан солиштирилганда асосий гуруҳ болалари сўлагиди лизоцим камайди: Касалликни бирга келишида комплекс даволашда иммуно модуляторлардан фойдаланиш лизоцим фаоллигини ўртача 3 мартага оширди. Ўхшаш динамика sIgA нисбатан кузатилиб, сўлак даражаси даводан сўнг 2 баровар кўпайиб оғиз суюқлиги иммунитетини мустаҳкамлайди.

Хулосалар:

1. ТЖН мавжуд болаларда ва бир вақтда СТ билан оғриганларда аниқланган нуқсонларнинг оғирлик даражаси, болалар соматик касалликларига, уларнинг ота-оналаридаги ижтимоий омилларига боғлиқлиги ижтимоий-тиббий сўровлар, клиник текширишларда ўз аксини топди.

2. ТЖН мавжуд болаларда ва бир вақтда СТ билан оғриган болалар орасида сўлак ва кон таркибидаги қатор кўрсаткичлар ТЖН билан оғриганларда нисбатан, соматик касалликлари билан бир вақтда кечишида салбий кўрсаткичларда намоён бўлиши, нуқсонларнинг шаклланишида бола танасидаги умумий патологиянинг фонида кечишини тасдиқламоқда.

3. Сурункали тонзиллит билан касалланган мактаб ёшидаги болаларда тиш-жағ нуқсонларини стандарт комплекс даволанишига қўшимча равишда антиоксидант, антигипоксант ва иммунитетни кузатувчи препаратларни қўллаш даво самарадорлигини оширади.

4. Болаларда тиш жағ тизими аномалиялари патогенезида клиник, иммунологик ва биокимёвий кўрсаткичлар киритилган, клиник-патогенетик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, соматик касалликлар билан биргаликда ТЖТ нуқсонига сабабчи тўқималарнинг шикастланиш алгоритми ишлаб чиқилди.

5. ТЖНда тиш қатори ва тишлов қаторидаги деформацияларда алгоритмида келтирилган тартибда анъанавий даво усуллари ва СТ оғриганларда патологияни ихтисослаштирилган даволаш усулини бир вақтда олиб борилиши тиш-юз-жағ соҳасидаги нуқсонларни бартараф этишда анча юқори самарадорликга олиб келишини тадқиқот натижалари тасдиқламоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алимский, А. В. Состояние временного прикуса и нуждаемость в стоматологической помощи / А. В. Алимский, а. И. Хамчишкин // стоматология. 2002. - № 2. - с. 28-29.
2. Белый, А. М. Количественные показатели лечения аномалий прикуса функционально действующими аппаратами в различные возрастные периоды / А. М. Белый // Ортодент-инфо. 2001. - № 3. - С. 37-39.
3. Gafforov S. A., Nurova Sh. N., Nurov.N. B. Diagnosis, prevention and treatment of dental anomalies in children with chronic tonsillitis and chronic bronchitis. Journal of Biomedicine and Practice №4 (2019).С.71-81.
4. Евдокимова Н.А. Особенности строения верхних дыхательных путей у детей с дистальной окклюзией зубных рядов / Н.А. Евдокимова, С.А. Попов, Е.А. Сатыго // Ортодонтия. - 2009. - № 4 (48). - С. 25-27.
5. Касьянова, Т.Р. Содержание фетального гемоглобина у больных вирусными и алкогольными циррозами печени // Материалы VII Нац. конгресса терапевтов. - М., 2012. - С.93-94.

6. Каримов Д.М., Принципы раннего выявления и профилактика сагиттальных зубочелюстных аномалий, диагностика и подход к лечению: Дисс. канд. мед. наук. — М., 2019. - 84 с.
7. Лосев А.В., 2005 Распространенность и механизмы развития зубочелюстных аномалий у детей и подростков Республики Алтай: автореф. дис. на соиск. учен. степ. канд. мед. наук — М., 2005. - 16 с.
8. Мальцева, Г.С. Клиническое значение определения ревматоидного фактора, С-реактивного белка, антистрептолизина-О у больных с хроническим тонзиллитом // Российская оториноларингология. - 2010. - № 4(47). - С. 45-51.
9. Муртазаев С. С. Морфометрические параметры зубов верхней и нижней челюсти у представителей узбекской популяции / С. С. Муртазаев // Вестник Ташкентской Медицинской Академии. - Ташкент, 2016. - N1. - С. 153-155.
10. Оценка состояния системного и местного иммунитета у часто болеющих детей с патологией ЛОР органов (Даудов Х.Ш., Саидов М.З.). // Учебно-методическое пособие. Российский университет дружбы народов. Москва - 2007, С. 33.
11. Оценка гуморального звена иммунитета у часто болеющих детей с патологией ЛОР-органов. (Саидов М.З., Асмалова А.М.) // «Российская оториноларингология» - 2007 - N - Приложение -С. 120-126.
12. Пантелиева Е.В. Результаты ортодонтического лечения пациентов 7-12 лет с глубокой резцовой окклюзией (дизокклюзией) с помощью эластопозиционеров: Автореф.дисс.канд.мед.наук.- Москва.- 2009, 50 стр
13. Пиксайкина К.Г. Морфофункциональная характеристика зубочелюстной системы у пациентов с гипертрофией носоглоточной миндалины до и после ортодонтического лечения: Дисс. канд. мед. наук. — М., 2015. - 84 с.
14. Рябов Д.В. Оптимизация организации стоматологической помощи школьникам с флюорозом зубов // Автореф.дисс.канд.мед.наук,-Тверь-2010. -21с.
15. Состояние местного клеточного иммунитета у часто болеющих детей с аденоидными вегетациями 11-111 степени в зависимости от длительности заболевания (Махачева Х.Г., Нажмудинов И.И.). // Материалы конференции «Актуальные вопросы оториноларингологии», 11-12 сентября 2008 г., г. Москва. С. 15-17.
16. Яхина, З. Х. Клинико-статистическое и морфологическое обоснование выбора методов профилактики и раннего лечения зубочелюстных аномалий у детей дошкольного возраста : автореф. дис. . канд. мед. наук / З. Х. Яхина. -Казань, 1992. 25 с.
17. Am J Orthod Dentofacial Orthop. - 2015. Feb. - N.147(2). - P.214-20.
18. Am J Orthod Dentofacial Orthop. - 2018. Nov. - N.154(5). - P.718-732.
19. Kumar, T. V. Ul tras onographic evaluation of effectiveness of circumoral muscle exercises in adenotonsillec-tomized children / T. V. Kumar, S. Kuriakose // J. Clin. Pediatr. Dent. 2004. - Vol. 29, № 1. - P. 49-55.
20. Moss-Salentijn, L. Melvin L. Moss and the functional matrix / Moss-Salentijn, L. // J. Dent. Res. 1997. - Vol. 76, № 12. - P. 1814-1817.
21. Mahony, D. Effects of adenoidectomy and changed mode of breathing on incisor and molar dentoalveolar heights and anterior face heights / D. Mahony, A. Karsten, S. Linder-Aronson // Aust. Orthod. J. 2004. - Vol. 20, № 2. - P. 93-98.
22. Talmant, J. Nasal respiration and recurrence. / J. Talmant, J. Deniaud // Orthod. Fr. 2000. - Vol. 71, № 2. - P. 127-141. [^paHuysck
23. Wortham, J. R. Comparison of arch dimension changes in 1-phase vs 2-phase treatment of Class II malocclu-sion / J. R. Wortham, C. Dolce, S. P. McGorray et al. // Am. J. Orthod. DentofaciaT. Orthop. 2009. - Vol. 136, № 1. - P. 65-74.

БОЛАЛАРДА ЧАККА-ПАСТКИ ЖАҒ БЎҒИМИ ПАТОЛОГИЯЛАРИ ВА ТИШ ҚАТОРЛАРИ ОККЛЮЗИОН БУЗИЛИШИНING БОҒЛИҚЛИГИ

С. А. Гаффоров, А. А. Саидов, Ш. Ш. Азимова

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Тошкент,
Бухоро давлат тиббиёт институти, Бухоро, Ўзбекистон

Таянч сўзлар: чакка пастки жағ бўғими, тишлов, окклюзион бузилиш, аномалия.

Ключевые слова: височно-нижнечелюстной сустав, прикус, нарушение окклюзии, аномалия.

Key words: temporomandibular joint, occlusion, occlusal alterations, anomaly.

Доимий тишловдаги 114 нафар тиш-жағ тизимида маълум патологик ўзгаришлари бор болалар ортодонтик даволаниш учун диспансер назоратига олинди. Чакка пастки жағ бўғими мушак-бўғим дисфункцияси бор беморларда компьютер томография (КТ) усулида текширилди. Дистал тишловли болаларнинг 71,4 % да пастки жағ бўғим бошчаси юқори ва орқа томонга силжиган, фақатгина 28,6 % да бўғим бошчаси марказий ҳолатда жойлашган. Чуқур тишловли болаларнинг 73,3 % да пастки жағ бўғим бошчасининг юқори ва орқага силжиган, 26,7% силжиш кузатилмади. Олинган натижаларимизга қараганда дистал ва чуқур патологик тишловларда пастки жағ бўғим бошчасининг силжиши кўп кузатилиб, чакка пастки жағ бўғими мушак-бўғим дисфункцияси патогенезида патологик тишлов турлари асосий ўринларни эгаллади.

ВЗАИМОСВЯЗЬ ПАТОЛОГИИ ВИСОЧНО-НИЖНЕЧЕЛЮСТНОГО СУСТАВА И НАРУШЕНИЙ ОККЛЮЗИИ ЗУБНЫХ РЯДОВ У ДЕТЕЙ

С. А. Гаффоров, А. А. Саидов, Ш. Ш. Азимова

Ташкентский институт усовершенствования врачей, Ташкент,
Бухарский государственный медицинский институт, Бухара, Узбекистан

114 детей с определенными патологическими изменениями в зубо-челюстной системе постоянном прикусе взяты под диспансерным наблюдением для ортодонтического лечения. Обследование височно-нижнечелюстного сустава пациентов с мышечно-суставной дисфункцией проводилось методом компьютерной томографии (КТ). У 71,4% детей с дистальным прикусом головка сустава нижней челюсти смещен вверх и назад, только у 28,6% головка сустава расположен по центру. У 73,3% детей с глубоким прикусом головка сустава нижней челюсти смещен вверх и назад, у 26,7% смещение не наблюдалось. Согласно нашим результатам, в патогенезе мышечно-суставной дисфункции височно-нижнечелюстного сустава патологические прикусы занимают одно из главных мест, так как при дистальном и глубоком патологическом прикусе смещение головки сустава нижней челюсти наблюдается чаще.

INTERRELATION OF TEMPOROMANDIBULAR DISORDERS WITH THE OCCLUSAL ALTERATIONS OF PRIMARY DENTITION

S. A. Gafforov, A. A. Saidov, Sh. Sh. Azimova

Tashkent Institute of postgraduate medical education, Tashkent,
Bukhara state medical institute, Bukhara, Uzbekistan

114 children with certain pathological changes in the dento-maxillary system with a permanent bite were taken under medical supervision for orthodontic treatment. Examination of the temporomandibular joint of patients with muscular-articular dysfunction was carried out by computer tomography (CT). In 71.4% of children with a distal bite, the head of the joint of the lower jaw is shifted up and back, while only in 28.6% of the head of the joint is located in the center. In 73.3% of children with a deep bite, the head of the joint of the lower jaw is displaced up and back, whereas in 26.7% of the displacement was not observed. According to our results, pathological bites occupy one of the main places in the pathogenesis of muscular-articular dysfunction of the mandibular joint, since displacement of the head of the joint of the lower jaw is more common with a distal and deep pathological bite.

Болаларда чакка пастки жағ бўғими (ЧПЖБ) касалликларининг асосий келиб чиқиш сабаблари яллиғланиш жараёнлари ҳамда функционал бузилишлардир [Егоров П.М., Карапетян И.С., 1996; Каменова Л.А., 2014].

Текширишлар шуни кўрсатдики, дистал тишлов ёки чуқур кесувчи бекилишда 93% ҳолатда беморларнинг чакка пастки жағ бўғимида ўзгаришлар кузатилди. Пародонт касалликлари ва чакка пастки жағ бўғими мушак-бўғим дисфункцияларида 90% ҳолатда марказий, олд ва ён окклюзияларда функционал бузилишлар кузатилди [Долгаев А.А. 2008].

Тиш-жағ тизими бир-биридан ажралмас яхлит бир биомеханик тизимдир, шунинг учун уларнинг битта звеносида патологик ўзгариш келиб чиқса тиш-жағ тизимига ва қолаверса бутун организмга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Тиш қаторида битта ёки бир нечата тишларни йўқотилиши, патологик тишловлар, тишларнинг нотўғри жойлашиши окклюзиянинг бузилишига ва кейинчалик чакка пастки жағ бўғимидаги патологик ўзгаришларга сабаб бўлиши мумкин. Бир томонлама моляр тишларни йўқотилиши натижасида беморнинг бир томонлам чайнаши юзага келади, оқибатда мушаклар активлигининг ассиметрияси ва пастки жағ бўғим ўсиғининг жойлашиш топографияси ўзгаради [Хватова В.А. 2003].

Тиш қаторларидаги нуқсонларни ортопедик даволанган беморларнинг 48% да ЧПЖБ мушак-бўғим дисфунцияси клиник белгилари кузатилади. ЧПЖБ Мушак-бўғим дисфунциясида пастки жағ синхрон ҳаракатининг бузилиши кузатилади. Чайнов мушакларида оғриқ бўғимда қирсиллаш, пастки жағ ҳаракати чегараланиб, пастки жағ мажбурий окклюзия ҳолатида бўғим бошчаси кам ёки серҳаракат, бош ва юзнинг атипик оғриғи, невралгия, глоссалгия ва эшитиш бузилади, қулоқ битади. Касалликни келтириб чиқарувчи омиллар окклюзия ва тишловнинг бузилиши, тиш қаторлари аномалияси, қисман тишсизлик, патологик едирилиш-тишловнинг пасайиши, нотўғри тайёрланган протезлар оқибатида пастки жағнинг ва чайнов мушакларининг нормал фаолияти бузилади. Бундан ташқари эндокрин ва психоэмоционал ўзгаришлар ҳам муҳим аҳамиятга эга [Ғажва С.И., Зызов Д.М., Шестопалов С.И., Касумов Н.С 2015].

Кўп олимларнинг фикрича, ЧПЖБ дисфунцияси асосида тишлар ва тиш қаторлари окклюзион бузилишлари ётади. Тиш қаторларидаги нуқсонлар оқибатида функционал окклюзия бузилади. Мушак фаолиятининг ассиметрияси натижасида бўғим бошчасининг ассиметрик жойлашиши кузатилади, нерв охирилариининг жароҳати бўғим капсуласи жароҳати, диск атрофи соҳаси жароҳати ва бўғим аъзоларида қон айланишининг бузилишига олиб келади, натижада турли хил оғриқларнинг сабабчиси бўлади. Агар дисфунцияга олиб келувчи окклюзион сабабчини ўз вақтида бартараф қилинмаса, кейинчалик рентгенологик текширилганда артроз белгилари пайдо булади. Булар оғиз очилганда ёки ёпиқ пайтда бўғим бошчасининг ассиметрик жойлашиши, бўғим ёриғининг ўнг ёки чап томонидан ассиметрик кичрайиши кузатилади [Ивасенко П.М., Мискевич М.И., Савченко Р.К., Симахов Р.В. 2007; Семенов Р.Р., Карпов С.М., Хатуева А.А., Карпов А.С. 2014].

Тиш қаторларидаги нуқсонлар ва тишлов аномалияларни болаларда эрта аниқлаб уларни ўз вақтида бартараф этилмаса, оқибатда чакка пастки жағ бўғимида функционал ўзгаришларга олиб келиши долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Илмий изланишлар мақсади. Болаларда чакка-пастки жағ бўғими патологиялари ва тиш қаторлари окклюзион бузилишининг боғлиқлигини текширишлар асосида баҳолаш.


Тадқиқот объекти ва усуллари. Биз 2018-2019 йилда Бухоро шаҳрида жойлашган №2, 4, 7, 16-мактабларнинг 6-18 ёшли 642 нафар ўқувчилар орасида стоматологик текширишлар ўтказдик. Текширилган ўқувчиларнинг 346 нафари қизлар ва 296 нафари эса йигит болалар ташкил этди.

Клиник текшириш сўраб-суриштириш вақтида анамнез йиғилиб, маҳаллий ва умумий организм касалликлари бор-йўқлигига, таъм сезиш ҳолати, оғизда нохуш таъм сезиши, сўлак ажралишига ҳам эътибор бердик. Тишларни текшириш давомида унинг ранги, ҳажми, жойлашиши, ёрилган ва синган тишлар мавжудлиги, сезгирлигини ортиши ёки камайиши, кимирлашига эътибор бердик. Оғиз бўшлиғи аъзо ва тўқималарининг кўриқдан ўтказиш кетма-кетликда тиш ва тиш қаторлари, тишлов, пародонт ҳолати кўрилди, тиш пломбалари мавжудлиги ва уларни ҳолатига эътибор бердик. Оғиз бўшлиғи шиллик қавати, лаб ва пародонт тўқимасини кўздан кечиришда милкнинг қонаши, қичишиши ва ачишиши, лаб хошиясида афта, яраларни мавжудлиги кўздан кечирилди. Чакка пастки жағ бўғими ҳолати пайпаслаш, аускултация ва рентгенологик текширишлар билан баҳоланди.

Бундан ташқари тиш-жағ тизими аномалия ва деформациялари бор болаларни текширишда этиологик омилларни (зарарли одатлар, кариес ва унинг асоратлари, сут тишлар дўмбоқчаларининг едирилмаслиги, сут ва доимий тишларни эрта йўқотилиши, сут тишлари тушишининг кечикиши, болаларда ўз вақтида протезланмаслиги) аниқлашга эътиборимизни қаратдик.

ЧПЖБ мушак-бўғим дисфункцияси бор беморларда компьютер томография (КТ) усулида текшириш муҳим аҳамиятга эга. КТ натижасини таҳлил қилишда пастки жағ бўғим бошчасининг бўғим чуқурчасида сагитал текисликка нисбатан симметриклигига асосий эътиборимизни қаратдик. КТ таҳлили Жулев Е.Н., Ершов П.Э (2016 й) усулида ўтказилди.

Текширилган 642 нафар болаларнинг доимий тишловдаги 114 нафар тиш-жағ тизимида маълум патологик ўзгаришлари бор болалар стоматология-ўқув-илмий амалий маркази ва вилоят болалар стоматология поликлиникасига ортодонтик даволаниш учун диспансер назоратига олинди. Ушбу болаларнинг 79 нафари асосий гуруҳга ажратиб олинди. Асосий гуруҳга чакка пастки жағ бўғимидаги патологик ўзгаришлари бор болалар шикоятлари асосида ажратиб олинди. Асосий гуруҳдаги болаларнинг 17 нафарида кесишган тишлов аниқланган бўлса, 15 нафарида чуқур тишлов кузатилди (1 диаграмма).



1 диаграмма. Текширилган болалардаги тишлов турлари (нафар).

КТ да тишлов турига қараб бўғим бошчаси силжишнинг ўзаро боғлиқлиги таҳлил қилинди. Ортогнатик тишловли болаларнинг 20% да пастки жағ бўғим бошчаси силжиши ва 80% да нормал марказий ҳолатда жойлашиши кузатилди. Дистал тишловли болаларнинг 71,4% да пастки жағ бўғим бошчаси юқори ва орқа томонга силжигани, фақатгина 28,6% да бўғим бошчаси марказий ҳолатда жойлашган. Чуқур тишловли болаларнинг 73,3% да пастки жағ бўғим бошчасининг юқори ва орқага силжиган, 26,7% силжиш кузатилмади. Медиал тишловли болаларнинг 33,3% да бўғим бошчасининг силжиши, 66,7% да эса нормал ҳолатда бўғим бошчаси жойлашганлигини аниқладик.

1 жадвал.


Тишлов турига қараб пастки жағ бўғим бошчасининг ҳолатлари

Тишлов тури	ЧПЖБ бўғим бошчаси ҳолати		Жами
	Патологик	Нормал	
Ортогнатик	2 (20%)	8 (80%)	10
Дистал	10 (71,4%)	4 (28,6%)	14
Медиал	4 (33,3%)	8 (66,7%)	12
Чуқур	11 (73,3%)	5 (26,7%)	15
Очик	6 (54,5%)	5 (45,5%)	11
Кесишган	12 (70,6%)	5 (29,4%)	17

Болаларда тиш қаторларидаги окклюзион бузилишлар кўринишлари ва уларнинг учраш фоизлари 3- жадвалда кўрсатилган. Марказий тишлар симметриклиги бузилиши 11 нафар (9,6%), инфраокклюзия эса 24 нафар (21%) болаларда кузатилди.

Хулоса. Юқоридаги олинган натижаларимизга қараганда дистал ва чуқур патологик тишловларда пастки жағ бўғим бошчасининг силжиши кўп кузатилиб, чакка пастки жағ бўғими мушак-бўғим дисфункцияси патогенезида патологик тишлов турлари асосий ўринларни эгаллади.

Шуни ҳам такидлаш керакки чакка пастки жағ бўғими мушак-бўғим дисфункцияларини ташхислаш ва даволашда пастки жағ бўғим бошчасининг жошлашиш ҳолати ҳамда ЧПЖБнинг морфофункционал ҳолати комплекс омиллар сифатида инобатга олиш зарур. Патологик тишловларни даволашдан олдин КТ текшириш усули ўтказилса, чакка пастки жағ бўғими элементлардаги ўзгаришларни кўриб, даволаш жараёнида асосий эътибор қаратилиб, чакка пастки жағ бўғими касалликларини оғир кўринишларга ўтиши олди олинади.



2 диаграмма. Тиш қаторларидаги окклюзион бузилишлар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алиев З.У. Региональные особенности распространенности зубочелюстно-лицевых аномалий у детей // Вестник проблем биологии и медицины. – 2012. – Т. 2, № 2. – С. 237–240.
2. Брагин А. В. и др. Онтогенетическая оценка общих механизмов устойчивости организма к патологии зубочелюстной системы // Рос. стоматол. журн. – 2008. – №. 5. – С. 23-27.
3. Гажва С.И., Зызов Д.М., Шестопапов С.И., Касумов Н.С. Распространенность патологии височно-нижнечелюстного сустава у пациентов с частичной потерей зубов // Современные проблемы науки и образования. 2015. №6.
4. Долгаев А.А. Комплексная диагностика окклюзионных нарушений зубных рядов у пациентов с патологией височно-нижнечелюстного сустава // Вестник новых медицинских технологий. 2008. №2.- С.80.
5. Егоров П.М., Карапетян И.С. Болевая дисфункция височно-нижнечелюстного сустава. М, Издательство медицина, 1996.-122 с
6. Каменева Л.А. Оптимизация диагностики и лечения больных с синдромом болевой дисфункции височно-нижнечелюстного сустава: дис. ...канд/д-ра медицинских наук. Саратовский государственный медицинский университет, Саратов, 2014г.
7. Каплан З.М., Максимовский Ю.М., Кича Д.И., Каплан Б.М. Комплексная стоматологическая активность и здоровье зубов молодежи (Методические рекомендации). –М, Изд.РУДН, -2006. -17 с.
8. Лепилин А.В., Коннов В.В., Багарян Е.А., Арушанян А.Р. Клинические проявления патологии височно-

- нижнечелюстных суставов и жевательных мышц у пациентов с нарушениями окклюзии зубов и зубных рядов // Саратовский медицинский журнал. 2010. Т.6 №2.- С. 405-409.
9. Семенов Р.Р., Карпов С.М., Хатуяева А.А., Карпов А.С. Этиологические и патогенетические механизмы формирования дисфункции височно-нижнечелюстного сустава. 2014.
 10. Хорошилкина Ф.Я. Ортодонтия / Ф.Я. Хорошилкина. – М.: Мед. инф. агенство, 2006. – 541 с.
 11. Хватова В.А. Функциональная окклюзия в норме и патологии. – М.: Медицина, 2003. –С. 27-30.
 12. Шипика Д.В. Совершенствование диагностики и лечения заболеваний ВНЧС у пациентов с аномалиями прикуса: автореф. дис. канд. мед. наук. М.,2012. 26 с.
 13. Eaton K.A. Primary Dental Care: past, present and future / K.A. Eaton // Primary Dental Care. – 2012. – Vol. 19, № 3. – P. 99–101.
 14. Roberts M.W. Dental health of children: where we are today and remaining challenges / M.W. Roberts // J. Clin. Pediatr. Dent. – 2008. – Vol. 32, № 3. – P. 231–234.
 15. Scaramucci T. Oral manifestation associated with multiple pituitary hormone deficiency and ectopic neurohypophys / T. Scaramucci [et al.] // J. Clin. Pediatr. Dent. – 2011. – Vol. 35, № 4. – P. 409–413.
 16. Olimov S.Sh., Saidov A.A, Gaffarov S.A., Akmadaliev N.N Assessment of hepatobiliary system with dentalveolar anomalies in school children // International journal of Research (IJR), Volume-06, Issue-03 march 2019. 576-583.
 17. Saidov A.A. Assessment of some indicators of oral liquid in children with the pathology of the temior-lower under jaw joint // Asian Journal of Multidimensional Research, Volume-09, Issue-01 january 2020. 59-63.
 18. Wang, J. Comparison of cytotoxin genotypes of helicobacter pylori in stomach and saliva / J. Wang, D.S. Chi, J.J. Laffan, Ch. Li, Jr.D.A. Ferguson, P. Litchfield, E. Thomas // Digestive Diseases and Sciences. – 2018. – № 8(47). – P. 1850–1856.

КУЙГАН БЕМОРЛАРДА ОШҚОЗОН-ИЧАК ТРАКТИ ФУНКЦИЯСИ БУЗИЛИШЛАРИНИНГ ЭНДОСКОПИК МОНИТОРИНГИ ВА ЭНТЕРАЛ ОЗИҚЛАНТИРИШ

Ф. А. Даминов, Х. К. Карабаев, С. А. Рузибоев

Самарқанд Давлат тиббиёт институти, Самарқанд,

Республика шошилич тез ёрдам илмий маркази Самарқанд филиали, Самарқанд, Ўзбекистон

Таянч сўзлар: куйишлар, эрозив-яралли зарарланиш, термик зарарланишлар.

Ключевые слова: ожоги, эрозивно-язвенное поражение, термические поражения.

Key words: burns, erosive and ulcerative lesions, thermal lesions.

Тадқиқотни бажариш куйган беморларда меъда ва ўн икки бармоқ ичакнинг зарарланиши ва шиллик қаватининг ҳолатини аниқроқ баҳолаш имконини берадиган эндоскопик текширув натижаларини ўрганишга асосланади. Бунда тана юзасининг 25-35% зарарланган 87 нафар зонд орқали озиқлантирилган бемор ўрганилди. Оғир куйганларда комплекс даволаш чоралари гипералементация (зонд билан овқатлантириш) билан бирга олиб борилса организмнинг дармонсизликга учраши камаймади, ошқозон-ичак трактининг метаболлик касалликларини самарали равишда даволайди, етарли миқдордаги пластик материал билан таминлайди ва куйиш касаллигининг асоратлари сонини камайтириб, жарроҳлик даволаш натижаларини яхшилади.

ЭНДОСКОПИЧЕСКИЙ МОНИТОРИНГ И ЭНТЕРАЛЬНОЕ ПИТАНИЕ У ОБОЖЖЁННЫХ С НАРУШЕНИЯМИ ФУНКЦИЙ ЖЕЛУДОЧНО-КИШЕЧНОГО ТРАКТА

Ф. А. Даминов, Х. К. Карабаев, С. А. Рузибоев

Самарқандский Государственный медицинский институт, Самарқанд,

Самарқандский филиал Республиканского научного Центра экстренной медицинской помощи, Самарқанд, Узбекистан

При проведении данной работы в основу изучения результатов мы положили данные оценки поражения желудка и двенадцатиперстной кишки у обожжённых, по данным эндоскопического метода исследования, позволяющего более точно оценивать состояние слизистой оболочки желудка и двенадцатиперстной кишки. Обследовано 87 больных, получивших зондовое питание с площадью поражения от 25 до 35% поверхности тела. Комплексная терапия у тяжелообожжённых с включением зондовой гипералиментации позволяет уменьшить выраженность истощения, эффективно корректировать нарушения обмена функции желудочно-кишечного тракта, обеспечить достаточное количество пластического материала, тем самым уменьшить число осложнений ожоговой болезни и улучшить результаты оперативного лечения.

ENDOSCOPIC MONITORING AND ENTERAL NUTRITION IN BURNED PATIENTS WITH GASTROINTESTINAL TRACT DYSFUNCTIONS

F. A. Daminov, Kh. K. Karabaev, S. A. Ruziboev

Samarkand state medical institute, Samarkand,

Samarkand branch of republican research centre of emergency medicine, Samarkand, Uzbekistan

In carrying out this work, we based the results on the assessment of lesions of the stomach and duodenum in burned patients, according to the endoscopic research method, which allows a more accurate assessment of the state of the mucous membrane of the stomach and duodenum. We examined 87 patients who received probe nutrition, with a lesion area of 25 to 35% of the body surface. Combined therapy in seriously ill people with the inclusion of probe hyperalimentation can reduce the severity of exhaustion, effectively correct metabolic disorders of the gastrointestinal tract, provide a sufficient amount of plastic material, thereby reducing the number of complications of burn disease and improve the results of surgical treatment.

Қириш. Куйиш жароҳатини оғирлаштирадиган ҳолатлардан бири ошқозон-ичак трактидаги эрозив яралли ўзгариш бўлиб, беморларда сурункали гастродуоденал яралар 1,6-2,6% ҳолатда, ўткир эрозия ва яралар эса 30,3-66,1% гача учрайди [1,2,3,12,15]. Куйиш шоки, интоксикация, гипертермия беморларда жиддий нейропсихик ўзгаришлар, ҳазм тракти органлари функцияси бузилишига сабаб бўлади. Бу гипо- ва анорексия, кўнгил айниши, қусиш, метеоризм, ошқозон-ичакнинг ҳазм қилиш ва сўрилиш хусусиятларининг пасайиши билан намён бўлади. Эрта посттравматик (куйгандан кейин) даврда беморларни озиқлантиришнинг энтерал йўли блокланганлиги туфайли парэнтерал усул қўлланилади. Тана юзасининг 30% дан зиёд куйиш жароҳатини олган беморнинг метаболлик жараёнлар

учун энергетик эҳтиёжи 3500-4500 ккал/с ташкил этади [3,11]. Оғир беморларни эрта энтерал озикланишга ўтказиш, ошқозон-ичак трактидаги эрозив яралар ҳосил бўлишини ва қон кетиши частотасини камайтиришда муҳим рол ўйнайди [7,9,10,16].

Тадқиқот материали ва усуллари. Тадқиқот Республика шошилинич тез ёрдам илмий маркази Самарқанд филиали комбустиология бўлимида 2015-2019 йилларда даволанган 103 беморларнинг даволаш натижаларига асосланган. Асосий гуруҳ 103 бемордан 65 нафар (63,1%) эркаклар, 38 (36,9%) аёллар ташкил этади. Куйиш майдони тананинг 25-45% ни ташкил этган 87 бемор текширилиб зондли озуклантирилди. Термик жароҳатнинг умумий майдони тери қопламининг $36,7 \pm 7,7\%$ ни ташкил этди. Термик жароҳат интеграл кўрсаткичлар даражаси назорат ва асосий гуруҳда деярли бир хил бўлган. Франк индекси 25 дан 205 гача ($88,5 \pm 41,3$) ораликда аниқланди.

103 бемордан 91 нафариди ($88,34\%$) эндоскопик текширув ўтказилди. Натижада 8 нафар беморда ўн икки бармоқ ичкада кратерсимон яралар аниқланди. Яралар ўлчами 0,3-0,4 см дан 0,5-0,8 см гача бўлиб гиперемияланган ва шишли кўринишда. 5 беморда оғриқли, қирғоқлари текис яралар ошқозоннинг пилорик қисмида, 13 беморда эса катарал дуоденит аниқланди. 36 беморда ошқозон шиллик қавати антрал қисмида эрозияли яллиғланишлар топилди. 3 та ўлган беморларда ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яралари (Курлинг-Дюпюитрен яраси) аниқланган.

Натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Маълумки кенг ва чуқур куйишларда моддалар алмашинуви жараёнлари бузилади. Пластик ва энергетик ресурслар(нутриентлар) етишмаслиги тана вазнининг камайиши, организмнинг иммун тизими пасайиши, куйиш жароҳатида репаратив жараёнлар секинлашуви, ошқозон ичак тракти функциясининг бузилиши, хирургик даволаш натижаларининг ёмонлашувига олиб келади. Бу асосан куйиш касаллигининг учинчи босқичида, оғирлашган куйиш толиқишида содир бўлади [7,8,13,14]. Шунинг учун, ушбу жараёнларнинг коррекциясида парэнтерал озикланиш фони зондли озиклантириш усуллари қўлладик.

Куйиш касаллигини комплекс даволашни адекват ва эрта нутритив озиклантиришсиз амалга ошириб бўлмайди, чунки термик жароҳат патогенизида гиперметаболик синдром муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бунда асосий алмашинув даражаси 180-200% гача кўтарилади, айниқса қон зардоби албумин ва глобулинлар катаболизми кучайиб кетади [8,14]. Нутритив озиклантиришни қўллаш куйиш жароҳатини олгандан сўнг ўртача ҳисобда 12-24 соатдан кейин бошланади. Энтерал озиклантириш ичакнинг мотор-эвакуатор функцияси тикланган беморларга қўлланилади. Зонд билан томчи усулда оксил гидролизати, глюкозанинг концентрацияланган эритмалари, ёғлар эмульсиялари киритилди.

Шифохона рационига қўшимча суткалик калория 1700-2000 ккал/с ташкил қилади. Ҳазм қилишни ошириш мақсадида В гуруҳ витаминлари, витамин С, инсулин, анаболик гормонлар юборилди. Зондли озиклантириш давомийлиги ўртача 24 кунни ташкил этди.

Беморга керакли калория миқдори куйидаги формула (М. Hildrethetal., 1982) ёрдамида ҳисоблаймиз: 1800 ккал/м^2 тана юзаси/кунлик (физиологик эҳтиёж)+ 2200 ккал/м^2 тана юзаси/кунлик (кўйиш жараёнида келиб чиқган зарурий қўшимча энергия).

Кўпчилик касалларда 2-3 кундан кейин комбинирланган озиклантириш (энтерал+парэнтерал) имкони пайдо бўлади. Энтерал озиклантириш аста секин 65-80% гача оширилади.

Сунъий озиклантиришнинг ушбу варианты Республика шошилинич тез ёрдам илмий маркази Самарқанд филиалида тайёрланган Зонд-III энтерал аралашмаси (жадвал) юкори самарадорликка эга эканлиги исботланди.

Куйиш майдони 50% дан кам—40-60 ккал/кг, 50%дан кўп—60-80 ккал/кг.

Куйиш жароҳати чуқур ва катта майдонли беморларда 24-48 соатдан сўнг зондли озиклантиришни бошлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Куйган касаллар билан бошқа хирургик касалларнинг зондли озиклантиришдаги катъий фарқи, унинг қўшимча озиклантириш эканлигида бўлиб, 2-3 кундан сўнг беморлар зондга кўникишади ва у одатий овқат

Таблица 1.

Зонд-III энтерал аралашмаси таркиби

№	Номлари	Таркиби
1	Гўштли шўрва	2000 мл
2	Қайнатилган қиймали гўшт	400 г
3	Тухум сариғи	100 г
4	Сметана	100 г
5	Сариёғ	50 г
6	Сабзи соки	100 мл
7	Олма соки	100 мл
8	Туршак	100 г
9	Манна ёрмаси	40 г
10	Картошка	200 г
11	Талқон	30 г
Жами: оксиллар 126 г, ёғлар 129 г, углеводлар 380 г.		3200-3500 ккал

қабул қилишига ҳалақит бермай қўяди. Ҳар кунги овқатланишлар оралиғида зонд орқали томчи йўли билан Зонд III аралашмаси витаминлар (А, В1, В2, С, РР) комплекси қўшиб юборилиб турилади. 2-4 ҳафтадан сўнг оксиллар баланси меъёрлашгандан кейин зондни олиб ташланиб, тери қоплами аутодермотрансплантация йўли билан тикланади. Ўртача ҳисобда даволаш учун 9,0 л (9000 ккал) «Зонд III» озуқа аралашмаси ишлатилади.

Энтерал озиклантиришнинг ҳажми ва тезлиги индивидуал аниқланади. Даврий озиклантиришни 18 беморда 4-6 соатдан қўлланилди, орада 2-3 соат дам олдирилди. Ҳар кун 450-850 млдан 2-3 ҳафта мобайнида юборилди. Нутритив озиклантириш усули самарали таъсир кўрсатиб, беморларнинг очликдан қийналиши олди олинди. Энтерал озиклантиришни эрта бошлаш (шок ҳолатида) патогенетик асосланган бўлиб буни қўйидагича изоҳлаш мумкин:

- ичак шиллик қавати хужайралари регенерацияси ва ўсиши учун кучли стимулятор овқат субстратлари бўлиб, ингичка ичак 50%, йўғон ичак эса 80% гача ўз эҳтиёжларини ичак бўшлиғидаги нутриентлар эвазига қоплайди. Бу эса шиллик қават дистрофия ва атрофиясини олдини олади;
- ичакка киритилган озуқа субстратлари унинг мотор – эвакуатор (перестальтик) функциясини эрта ва самарали стимуляциясини таъминлайди;
- ошқозон-ичак тракти шиллик қавати ўткир эрозив – ярали яллиғланишлари (Курлинг яраси) профилактикасида зарур ҳисобланади;
- сифатли энтерал озиклантириш организмни стресс реакцияларининг намоён бўлишини пасайтириб, термик жароҳат вақтида катаболитик жараёнларини қоплайди.

Таъкидлаш жоизки, беморнинг адекват оксилли озиклантирилиш бўлганида, ҳамда жигар функциялари сақланганда суткада 20 гача оксилни жигар синтезлайди. Бунинг 50-60% ини альбуминлар (10-12 г/сутка) ташкил этади. Эрта энтерал озиклантиришнинг тадбиғи натижасида полиорган дисфункциясининг давомийлигини $8,45 \pm 0,5$ дан $6,22 \pm 0,3$ суткага ($P \leq 0,15$) гача, реанимация бўлимида даволаниши $12,02 \pm 0,06$ дан $4,3 \pm 0,3$ суткагача ($P \leq 0,05$) қисқартиради. Биринчи суткадан энтерал озиклантирилган беморларнинг ҳеч бирида ошқозон – ичак трактида қон кетиши кузатилмади. Энтерал озиклантириш кечроқ йўлга қўйилган гуруҳда қон кетиши 6 беморда (16,6%) аниқланди. Эрта энтерал озиклантирилган гуруҳда қон препаратларига сарф-харажат 22% га, плазма ўрнини босувчи препаратларнинг эса 36% га тежаши аниқланди.

Зондли озиклантириш самарадорлиги критериялари бўлиб беморнинг умумий аҳволи, термик жароҳат ҳолати, электролитлар ва оксил алмашинуви кўсаткичлари, аутодермотрансплантат битиши кабилар хизмат қилди. Зонд орқали препаратлар киритилишида салбий

реакциялар, нокулай аҳволлар (ёқимсиз ҳислар) кузатилмади.

Айтиш жоизки, куйган беморларни даволаш инфузион – трансфузион терапия, адекват аралаш (парэнтерал–энтерал) ёки энтерал озиклантиришдан иборат эмас. Балки шу билан бирга некротомия, эрта некрэктомия, аутодермотрансплантация, антибиотикотерапия, оғрикислантириш, юрак – қон томир препаратлар юборилиши билан бирга ўтказилади.

Хулоса. Куйиш касаллигини даволашда энтерал озиклантиришга алоҳида уруғ бериш керак бўлиб, энтерал озиклантириш парэнтерал озиклантиришга қараганда анча физиологик ва 8-10 маротаба арзон тушади. Алоҳида қатъий стерил талаблар қўйилмайди ва ҳаёт учун хавфли асоратлар кузатилмайди. Шундай қилиб, оғир куйган беморларда комплекс даволаш чораларига зондли гипералиментация қўшилганда, организмнинг кучли ҳолдан тойишини пасайтиради, ошқозон-ичак тракти функцияси бузилишларини самарали коррекциялаш, пластик материалнинг етарлича ҳосил бўлиши ва куйиш касаллиги оғирлашишини пасайтириб, оператив даволаш натижалари ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алексеев А.А., Бобровников А.Э., Крутиков М.Г. Анализ эрозивно-язвенных поражений желудочно-кишечного тракта и кровотечений из них у пострадавших с ожогами //Мат. конф. «Термические поражения и их последствия». Ялта 2016, с 43-47.
2. Воробьева О.В., Луфт В.М., Крылов К.М. Протоколы инфузионно-трансфузионной терапии и нутриционной поддержки пострадавших с тяжелой термической травмой // Мат. 6-го международного конгресса «Парентеральное и энтеральное питание». - Москва, 2002. - с. 37-38.
3. Воробьева О.В. Парентеральный компонент нутриционной поддержки в практике, интенсивной терапии тяжелообожженных // Мат. 3-й научно-практической конференции «Искусственное питание и инфузионная терапия больных, в медицине критических состояний». - Псков, 2003 - с. 37-38.
4. Гельфанд Б.Р., Заболотских И.Б. Интенсивная терапия. Национальное рук-во/ Под ред. Акад. РАН Б.Р. «ГЕОТАР-Медиа», 2019. – с. 643-650.
6. Joseph C. Segen, Concise Dictionary of Modern Medicine, New York, McGraw-Hill, 2006. ISBN 978-88-386-3917-3.
7. Douglas M. Anderson; A. Elliot Michelle, Mosby's medical, nursing, & Allied Health Dictionary sesta edizione, New York, Piccin, 2004. ISBN 88-299-1716-8.

ШИФОХОНАЛАРДА ТИББИЙ СУҒУРТА ХИЗМАТИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ НАТИЖАЛАРИ

Ж. А. Ризаев, А. М. Мамадиёров

Самарқанд Давлат тиббиёт институти, Самарқанд,
Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент, Ўзбекистон

Ключевые слова: система здравоохранения, медицинские услуги, обязательное медицинское страхование.

Таянч сўзлар: соғлиқни сақлаш тизими, мажбурий тиббий суғурта, тиббий хизмат.

Key words: a healthcare system, medical insurance, medical services.

Дунёнинг ривожланган мамлакатлари тиббиёт тизимида қўлланилаётган тиббий суғурта тизимининг ижтимоий-иқтисодий самарадор йўналишларига оид тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишда мажбурий тиббий суғурта тизимини жорий қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жаҳон тажрибасини ўрганиш ҳамда шифохоналарда ўтказилган таҳлиллар натижаларига кўра тиббий суғурта тизимини жорий қилиш даволаш-профилактика муассасаларида беморларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини оширади, жамиятда ижтимоий-иқтисодий муносабатларни адолат тамойилларига асосида шаклланишига олиб келади.

РЕЗУЛЬТАТЫ ЭФФЕКТИВНОСТИ УСЛУГ МЕДИЦИНСКОГО СТРАХОВАНИЯ В БОЛЬНИЦАХ

Ж. А. Ризаев, А. М. Мамадиёров

Самаркандский Государственный медицинский институт, Самарканд,
Ташкентская медицинская академия, Ташкент, Узбекистан

Принимаются организационные меры по внедрению обязательного медицинского страхования в системе здравоохранения Республики Узбекистан, с углубленным изучением опыта социально-экономически эффективных областей медицинского страхования в системе здравоохранения развитых стран. Согласно исследованию мирового опыта и анализу работы больниц, внедрение системы медицинского страхования позволит улучшить качество медицинских услуг для пациентов в лечебно-профилактических учреждениях, приведет к формированию социально-экономических отношений в обществе на основе принципов справедливости.

SERVICE PERFORMANCE RESULTS OF HEALTHCARE INSURANCE IN HOSPITALS

J. A. Rizaev, A. M. Mamadiyrov

Samarkand state medical institute, Samarkand,
Tashkent Medical Academy, Tashkent, Uzbekistan

Organizational measures are being taken to introduce compulsory medical insurance in the healthcare system of the Republic of Uzbekistan, with in-depth study of the experience of socially and economically effective areas of medical insurance in the medical system of developed countries. According to a study of world experience and work analysis of hospitals, the introduction of a medical insurance system will improve the quality of medical services for patients in medical institutions, will lead to the formation of socio-economic relations in society based on the justice principles.

Аҳоли саломатлиги ривожланган мамлакатларнинг ижтимоий – иқтисодий даражасининг муҳим кўрсаткичи бўлиб, жамиятда мавжуд меҳнат потенциалининг ажралмас қисми ҳисобланади. Аҳоли саломатлиги кўрсаткичлари миллий соғлиқни сақлаш тизимининг ҳолатига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, унинг фаолияти молиялаштириш жараёни ташкил қилинишида ўз аксини топади. Ҳозирги кунда соғлиқни сақлашни молиялаштиришнинг манбалари бюджет маблағлари, суғурта компаниялари маблағлари, фуқароларнинг шахсий маблағлари ва корхоналар маблағлари ҳисобланади [1].

Тиббий суғурта тизими соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришнинг мақбуллаштириш жараёнида фуқароларнинг бепул тиббий ёрдам олишини таъминловчи асосий бозор молиявий механизми ҳисобланади. Аҳолининг тиббий ёрдамга бўлган эҳтиёжи соғлиқни сақлаш тизимининг молиялаштириш манбаидан қатъий назар қондирилиши шарт. Давлат томонидан аҳолига кафолатланган тиббий хизмат кўрсатишнинг адолатли тамойилларидан бири – давлат ва хусусий тиббиёт муассасаларига тўғри тақсимланган тиббий суғурта тизимини жорий қилишни тақазо қилади [4].

Дастлабки тиббий суғурта тизими ғояси 1880 йил канцлер Отто Фон Бисмарк томонидан таклиф этилган бўлиб, 1883 йилда қабул қилинган тиббий суғурта ҳақидаги акт тиббиётда суғурта тизимига асос солган. Ривожланган мамлакатларнинг тиббий суғурта тизими 2 турдан: ихтиёрий ва мажбурий тиббий суғурта тизимидан иборат [2].

1922 йилда Япония ҳукумати томонидан йирик корхоналар ва заводларда ишловчи ишчилар ва шахтёрларни тиббий суғурта билан қамраб олиш тўғрисидаги қонун қабул қилинган, 1938 йилдан фермерлар ва балиқчилар, 1958 йилдан бошлаб эса барча фуқаролар учун тиббий суғурта тизими жорий қилинган. Россия Федерациясида эса 1993 йил қабул қилинган тиббий суғурта тўғрисидаги қонунга кўра ишловчи ходимлар иш берувчи томонидан, аҳолининг ижтимоий муҳтож қатлами давлат томонидан тиббий суғурталанади [3].

Ўзбекистонда ихтиёрий тиббий суғурта тизими 2003 йилдан жорий қилинган бўлиб, бу тизим мамлакатимизда аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг замонавий бозор механизмларини жорий қилинишининг дастлабки қадамлари ҳисобланади. Ўзбекистонда 2003 йилда 1 дон, 2004 йилда 2 та, 2005 йилда 3 та, 2006 йилда 7 та, 2007 йилда 9 та ва 2020 йилга келиб 10 дан ортиқ суғурта компаниялари ихтиёрий тиббий суғурта тизимида фаолият юритмоқда [5]. Бугунги кунга келиб эса, суғурта компанияларини ҳам, тиббиёт муассасаларини ҳам амалга ошираётган фаолиятларини, хизматлар сифатини ва кўрсатилаётган хизматнинг ҳалқаро мезонларга мос келишини таҳлил қилиш имконияти яратилди.

Тадқиқот мақсади. Ихтиёрий тиббий суғурта хизмати орқали даволанган беморларга кўрсатилган тиббий хизмат сифатини ва иқтисодий натижаларини таҳлил қилиш

Тадқиқот манбалари ва ўрганиш усуллари. Ўрганишлар натижасида, 2017-2019 йилларда Тошкент тиббиёт академияси клиникаларида ихтиёрий тиббий суғурта тизими орқали даволанган беморларнинг статистик, иқтисодий таҳлиллар асосида даволаш самарадорлиги, кўрсатилган тиббий хизматнинг молиявий маблағлар миқдори таҳлил қилинди ва баҳоланди. Кўрсатилган тиббий хизмат сифатини баҳолаш учун беморларда аноним сўровнома ўтказиш усулидан фойдаланилди. Аноним сўровномада 7 туркумдаги 42 турдаги саволлардан иборат сўровнома ишлаб чиқилиб, турли хил кўрсаткичлар қамраб олинди. Ретроспектив таҳлил орқали даволанган беморлар сони, уларнинг ёши, жинси, шифохонада даволаниш кунлари, Ҳалқаро касалликлар таснифи (ХКТ-10) бўйича касалликларнинг нозологияси ўрганилган бўлса, иқтисодий таҳлил усуллари ёрдамида бир беморни даволаш учун сарф қилинган маблағ миқдори, шу жумладан бир беморга ўтказилган текширувлар, сарф қилинган реактив ва диагностика ашёлари, дори-дармон ҳамда тиббий жиҳозлар, бир ўрин кунни ҳамда беморни овқатлантириш учун сарф қилинган маблағлар алоҳида ўрганилди. Олинган натижаларнинг вариацион статистика усули ёрдамида қайта таҳлил қилинди. Тафовутлар ҳаққонийлиги Студент мезони ёрдамида 95% ($p < 0,05$) атрофида баҳоланди.

Суғурта компаниялари билан даволаш-профилактика муассасаси ўртасида беморларни текшириш, даволаш ва реабилитация қилиш тўғрисида имзоланган шартнома бўйича, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ва Қонун ости ҳужжатлари асосида томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, улар ўртасида юзага келган низоли ҳолатларда суд органлари орқали низоларни бартараф этиш белгиланган, фуқаронинг Конституциявий ҳуқуқлари эса фуқаро билан суғурта компаниялари ўртасидаги ҳуқуқий ҳужжатлар асосида кафолатланган.

Натижалар. 2017-2019 йилларда клиникада жами 89 нафар бемор ихтиёрий тиббий суғурта полиси орқали текширишлардан ўтган ва даволанган бўлиб, уларнинг 47 нафарига амбулатор шароитда, 42 нафарига стационар шароитда малакали тиббий ёрдам кўрсатилган.

Тиббий суғурта тизими орқали амбулатор мурожаат қилган беморларнинг 31,7% ни юрак қон томир тизими касалликлари, 23,1% ни таянчч ҳаракат тизими касалликлари, 19,4%ни асаб тизими касалликлари ва 25,8% ни бошқа аъзолар касалликлари ташкил қилган.

Стационар шароитда даволанган беморларнинг 37,2% ни юрак-қон-томир тизими касалликлари, 18,3% ни асаб тизими касалликлари, 16,5% ни нафас олиш тизими касалликла-

1 жадвал.

Даволанган беморларнинг ташҳислар кесимида таҳлили.

№	Ташҳис	Фоиз
1	Гипертония касаллиги	15,7%
2	Юрак ишемик касаллиги	13,1%
3	Бош мияда қон айланишининг бузилиши	11,6%
4	Ўпканинг сурункали обструктив касаллиги	9,0%
5	Ошқозон ва 12 бармоқли ичак яра касаллиги	7,8%
6	Жигар циррози	6,3%
7	Бошқа ташҳислар билан	36,5%

ри, 13,1% ни ҳазм аъзолари касалликлари ва 14,9% ни бошқа аъзолар касалликлари ташкил қилган.

Даволанган беморларнинг 15,7% гипертония касаллиги, 13,1% юрак ишемик касаллиги, 11,6% бош мияда қон айланишининг бузилиши, 9,0% ўпканинг сурункали обструктив касаллиги, 7,8% ошқозон ва 12 бармоқли ичак яра касаллиги, 6,3% жигар циррози ва 36,5% бошқа ташҳислар билан даволанган (1-жадвал).

Даволанган беморларни суғурталаш 3 та суғурта компаниялари ҳамда бир корхона томонидан амалга оширилган бўлиб (НКМК, “Глобал Ассист” СК, «ДД Генерал» МЧЖ СК, “Ўзбекинвест” СК), 47 нафар амбулатор мурожаат қилган беморларнинг амбулатор кўрикдан ўтиши ва маслаҳат олиши учун ўртача 1,2 кун сарфланган бўлиб, суғурта компаниялари томонидан бир бемор учун ўртача амбулатор текширувлар учун 84125 сўм тўловлар амалга оширилган. 42 нафар стационар даволанган беморларнинг ўртача шифохонада ётиши 6,6 кунни ташкил қилган, суғурта компаниялари томонидан стационар шароитда даволанган бир бемор учун ўртача 2 млн. 295 минг сўм тўловлар амалга оширилган. Стационар шароитда даволанган беморларни дори – дармонлар ва тиббий жиҳозлар билан шифохона томонидан таъминлаш 92% ни ташкил қилган.

Шифохонада беморларга суғурта тизими шаклида кўрсатилган тиббий хизмат сифатини ўрганиш мақсадида, ўтказилган аноним сўровномалар натижаларига кўра, 78,2% беморлар тиббий хизмат сифатидан қониқганлигини, 16,1% беморлар жавоб беролмаслигини, 5,7% беморлар хизмат кўрсатиш сифати пастлигини билдирган.

Тиббий хизмат суғурта компаниялари билан клиника ўртасида (ёки иш берувчи ташкилот билан ҳам, 3 томонлама) беморларни текшириш, даволаш ва реабилитация қилиш тўғрисида имзоланган шартнома асосида амалга оширилган. Шартнома талабларига кўра клиника беморларни тасдиқланган стандартлар асосида текшириш, даволаш ва реабилитация муолажаларини ўтказиш, агарда даволаш жараёнида асоратлар содир бўлса, клиника маблағлари томонидан даволаш мажбурияти клиникага юкланган бўлса, суғурта компаниялари (иш берувчи ташкилот)га эса амалга оширилган беморларни текшириш, даволаш ва реабилитация муолажалари учун ССВ томонидан тасдиқланган прејскурант асосида тўловларни 1 ой муддат ичида амалга ошириш мажбурияти юкланган. Даволанган беморлар орасида даволаш жараёнида асоратлар кузатилмаган, суғурта компаниялари билан шифохоналар ўртасидаги молиявий муносабатларда низоли ҳолатлар юзага келмаган, беморларни текшириш, даволаш ва реабилитация қилиш учун тўловларни суғурта компанияси томонидан якуний тўловлар 1 ой муддат ичида амалга оширилган. Клиника томонидан топилган маблағлар дори-дармон, тиббий жиҳозлар харидига ва сервис хизматлари кўламини кенгайтиришга сарфланган.

Хулоса: Тиббий суғурта тизими – аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини яхшилашнинг замонавий бозор механизми бўлиб, унинг жорий қилиниши асосида Давлат томонидан ҳар бир фуқаронинг соғлиги кафолатланади. Суғурта компаниялари томонидан даволаш ва реабилитация жараёни ҳалқаро мезонларга мос келувчи стандартлар асосида амалга оширилишининг қатъий назорати, даволаш-профилактика муассасаларида бемор-

ларни даволашни, умуман олганда, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини оширади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Страхование в Узбекистане” Л. Закиров, М. Куликова, С. Абдурахимова. Май 2020.
2. Т.М. Косачева, А.А. Дей. Исторические аспекты становления страховой медицины. Тихоокеанский медицинский журнал. 2015. № 1.
3. Фоменко, В.В. Актуальные проблемы финансирования национального здравоохранения / В.В. Фоменко // Фундаментальные исследования. -2013. - № 10 - С. 841-845.
4. А.А. Цыганов, Н. В. Кириллова. Экономика региона. Т. 14, 4 (2018).
5. Busse R, Blümel M, Knieps F, Bärnighausen T. Statutory health insurance in Germany: a health system shaped by 135 years of solidarity, self-governance, and competition. Lancet 2017; published online July 3.
6. Reinhard Busse, Miriam Blümel, Franz Knieps, Till Bärnighausen. Germany and health 1Published Online. July 3, 2017.

МИГРЕННИНГ АСОРАТЛАРИДА ЭЛЕКТРОЭНЦЕФАЛОГРАФИК КЎРСАТКИЧЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИНИ АНАЛИТИК ТАҲЛИЛИ

М. Ж. Саноева

Бухоро давлат тиббиёт институти, Бухоро, Ўзбекистон

Ключевые слова: мигрень, мигренозный статус, хроническая мигрень, ЭЭГ.

Таянч сўзлар: мигрень, мигреноз статус, сурункал мигрень, ЭЭГ.

Key words: migraine, migraine status, chronic migraine, EEG.

Тадқиқот мақсади мигреннинг баъзи мураккаб шакллари, бош миядаги ўзгаришларни электроэнцефалография ёрдамида, уларнинг корреляцияси ва хусусиятларини ўрганишдан иборат. Тадқиқотимизга 133 (100,0%) нафар мигрен билан оғриган беморларни жалб қилдик, шундан 66 (49,6%) нафари мигреноз статус ҳолатида бўлса, 67 (50,4%) нафарини эса сурункали мигрен билан оғриган беморлар ташкил этди. ЭЭГ 16 каналли «Нейрософт» аппарати ёрдамида амалга оширилди. ЭЭГ нинг нейрофизиологик параметрлари, шуни кўрсатадики мигрен билан асоратланган беморларнинг объектив баҳолашда асосий индикатор бўлиб ҳисобланади, бош миядаги патологик ҳолатларни ва мигренни қайталаниши ва аураларни ҳосил бўлишини аниқлашга ёрдам беради.

СОВРЕМЕННЫЕ АСПЕКТЫ ЭЛЕКТРОЭНЦЕФАЛОГРАФИЧЕСКИХ КОРРЕЛЯТ НЕКОТОРЫХ ОСЛОЖНЕННЫХ ФОРМ МИГРЕНИ

М. Ж. Саноева

Бухарский государственный медицинский институт, Бухара, Узбекистан

Целью исследования явилось – изучить электроэнцефалографические корреляты головного мозга при некоторых осложненных формах мигрени. Под наблюдением находились 133 (100,0%) пациента с мигренью, из них 66 (49,6%) с мигренозным статусом, 67 (50,4%) с хронической мигренью. ЭЭГ проводили 16-канальным аппаратом фирмы «Нейрософт». Нейрофизиологические параметры ЭЭГ, явились объективными индикаторами осложненных форм мигрени, определяя зональность патологического процесса, наличие обострения и ауры.

MODERN ASPECTS OF ELECTROENCEPHALOGRAPHIC CORRELATES OF SOME COMPLICATED FORMS OF MIGRAINE

M. Zh. Sanoeva

Bukhara state medical institute, Bukhara, Uzbekistan

The aim of the study was to study the electroencephalographic correlates of the brain in some complicated forms of migraine. 133 (100%) patients with migraine were under observation, 66 (49.6%) with migraine status, 67 (50.4%) with chronic migraine. A 16-channel apparatus of the company «Neurosoft» carried out EEG. Thus, neurophysiological parameters of EEG were objective indicators of complicated forms of migraine, determining the zoning of the pathological process, the presence of exacerbation and aura.

Замонавий тиббиётнинг ютуқлари натижалари, шуни кўрсатадики ҳозирги кунда мигрен аҳоли орасида 5 фоиздан 38 фоизгача учрайди, асосан бу касаллик билан 18-33 ёшдаги одамлар азиат чекадилар [2], 75-80 фоиз одамлар ҳаёти давомида ҳеч бўлмаганда бир мартаба бўлса ҳам мигрен хуружига учрайдилар [5,8].

Миянинг дисфункцияси, мигрен патогенезида асосий бўғин бўлиб, тригеминоваскуляри тизимни фаоллаштиради, қон томир дистонияси ва оғриқ пайдо бўлишига олиб келади [1,10]. Шунингдек, мигрен келиб чиқиши патогенезида простагландинлар, эстрогенлар, марказий ва периферик нейротрансмиттерлар (серотонин, допамин, норепинефрин) муҳим рол ўйнайди, бу классик гемикрания билан биргаликда летаргия ва уйқучанлик билан тугайдиган вегетатив реакцияларни келтириб чиқаради [9,11]. Юқорида айтилганларнинг барчасига қўшимча равишда, юзага келадиган патобиокимёвий реакциялар натижасида миянинг функционал ҳолатининг эпизодик бузилиш ҳолатларига ёки мия фаолиятининг бузилиши юзага келади [3]. Мигрен билан асоратланганда, ўчоқли мия дисфункциясини ўрганиш учун электроэнцефалография усули тавсия этилади, бу иқтисодий жиҳатдан энг арзон ва кўп маълумот берадиган усулдир. Кўп йиллар давомида ишлатилишига қарамай, ЭЭГ нинг диагностик қиймати жаҳон миқёсида неврологик амалиётда кенг қўлланилади [4,7].

Мигреноз статус ҳолатида бўлган беморлар бош миянинг биоэлектрик активлиги хусусиятлари (n=66).

ЭЭГ типлари	Аура (n=40)		Аурасиз (n=26)		Хуружли (n=28)		Хуружсиз (n=38)	
	абс	%	абс	%	абс	%	абс	%
Уюшган—I тип	2	5,0	5	19,2	0	0	7	18,4*
Гиперсинхрон—II тип	5	12,5	4	15,4	3	10,7	10	26,3
Десинхрон—III тип	11	27,5	6	23,1	3	10,7	9	23,7
Яққол намоён бўлган тарқоқлик—IV тип	14	35,0	7	26,9	14	50,0	7	18,4* *
Кўпол тарқоқ—V тип	8	20,0	4	15,4	8	28,6	5	13,2

Ушбу усул умумэътироф этилган ва замонавий усуллардан бири ҳисобланиб, шунингдек амбулатория шароитида, айниқса мияда функционал ўзгаришлар мавжуд бўлганда, асосий диагностик усул сифатида кенг қўлланилади [6].

Тадқиқот мақсади: мигреннинг баъзи мураккаб шакллари, бош миядаги ўзгаришларни электроэнцефалография ёрдамида, уларнинг корреляцияси ва хусусиятларини ўрганиш.

Материал ва усуллар. Тадқиқотимизга 133 (100,0%) нафар мигрен билан оғриган беморларни жалб қилдик, шундан 66 (49,6%) нафари мигреноз статус ҳолатида бўлса, 67 (50,4%) нафарини эса сурункали мигрен билан оғриган беморлар ташкил этди.

ЭЭГ 16 каналли «Нейрософт» аппарати ёрдамида амалга оширилди, электродлар бош суяги юзасига стандарт усулда уланди, функционал тестларни ўтказиш мақсадида, кўзларни очиш ва ёпиш, гипервентилатсия тести (3 дақиқа) давомида бажарилди. Биоэлектрик маълумотларга ишлов бериш ҳисоблаш дастурига мувофиқ автоматик равишда амалга оширилди ва миянинг биоэлектрик фаоллигининг спектрал- корреляцион кўрсаткичлари чизмаларда ўз аксини топди. Статистик ишлов бериш ва гуруҳлар ўртасидаги тафовутларнинг аҳамияти Манн-Уитни ва Вилкоксон усулларида мувофиқ амалга оширилди (Statistica 6.0).

Тадқиқот натижаси. Кузатувдаги мигреноз статус ҳолатида бўлган беморларнинг ЭЭГ натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвалдан кўришиб турибдики, Е.А. Жирмунская ва В.С. Лосевнинг таснифи асосида ососланган [4,7] мигреноз статус ҳолатида I-тип ЭЭГ кўрсаткичларини ташкил этган, бунда альфа- ритм кўрсаткичлари устунлигини кўрсатади, яъни юқори даражадаги мунтазамлик билан тавсифланади, бир оз ўзгарган амплитуда градиенти асосан "аурасиз мигрен" бўлган беморларда кузатилади ва хуружлар кузатилмаган даврда, бундай беморларнинг анамнезида камдан- кам ҳолатларда (3 ойда 2-3 марта) хуружлар кузатилган.

Гиперсинхрон II тип - алфа, бета ва тета фаоллигининг ҳаддан ташқари мунтазамлиги билан ажралиб турди, улар регионал тафовутларнинг йўқотиб, ўнг ва чап ярим шарларги барча биполяр жойлашган ўчоқларни аниқлайди, "Аурали мигрен"дан, "Аурасиз мигрен" нисбатига кўра 2,5 баравар кўп учрайди ($p>0,05$), айни вақтда, хуруж бўлмаган вақтда, улар хуруж бўлган даврига қараганда 2,5 баравар кўпроқ аниқланган ($p>0,05$).

Мигреноз статус ҳолатида бўлган беморлар учун энг характерли бўлган ЭЭГнинг десинхрон III-типида - альфа тўлқинларининг амплитуда тўлиқ йўқолиши ёки амплитуданинг сезиларли даражада пасайиши, бета тебранишларининг амплитудасининг кучайиши ва ошиши, оз миқдордаги секин тўлқинларнинг мавжудлиги, уларнинг частотаси беморлар орасида статистик жиҳатдан фарқ қилмади, "Аурали мигрен" ва "Аурасиз мигрен" билан асоратланган беморларда, хуруж бўлмаган даврда ЭЭГда III-тип 2,2 марта кўпроқ қайт этилди, хуруж бўлган даврга қараганда ($p> 0.05$).

ЭЭГда аниқланган яққол намоён бўлган тарқоқлик IV- типиди, яққол намоён бўлган, ammo частотаси етарли даражада регуляр бўлмаганлиги билан ажралиб туради, уюшмаган

юқори частотали альфа тўлқинларининг фаоллиги, бош миянинг ҳамма қисмларида доминантлик қилади ва паст частотали бета тўлқинлар ўз фаоллигини оширади, юқори даражадаги дельта ва тета тўлқинларининг пайдо бўлиши "Аурали мигрен" билан асоратланган беморларда бошланишида 1,3 марта, хуруж даврида 2,7 марта устунлик қилади ($p < 0,01$). Қўпол тарқоқ V типиди – тета ва дельта тўлқинларининг фоолияти устунлик қилади "Аурали мигрен" билан асоратланган беморларда (1,3 марта) ва хуруж лаврида эса (2,2 марта) ($p > 0,05$).

Тадқиқот натижаларини таҳлил қилганда чизикли графикларда ёзилишича бош мияда носпецифик биоэлектрик фаолликнинг ошиши натижасида альфа- ритмнинг амплитудаси пасайишига, тез частотали тўлқинларнинг устунлиги, силлиқланган зоналарда кўринади.

Клиник-статистик таҳлил, шуни кўрсатадики, ЭЭГ кўрсаткичларидан 14 (21,2%) нафар беморда уюшган I тип аниқланди. Пароксизмал фаоллик фонида, ўткир тўлқинларнинг ягона тарқалиши 18 (27,3%) нафар беморда мигреноз статус ҳолатида бўлган беморларда аниқланди, бундан ташқари "Аурали мигрен" билан асоратланган 12 (18,2%) нафар беморларда ҳам кузатилди. 16–20–24 Гц частоталарда ритмик фотостимуляция тестини ўтказишда фотопароксизмал фаоллиги билан оғриган беморлар сони 1,3 баравар кўпайди 24 та (36,4%). Гипервентиляция (ГБ) тестини ўтказишда 26 (39,4%) ҳолатларда пароксизмал фаоллик аниқланди, юқори амплитудали тўлқинлар бош миянинг билатериал қисмларидан ажралади, юқори амплитудали альфа-, тета-, и дельта тўлқинлар асосан фронтал ва фронтотемпорал қисмларда ажралади, биоэлектрик активликнинг синхрон ошиши, оғриқ томонда биоритмнинг секинроқ тикланиши кузатилди.

"Аурали мигрен" билан асоратланган беморларнинг 8 (12,1%) да миянинг билатериал қисмининг чандиқланган қисмида тўлқинсимон тўлқинлар чиқиши аниқланди, ЭЭГнинг спектрал таҳлиллари асосида тезкор тўлқинлар фаоллиги (бета диапазони) устунлиги қайд этилди, пароксизмал фаолиятнинг пайдо бўлиши ва гемикраниал томонда темпорал ва олд-фронтал қисмларнинг чандиқланган зоналаридан тўлқинларнинг чиқиши пайдо бўлди.

Олинган ЭЭГ таҳлиллари асосида сурункали мигрен билан асоратланган беморларни қиёсий таҳлил ўтказилди (2 жадвал).

2-жадвалдан кўриниб турибдики, сурункали мигренда, шунингдек гемикрания хуружлари даврида ЭЭГ таҳлилларидан шуни кўриш мумкинки, ($p > 0,05$) фарқли ўлароқ, аниқланмаган. Хуружсиз дарида ҳам икки солиштириладиган гуруҳ ўртасида статистик жиҳатдан бир-биридан фарқ қилмади, хуруж даврида мигреноз статус ҳолатида бўлган беморларда 1,5 марта устунлик қилган ($p > 0,05$). Аура борлигида II -гиперсинхрон ЭЭГ тури мигрен ҳолатига қараганда 1,8 марта камроқ аниқланди, ($p > 0,05$), холбуки, хуружлар ва хуружлар орасидаги гипосинхронизация деярли 1,5 баравар паст бўлди ган ($p > 0,05$). Аурасиз сурункали мигренда гиперсинхронизация мигрен ҳолатига қараганда 1,5 баравар кўп учради ($p > 0,05$).

Альфа тўлқинларининг йўқолиши ёки амплитудасининг сезиларли даражада пасайиши билан десинхронизациянинг пайдо бўлиш частотаси иккала гуруҳда ҳам статистик жиҳатдан фарқ қилмади ва мигреноз статус ҳолатида бўлган беморлар 1,5 баравар

2 жадвал.

Сурункали мигрен билан асоратланган беморларда бош мия биоэлектрик активлигининг хусусиятлари (n=67).

ЭЭГ типлари	Аура (n=29)		Аурасиз (n=38)		Хуружсиз (n=36)		Хуружли (n=31)	
	абс	%	абс	%	Абс	%	Абс	%
Уюшган	0	0	6	15,8	0	0	4	12,9
Гиперсинхрон	2	6,9	9	23,7	3	8,3	6	19,4
Десинхрон	8	27,6	6	15,8	8	22,2	12	38,7
Якқол намоён бўлган тарқоқлик	11	37,9	9	23,7	14	38,9	5	16,1
Қўпол тарқоқ	8	27,6	8	21,1	11	30,5	4	12,9

юқори бўлди ($p > 0,05$). Хуруж ва хуружлар оралиғидаги даврда десинхронизация сурункали мигрен билан асоратланган беморларда мос равишда 2,2 ва 1,6 ошади ($p > 0,05$).

ЭЭГнинг IV- типиди, яъни яққол намоён бўлган тарқоқликда, юқори амплитудали альфа ритм фаоллашади, паст частотали бета ритмнинг кучайиши, юқори амплитудали патологик тўлқинларнинг пайдо бўлиши кузатилади, хуружлар оралиғида ҳар иккала гуруҳ беморларида ҳам бир хилда учрайди, аммо хуруж даврида мигреноз статус ҳолатида бўлган беморлар 1,3 баравар юқори бўлди ($p > 0,05$). ЭЭГнинг V- типи, сурункали мигрен билан асоратланган беморларда аура борлиғида 1,4 марта юқори бўлади, аурасизга нисбатан ($p > 0,05$), аммо хуружлар ва хуружлар орасида мигреноз статус ҳолатида бўлган беморлар орасида бир хилда учрайди.

Тадқиқотимиз натижасида ЭЭГда олинган ёзувлар шуни кўрсатадики, қайд этилган натижаларда кўринишича алфа ритмининг амплитудасининг пасайганлигини, тез тўлқинларнинг устинлигини, ягона патологик тўлқинларнинг пайдо бўлишини кўрсатади. Фақатгина 10 (14,9%) нафар беморларда ЭЭГнинг I- тип уюшган тури борлиги аниқланди, бу мигреноз статус ҳолатида бўлган беморлар 1,4 баравар кам. ЭЭГда ўткир тўлқинларнинг пароксизмал фаоллиги 1,7 баравар кам аниқланди, мигреноз статус ҳолатида бўлган беморларга нисбатан, 11 (16,4%) ҳолатда эса, мигрен хуружи билан боғлиқ бўлмади. Улардан 8 (11,9%) нафар бемор "Аурали мигрен" билан асоратланган. Фотостимуляция пайтида фотопароксизмал фаоллиги бўлган беморлар сони 1,2 баравар кўпайди, статистик жиҳатдан фарқ қилмайдиган 13 (19,4%) нафар мигреноз статус ҳолатида бўлган беморларни ташкил этди.

Олинган маълумотларни таҳлил қилганда, гипервентиляция пароксизмал ҳолат 14 (20,9%) нафар беморда аниқланди, билатериал қисмдан чиққан патологик тўлқинлар, бош миянинг фронтал ва чакк қисмларига локализацияси кузатилди. 11 (16,4%) нафар "Аурали мигрен" билан асоратланган беморларда билатериал соҳада чиқаётган патологик тўлқинлар аниқланди, бу тўлқинлар синхронизацияси мигреноз статус ҳолатида бўлган беморларда 1,4 баравар юқори. ЭЭГнинг спектрал таҳлили асосида ўткир ва секин тўлқинларнинг мутаносиб фаоллиги қайд этилди, бош миянинг чакка қисмидан чиққан патологик тўлқинлар, пароксизмал фаолликнинг пайдо бўлишига олиб келади, олдинги пешона ва чакка қисмдан чиққан тўлқинлар, асосан билатерал соҳага тарқалади.

Шундай қилиб, ЭЭГнинг нейрофизиологик параметрлари, шуни кўрсатадики мигрен билан асоратланган беморларнинг объектив баҳолашда асосий индикатор бўлиб ҳисобланади, бош миядаги патологик ҳолатларни ва мигренни қайталаниши ва аураларни ҳосил бўлишини аниқлашга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Василенко А.В., Мигрень и эпилепсия – «как две стороны одной медали» клинические и диагностические аспекты // Эпилепсия и пароксизмальные состояния. – 2013. - Том 5, №2. – С. 56-68.
2. Гуляев С.А., Архипенко И.В. и др. Электроэнцефалография в диагностике заболеваний нервной системы. - Владивосток: Изд-во ДВГУ, 2012. 200 с.
3. Гуляев С.А. Электроэнцефалографическое исследование в клинике: проблема современной классификации // Русский журнал детской неврологии. – 2013. - Том VIII-IX, №4.
4. Гуляев С.А. Электроэнцефалографическое исследование в клинике: проблема современной классификации // Русский журнал детской неврологии. – 2014. - Том VIII-IX, №1.
5. Исаева Н. А., Торубаров Ф. С., Зверева З. Ф. Показатели ЭЭГ у лиц с риском ишемического инсульта как предикторы начальной недостаточности мозгового кровообращения // Учёные записки СПбГМУ им. акад. И. П. Павлова. – 2014. - Том XXI, № 3. - С. 55-59.
6. Музалевская Д. С., Мигрень и перинкитальные головные боли у больных эпилепсией (обзор) // Саратовский научно-медицинский журнал. – 2016. - Том 12, № 2. - С. 278-281.

7. Турдубаева Г.Т. Классификация электроэнцефалограмм (обзор литературы) // Вестник КPCУ. - 2015. - Том 15, № 7. – С. 156-158.
8. Cai S, Haniwka LD, Wirrell EC. Peri-ictal headache in children: prevalence and characteristic // *Pediatr Neurol.* – 2008. – Vol. 39. – P. 91–96.
9. Ito M, Adach N, Nakamura F, et al. Characteristics of postictal headache in patients with partial epilepsy // *Cephalalgia.* – 2004. – Vol. 24. – P. 23–28.
10. Karaali-Savrun F, Goksan B, Yeni SN, et al. Seizure related headache in patients with epilepsy // *Seizure.* – 2002. - №11. – P. 67–69.
11. Panayiotopoulos CP. “Migraines” and the significance of differentiating occipital seizures from migraine // *Epilepsia.* – 2006. – Vol. 47. – P. 806–808.

PROPHYLAXIS OF PREMATURE BIRTHS BY CYTOKINES IDENTIFICATION**L. V. Sarkisova**

Bukhara state medical institute, Bukhara, Uzbekistan

Key words: habitual miscarriage, cytokines, chemokines, immune response.**Таянч сўзлар:** одатдаги ҳомиладорлик, цитокинлар, хемокинлар, иммун реакция.**Ключевые слова:** невынашивание беременности, цитокины, хемокины, иммунный ответ.

Preterm birth is one of the most important aspects of the problem of protecting the health of the mother and child. Premature infants account for 60-70% of early neonatal mortality and 65-75% of infant mortality. Stillbirth in premature births is observed 8–13 times more often than with timely deliveries. Perinatal mortality in preterm infants is 33 times higher than in full-term.

ЦИТОКИНЛАРНИНГ ТЕКШИРУВ НАТИЖАЛАРИГА ҚАРАБ МУДДАТДАН ОЛДИНГИ ТУҒРУҚ ПРОФИЛАКТИКАСИ**Л. В. Саркисова**

Бухоро давлат тиббиёт институти, Бухоро, Ўзбекистон

Муддатдан олдин туғилиш она ва бола саломатлигини ҳимоя қилиш муаммосининг энг муҳим томонларидан биридир. Муддатдан олдин туғилган чакалоқлар ўлгайишининг гўдақлар ўлимининг 65-75 % ини ташкил қилади. Муддатдан олдин туғилган чакалоқлардаги перинатал ўлим муддатдаги даврга нисбатан 33 баравар юқори.

ПРОФИЛАКТИКА ПРЕЖДЕВРЕМЕННЫХ РОДОВ ПОСРЕДСТВОМ ОПРЕДЕЛЕНИЯ ЦИТОКИНОВ**Л. В. Саркисова**

Бухарский государственный медицинский институт, Бухара, Узбекистан

Преждевременные роды являются одним из самых важных аспектов проблемы охраны здоровья матери и ребенка. На долю недоношенных детей приходится 60-70% ранней неонатальной смертности и 65-75% детской смертности. Мертворождаемость при преждевременных родах наблюдается в 8-13 раз чаще, чем при своевременных. Перинатальная смертность у недоношенных новорожденных в 33 раза выше, чем у доношенных.

Miscarriage is a problem whose significance not only does not decrease with time, but perhaps even increases. Among various forms of miscarriage, a special place is played by a failed miscarriage, that is, the death of an embryo or fetus in the early term with a long delay in the uterine cavity - an undeveloped pregnancy (hereinafter NI). A long delay in a dead embryo (fetus) in the uterus due to the suppression of its contractile activity is associated with a high risk of developing infectious and hemostasiological complications and can cause maternal mortality [1,2]. A special section has been introduced in ICD-10: "Pregnancy with an abortive outcome" (O 05), in which the wording and code of individual forms of early pregnancy pathology are highlighted. According to this classification, a dead fetal egg - anembryony - is an empty embryonic sac due to aplasia or early resorption of the embryoblast. A failed miscarriage (dead fetal egg) is an early intrauterine death and fetal retention in the uterine cavity (O 02.0). The proportion of this pathology in the structure of reproductive losses is quite high: 10–20%. Critical periods during pregnancy are distinguished, in which the fetal egg, embryo, and fetus are especially vulnerable to adverse effects: implantation period (7–12 days), embryogenesis period (3–8 weeks), placenta formation period (up to 12 weeks), formation period the most important functional systems of the fetus (20-24 weeks). Intrauterine retardation of a dead fetus or embryo is the main cause of the occurrence of dead fetal syndrome [3]. The relevance of this problem dictates the need to study the causes and develop measures to reduce and prevent development.

The aim of the study was to study the role of cytokines in NB in the period of 22–28 weeks. To this end, the serum cytokines in a complicated pregnancy were studied (n = 69), including the clinically expressed threat of abortion (n = 41), premature birth (PR) of an fetus with extremely low body weight (n = 48).

Materials and methods. 130 pregnant women were examined, who were divided into 3

clinical groups: group 1 - 41 woman with CR with extremely low fetal weight (ENMTP) for 22–27 weeks, group 2 — 48 women with a risk of interruption pregnancy in the period of 22–27 weeks, after the course of preserving therapy, the pregnancy was saved and ended in childbirth in the 41st woman, and in seven women with PR in the period of 30–34 weeks, the 3rd group - 41 women with a physiologically pregnant awn in the period of 22-27 weeks (n = 41). The material for the study was blood serum taken from all pregnant women and puerperas on the 1-3rd day after PR in the period of 22-27 weeks. Contents of interleukins (IL) IL-1 β , -6, -8, -2, TNF receptor antagonist, interleukin-1 β , interferon-alpha (IFN- α), interferon-gamma (IFN- γ) was determined by enzyme-linked immunosorbent assay (ELISA), using a test system on the multifunction meter for enzyme immunoassay research software Multiskan (Labsystems), Finland. When analyzing the results obtained, the nonparametric statistics method was used in connection with a distribution other than normal; for the purpose of statistical study of the relationship between the cytokine profile indicators, the nonparametric method, Spearman rank correlation, was also used. The data are presented in the form Me (Q1 – Q3), where Me is the median, Q1 is the lower quarter, Q3 is the upper quarter [4].

Results and discussion. As a result of the study, it became apparent that the level of pro (IL-8, -2, -1PA, -1 β , -6, TNF, IFN- γ , IFN- α) and anti-inflammatory (IL-6, -4) cytokines in the groups women with PR with ENMTP and with the threat of termination of pregnancy in the period of 22–27 weeks are definitely different from that during physiological pregnancy.

With the threat of abortion, the most pronounced increase in the level was found for IL-8 (16 times) and IL-2 (12 times), IL-1RA (2 times). The amount of IL-1 β , -6, -4 changed insignificantly. The main action of IL1 β is aimed at inducing the synthesis of adhesion molecules and a number of cytokines by cells, such as IL-2, -6, -8 and TNF, which trigger a cascade of inflammatory reactions. In the main group of pregnant women, relative to the values of the control group, a significant statistically significant increase in the levels of IL-8 and -2 was revealed (Fig. 1), which play a starting role in the mechanism of labor [5]. A significant increase in IL-8 in preterm delivery of fetus with ENMT in our work indicates that this may be a prognostic sign of pregnancy outcome.

In the postpartum period, the serum levels of IL-8 and -2 increased (25 times), IL6 (4 times), IL-1RA (2 times). Slightly changed IL-1 β , -4. Significantly increased rates of INF- α (6 times), INF- γ (2.5 times). Of interest is a significantly reduced level of TNF- α in the main group compared with a physiologically ongoing pregnancy. In the physiological course of pregnancy, the content of TNF- α in the blood rises by the end of the second and the beginning of the third trimester of pregnancy, providing control over the proliferation of placenta cells in accordance with the normal development of the fetus [6]. A low level of TNF- α , perhaps, makes an additional contribution to the dysregulation of the normal course of pregnancy and fetal development. Marked




Fig. 1. The level of IL-4 in the blood serum of women in the studied groups, *- statistically significant differences with the group "Control"

changes in the main group of the studied were revealed in the content of IFN γ , which exceeded the value of the third group (2.5 times), in the content of IFN- α , no significant differences between the groups were revealed. The main producers of IFN- γ are activated by viruses and CD4 + and CD8 + T-lymphocytes [7,8]. According to several authors, excessive production of IFN- γ inhibits the secretion of uterine epithelial cells by growth factors necessary for the proliferation and differentiation of trophoblast. Considering that the pro-inflammatory cytokines that form the inflammatory pro-

Table 1.

Spearman correlations of cytokine parameters in women of the studied groups.

Comparable Indicators	I group (n = 41)	II group (n = 48)	III group (n = 41)
IL -1b/TNF -α	0.512 p=0.045	1.26 p=0.97	1.322 p=1.22
IL -1b/IL-8	0.687 p=1.038	0.41 p=0.055	0.51 p=0.042
IL - 1 RA/TNF -α	0.53 p=0.038	1.26 p=0.778	1.322 p=1.08
IFN-α/TNF -α	0.48 p=0.063	1.26 p=1.04	1.322 p=1.2
IL -2/IL-6	0.26 p=1.21	0.196 p=0.446	0.47 p=0.065
IL -2/TNF -α	0.512 p=0.063	1.26 p=1.245	1.322 p=1.273

cess prevail over regulatory cytokines, we can draw conclusions about the imbalance of pro- and anti-inflammatory cytokines.

When analyzing the dependences of the studied indicators of the cytokine profile of the blood serum of pregnant women, statistically significant correlations were revealed (Table 1). So, in the study group the moderate correlation was observed between the level of IL-1β and TNF-α ($\rho = 0.387$; $p = 0.034$); between the content of the receptor for IL-1RA and TNF-α ($\rho = 0.399$; $p = 0.029$), as well as between IFN-α and the level of TNF-α ($\rho = 0.364$; $p = 0.048$). At the same time, there were no data on the statistical relationship both in the control group and in the comparison group, probably due to the fact that delivery in the main group occurred at the end of the second - beginning of the third trimester, and therefore there were no correlations between the level in the main group of the studied IL-1β and -8, which occur in the control and comparison groups ($\rho = 0.328$; $p = 0.044$; $\rho = 0.385$; $p = 0.032$). The data obtained indicate that, with the threat of abortion, the content of pro- and anti-inflammatory cytokines in the blood serum change in different directions [9,10].

Findings:

1. In preterm birth with ENMTP and the threat of abortion, the rates of INF-α, -γ increase significantly.
2. In pregnant women with the threat of termination and terminated pregnancy, TNF-α tends to decrease, which can serve as a prognostic sign of the threat of termination.
3. In preterm birth with ENMTP and the threat of abortion, the rates of INF-α, -γ increase significantly.

References:

1. Aly H, Hoffman H., El-Dib M., Said L., Mohamed M. Factor affecting length of stay in late preterm infants: an US national database study // J Matern Fetal Neonatal Med. - 2016.- Vol.20. - P.1-7.
2. Araujo BF, Zatti H., Coelho MB, et al. Analysis of neonatal morbidity and mortality in late preterm newborn infants. // J Pediatr (RioJ).- 2015.- Vol. 88, No. 3. - P. 259 - 266.
3. Avrutskaya VV. Dynamics of the production of interleukins in women with complicated pregnancy: abstract. dis. ... Dr. honey. Sciences / V.V. Avrutskaya. - FGU RNIAP, 2017.
4. A correlation of pregnancy term, disease activity, serum female hormones, and cytokines in uveitis / C. Chan [et al.] // Brit. J. Ophthal. - 2017. - T. 88. - With. 1506-1509.
5. Miscarriage: a training manual / S. E. Melnikova [et al.]. - SPb., 2012. - 17 p.
6. Modern ideas about the features of premature birth. Novikov V.A. and others // Modern problems of science and education. Number 2017. 2. C. 70-70.
7. Pregravid preparation of women with miscarriage of pregnancy (pathogenetic substantiation, performance criteria): A guide for physicians / VI Krasnopolskaya th [et al.]. - M., 2016. - Vol. 3.
8. Sidelnikova V. M. Preterm birth. Premature baby / V. M. Sidelnikova, A. G. Antonov . - M.: GEOTAR-Media, 2017. - S. 117–118.
9. Sukhikh G. T. Immunology of pregnancy / G. T. Sukhikh, L. V. Vanko. - M.: Publishing House of the RAMS, 2016. - S. 248–256.
10. Sukhikh G. T. Immune mechanisms in physiology and pathology of pregnancy / G. T. Sukhikh, L. V. Vanko // Immunology. - 2015. - T. 9, No. 2. - S. 103–108.

**АЛКОГОЛИЗМ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА
ДЕПРЕССИВ БУЗИЛИШЛАРНИНГ КЛИНИК ВА ПСИХОПАТОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШ**

Б. Т. Тураев, У. У. Очиллов, Р. Б. Алкаров, А. У. Тургунбаев
Самарқанд Давлат тиббиёт институти, Самарқанд, Ўзбекистон

Ключевые слова: алкоголизм, депрессивное расстройство, клиническая психопатология.

Таянч сўзлар: алкоголизм, депрессив бузилиш, клиник-психопатологик.

Key words: alcoholism, depressive disorder, clinical psychopathology.

Бугунги кунда алкоголизм билан касалланган ва депрессив бузилишлари бўлган беморларнинг ижтимоий ва клиник-психопатологик хусусиятлари, алкогольга қарамлик синдроми бўлган беморларда депрессив касалликларнинг психопрофилактикасини ўрганиш энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

**ИЗУЧЕНИЕ КЛИНИКО-ПСИХОПАТОЛОГИЧЕСКИХ ОСОБЕННОСТЕЙ ДЕПРЕССИВНЫХ
РАССТРОЙСТВ БОЛЬНЫХ С АЛКОГОЛИЗМОМ**

Б. Т. Тураев, У. У. Очиллов, Р. Б. Алкаров, А. У. Тургунбаев

Самарқандский Государственный медицинский институт, Самарқанд, Узбекистан

На сегодняшний день наиболее важной проблемой является изучение социальных и клинико-психопатологических особенностей пациентов с алкоголизмом и депрессивными расстройствами, психопрофилактика депрессивных расстройств у пациентов с синдромом алкогольной зависимости.

**STUDY OF CLINICAL-PSYCHOLOGICAL DEPRESSIVE DISORDERS FEATURES
OF PATIENTS WITH ALCOHOLISM**

B. T. Turaev, U. U. Ochilov, R. B. Alkarov, A. U. Turgunbaev

Samarkand state medical institute, Samarkand, Uzbekistan

Today, the most important problem is the study of social and clinical and psychopathological characteristics of patients with alcoholism and depressive disorders, the psychoprophylaxis of depressive disorders in patients with alcohol dependence syndrome.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотлари бўйича дунёда 500 миллионга яқин одам турли хил рухий касалликлардан азият чекмоқда. Бу барча рухий касалликлар орасида депрессив бузилишлар тўртинчи ўринни эгаллайди [3]. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, аффектив касалликлар дунё аҳолисининг 5%да учрайди. Ҳар йили депрессив ҳолатлар фонида ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари кўпаймоқда. Ўртача, йил давомида ўз жонига қасд қилганлар сони 750000 кишини ташкил этади, уларнинг 59,5% ида депрессия ҳолат борлиги аниқланган [1].

Маълумотларга кўра, спиртли ичимликларга қарамлик синдромининг ремиссия даврида депрессив касалликларнинг учраш частотаси 9% - 65% га етиши мумкин [4,5]. Абстиненция синдроми бўлган беморларда депрессив бузилишлар, парасуицидлар ва ўз жонига қасд қилишнинг энг кенг тарқалган сабабидир. Депрессия ҳолати, алкогольга қарамлик синдромининг бир қисми сифатида ўз жонига қасд қилиш хавфини 15% га оширади [3,7]. Спиртли ичимликларни истъмоқ қилишни тўхтатгандан кейин юзага келадиган биринчи рухий бузилиш бу - депрессиядир. Спиртли ичимликларни олиб ташлаш аломатларининг неврологик ва соматовегетатив белгилари тўхтаганидан сўнг, бу бузилиш узоқ вақт давомида йўқолмайди ва одам спиртли ичимликларни истъмоқ қилишни тўхтатгандан кейин тахминан 2-4 ҳафта ўтиб йўқолади. Ўз жонига қасд қилиш алкоголизм билан касалланган беморлар ўлимининг асосий сабабларидан биридир. Ўз жонига қасд қилиш хатти-ҳаракатларининг депрессив бузилишлар билан боғлиқлиги кўрсатилган [2]. Алкоголизм билан оғриган беморларда депрессив бузилишлар ҳозирги кунгача психиатрия ва наркологианинг долзарб муаммоси сифатида сақланиб қолмоқда.

Тадқиқот мақсади. Алкоголизм билан касалланган беморларда депрессив бузилишларнинг клиник ва психопатологик хусусиятларини ўрганиш.

1 жадвал.

Соматовегетатив ўзгаришлар борлигига қараб текширилган беморларнинг тақсимланиши (%).

Соматовегетатик ўзгаришлар	1-гурух (n = 12)		2-гурух (n = 38)	
	abs	%	abs	%
Бош айланиши	7	58,3	2	5,2
Қон босими ўзгариши	6	50	10	26,3
Ҳавонинг этишмаслиги ҳисси	5	41,6	3	7,9
Кардиалгия	4	33,3	3	7,9
Тўсатдан юз, бўйин гиперемияси	2	16,7	4	10,5

Материал ва тадқиқот усуллари. Беморларда Самарқанд вилоят нарколегия шифохонаси ва психоневрологик диспансерида текширув олиб борилди. Алкоголизм фонида депрессив симптомларнинг клиник ва психопатологик хусусиятларини ўрганиш учун сурункали алкоголизм билан касалланган 50 бемор кўриқдан ўтказилди, уларнинг 12 нафариде депрессив касалликлар мавжуд (асосий гуруҳ), қолган 38 киши депрессив бузилишлар мавжуд эмас (назорат гуруҳи). Текширувдан ўтган алкоголизм билан оғриган беморларнинг ўртача ёши $41,35 \pm 9,14$ ёшни, иккинчи гуруҳдаги одамлар - $43,74 \pm 10,43$ ёшни ташкил этди.

Барча беморлар учун ўтказилган клиник-психометрик тадқиқот объектив миқёсдаги натижаларни ўз ичига олган, хусусан: MADRS - Монтгомери-Асберг депрессия рейтинг шкаласи, HDRS - Депрессия ва безовталики баҳолаш учун Гамилтон шкаласи.

Текшириш натижалари. Сурункали алкоголизм билан касалланган ҳамда сурункали алкоголизм депрессив бузилишлар бўлган беморларда соматовегетатив ўзгаришлар ўрганилди (1-жадвал).

Сурункали алкоголизм билан касалланган депрессив бузилиши бор бўлган беморларга нисбатан, депрессив бузилишлар бўлмаган беморларда соматовегетатив ўзгаришлар камроқ намоён бўлди.

Шуни таъкидлаш керакки, бу ҳолда психоэмоционал бузилиш аломатлари беморларда куйдагича намоён бўлди (2-жадвал).

Психоэмоционал бузилиш белгилари сурункали алкоголизм билан касалланган депрессив бузилишлари бўлмаган беморларга қараганда, сурункали алкоголизм депрессив бузилишлари бўлган беморларда кўпроқ намоён бўлди.


Сўровда қатнашганларнинг меҳнат қобилияти, ўз-ўзини баҳолаш қобилияти намоён бўлади. Бунда асосий гуруҳ 75% одамлар уни "паст" деб баҳолаган, беморларнинг 25% ўзларининг иш фаолиятини "қоникарли" деб баҳолаган. Назорат гуруҳида 10,5% одамлар уни "паст" деб баҳолаган, беморларнинг 60,5% ўзларининг иш фаолиятини "қоникарли", фақат 26,4 % одамларни "яхши" ва 2,6% одамлар "жуда яхши" деб баҳолаган (1-расм).

2-расмда кўриб чиқилган шахсларнинг мавжуд кайфиятга қараб тақсимоти келтирилган. Тақдим этилган маълумотлардан кўриниб турибдики, асосий гуруҳининг 83,3% "ёмон" кайфиятни қайд этган, 18,3% одамлар "қоникарли", 1,7% одамлар "яхши" кайфият билан ажралиб туришган. Назорат гуруҳида фанларнинг атиги 18,4% "ёмон" кайфият, 44,7% "қоникарли" кайфият, 34,3% "яхши" кайфият, 2,6% одамлар ўз


2 жадвал.

Текширилган беморларнинг психоэмоционал бузилиш белгилари мавжудлиги.

Психоэмоционал белгилар	1-гурух (n = 12)		2-гурух (n = 38)	
	abs	%	abs	%
Ишлашнинг пасайиши ва умумий дармонсизлик	7	58,3	10	26,3
Чарчоқ	7	58,3	9	23,7
Уйқусизлик	6	50	8	21
Хотиранинг бузилиши	4	33,3	8	21
Қаттиқ асабийлашиш	3	25	6	15,8



1 расм. Беморларнинг меҳнат қобилиятини ўзини ўзи баҳолашига қараб тақсимланиши



2 расм. Асосий ва назорат гуруҳлар беморларининг кайфиятни ва ўзини ўзи баҳолашига қараб тақсимлаши.

кайфиятларини "жууда яхши" деб баҳоладилар.

Хулоса. Сурункали алкоголизм депрессив бузилишлар бўлган беморларда соматовегетатив ўзгаришлар нисбатан юқориқроқ намоён бўлиб, бу эса даволаш жараёнида алоҳида аҳамият касб этади. Психозэмоционал бузилиш белгиларидан сурункали алкоголизм билан касалланган беморларга қараганда сурункали алкоголизм депрессив бузилишлари бўлган беморларда кўпроқ учрайди.

Беморларнинг меҳнат қобилияти, ўзини-ўзи баҳолаши ва кайфиятни ўзини-ўзи баҳолаш ҳолатлари назорат гуруҳида ижобий натижани кўрсатмоқда. Бундан кўриниб турибдики, алкоголизм билан бирга депрессив бузилишлари бор беморларда, фақат алкоголизм билан касалланган беморларга нисбатан депрессив ҳолатлар фонида ўз жонига қасд қилиш, парасуицид ҳолатлари кўпроқ кузатилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Агибалова Т.В. Аффективные расстройства при алкогольной, опиатной и игровой зависимости (клиника и терапия): дисс. ... д – ра мед. наук / Т.В. Агибалова; ФГУ НИИ наркологии. – Москва, 2007. – С. 212.
2. Анисимова Н.А. Современная терапия синдрома отмены алкоголя // Центральный научный вестник. – 2016. – Т. 14. – С. 4 – 5.
3. Зотова С.И., Куташов В.А., Шульга А.С. Обсессивное влечение к психоактивным веществам // Центральный научный вестник. – 2016. – Т. 1., №15. – С. 15 – 19.
4. Куташов В.А. и др. Аффективные расстройства в психосоматической практике. Клинико-демографический анализ // Вестник неврологии, психиатрии и нейрохирургии. – 2015. – № 11 – 12. – С. 81 – 85.
5. Косырева В.В. Психодиагностика пациентов с тревожно депрессивными расстройствами // Центральный научный вестник. – 2017. – Т. 2., № 8 (25). – С. 25 – 28.
6. Очилов У.У. и др. Особенности развития депрессивно-тревожных расстройств у ВИЧ-инфицированных больных с алкогольной зависимостью // Проблемы науки. – 2019. – №11-1 (144), – С. 78-80.
7. Тураев Б.Т., Хаятов Р.Б. Суицидальные намерения у лиц с синдромом алкогольной зависимости при наличии депрессивных расстройств // Вестник врача – 2019. – №2 – С. 114 – 116.

**РЕКУРРЕНТ ҲАМДА БИПОЛЯР ТИПДАГИ ДЕПРЕССИЯЛАРДАГИ АФФЕКТИВ
БУЗИЛИШЛАР СОМАТИЗАЦИЯЛАНИШИНИНГ КЛИНИК ПСИХОПАТОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ****Б. Т. Тураев, Р. Б. Хаятов**

Самарқанд Давлат тиббиёт институти, Самарқанд, Ўзбекистон

Ключевые слова: рекуррентная депрессия, биполярная депрессия, аффективное расстройство, соматизация.**Таянч сўзлар:** рекуррент депрессия, биполяр депрессия, аффектив бузилиш, соматизациялашган.**Key words:** recurrent depression, bipolar depression, affective disorder, somatization.

Ушбу мақола рекуррент ва биполяр депрессиядаги аффектив бузилишларни соматизацияланишининг клиник психопатологик хусусиятларини ўрганишга бағишланган. Бугунги кунда кўплаб беморларимиз депрессиянинг соматик шакллари билан бошқа муассаларда даволанмоқда. Бу, ўз навбатида, касалликнинг кучайишига ва даволашнинг кечикишига олиб келади. Мақолада ушбу касалликларда кузатиладиган ўзгаришлар ҳақида аниқ ҳулосалар келтирилган.

**КЛИНИКО-ПСИХОПАТОЛОГИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА СОМАТИЗАЦИИ АФФЕКТИВНЫХ
РАССТРОЙСТВ ПРИ РЕКУРРЕНТНЫХ И БИПОЛЯРНЫХ ДЕПРЕССИЯХ****Б. Т. Тураев, Р. Б. Хаятов**

Самарқандский Государственный медицинский институт, Самарқанд, Узбекистан

Данная статья посвящена изучению клинических психопатологических особенностей соматизации аффективных расстройств при рекуррентной и биполярной депрессии. Сегодня многих наших пациентов лечат от других форм депрессии с соматическими формами депрессии. Это, в свою очередь, приводит к обострению заболевания и задержке лечения. В статье приводятся четкие выводы об изменениях, наблюдаемых при этих расстройствах.

**CLINICAL PSYCHOPATHOLOGICAL PROPERTIES OF AFFECTIVE DISORDERS SOMATIZATION IN
RECURRENT AND BIPOLAR TYPE DEPRESSIONS****B. T. Turaev, R. B. Khayatov**

Samarkand state medical institute, Samarkand, Uzbekistan

Самарқандский Государственный медицинский институт, Самарқанд, Узбекистан**PERINATAL DAMAGES OF THE CENTRAL NERVOUS SYSTEM AND THEIR CONSEQUENCES (REVIEW OF LITERATURE ON EPIDEMIOLOGY, CLASSIFICATION AND TERMINOLOGY)****S. A. Mamadaliev, M. A. Aliev, A. M. Mamadaliev**
Samarkand state medical institute, Samarkand, Uzbekistan

Марказий нерв тизимининг (МНТ) перинатал даврда гипоксик-ишемик зарарланиши (синонимлари – перинатал асфиксия, гипоксик-ишемик энцефалопатия, туғруқ краниоцеребрал травмаси) сурункали ёки ўткир гипоксия (асфиксия) натижасида ривожланувчи асаб тизимининг иккиламчи ишемияси белгилари билан тавсифланади ва клиник ва лаборатор текширишлар ёрдамида тасдиқланади. Бутун жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан янги туғилган чақалоқларга оид ва туғилиш, ҳомиладорликка тегишли янги қабул қилинган мезонларга кўра туғилишни расман ҳисобга олиш қуйидаги шартлар асосида амалга оширилади, яъни 22 ҳафталик муддатда боланинг оғирлиги энг камида 500 гр ёки ундан камроқ (кўпсонли ҳомиладорликда), боланинг бўйи 25 см, агар тана оғирлиги маълум бўлмаса – 25 см дан камроқ, ҳамда туғилгандан сўнг 168 соатдан кўпроқ (7 сутка) яшаган бўлиши керак бўлади [2, 4, 5, 19, 22, 23]. Бир неча ўн йиллар олдинги даврда чала туғилган болаларнинг яшаб кетиши имкониятлари жуда кам бўлган бўлса, ҳозирги вақтдаги тадбиқ этилган имкониятлар натижасида чала туғилган чақалоқларни парвариш қилиш, ҳомиланинг ўткир ва сурункали гипоксиясини ва летал оқибатларни бартараф этиш бундай болаларнинг ҳаётга мослашиб яшаб кетишига имкон бермоқда. Бу эса турғун неврологик дефицитлар кузатиловчи болалар контингентининг доимий ошиб боришига олиб келмоқда. Шундай қилиб, перинатал даврда бош миянинг гипоксик-ишемик зарарланиши янги туғилган чақалоқлар ўлимининг асосий сабабларидан бири бўлиб, оқибатда эса ногиронликка олиб келувчи МНТ оғир патологиялари ривожланишининг асосий омилларидан бири бўлиб қолмоқда [4, 5, 6, 16, 19, 33, 39, 44].

Перинатал даврда бош мия гипоксик-ишемик зарарланишининг ўрта оғир ва оғир даражаларида МНТда қайтмас структур шикастланиш қайд этилади ва бу ўз навбатида клиник жиҳатдан гидроцефалия, иккиламчи микроцефалия, болалар церебрал фалажлиги (БЦФ), тутқаноқ синдромлари ривожланишига олиб келади. Кўрсатилган клиник ўзгаришлар амалий жиҳатдан деярли ҳар доим болада турли даражали психомотор ривожланишдан орқада қолиши билан кечади [11, 25, 26, 48, 54]. Янги туғилган чақалоқларда МНТ гипоксик-ишемик зарарланиши даражасини ва унинг оқибатларини олдиндан аниқлашнинг клиник ва инструментал текширишлар ёрдамида ҳар доим ҳам имкони бўлавермайди [12, 30, 39, 54].

МНТ гипоксик-ишемик зарарланиши ва унинг оқибатларини даволашда янги препаратлар ишлаб чиқилганлиги, биотехнологиялар қўлланилишига қарамасдан даволаш натижалари етарлича самара кўрсатмайди. Бу ҳолат перинатал даврда МНТ гипоксик-

ишемик зарарланиши оқибатларининг шаклланишидаги аҳамиятли бўғимга оид нейродегенератив жараёнларнинг муддатлари патогенезидаги ноаниқ омиллар билан изоҳланади.

Бир қатор тадқиқотчилар нерв тизимининг бирламчи зарарланишидан сўнг гематоэнцефалик барьер ўтказувчанлигининг ошиши ва патологик жараёнга аутоиммун механизмларнинг кўшилишига эътибор қаратишади [1, 8, 28]. Шу жиҳатдан келиб чиқиб, нейроспецифик оқсил (НСО)нинг қон зардобидаги концентрациясини аниқлаш диагностик аҳамият касб этиши мумкин [18, 28, 36].

Эпидемиологияси. Ўрганилган адабиётларда янги туғилган чақалоқлардаги гипоксик-ишемик энцефалопатиялар тарқалишига тегишли эпидемиологик маълумотлар жуда ҳам фарқли рақамларда келтирилади. Бу ҳолат ҳозиргача амалиётда мавжуд бўлган классификациялар ва оқибатларни ҳар хил баҳолаш ва турли ёндашув билан изоҳланади. Хорижий тадқиқотчилар маълумотлари таҳлил қилинганда қуйидагиларни қайд этиш мумкин бўлади, яъни ўз муддатида янги туғилган чақалоқларнинг ҳар 1000 тасидан 1-6 тасида “неонатал энцефалопатия” кузатилади ва асосан МНТ гипоксик-ишемик зарарланиши билан тавсифланади [34, 37, 42, 49, 53]. Бир йилда 10000 та туғруқ қабул қилувчи йирик туғруқхоналарда ҳар йили 10-60 та ҳолатда неонатал энцефалопатия қайд қилинади [35]. 1997 йилда Литвада муддатида туғилган ҳар 1000 та янги туғилган чақалоқлардан 20,4 тасида МНТ перинатал зарарланиши кузатилган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич 15,5:1000 га тенг бўлган ва шулардан гипоксик-ишемик энцефалопатия – 0,63:1000 кўрсаткичда қайд қилинган [32].

Россиялик тадқиқотчилар маълумотларига кўра пре- ва перинатал даврларда МНТ гипоксик-ишемик зарарланиши ўртача 45% ҳолатларда муддатида туғилганларда ва 80% чала туғилган чақалоқларда диагностика қилинади [3, 7]. А.Б. Пальчик ва ҳаммуаллифларининг [21] маълумотларида Санкт-Петербург шаҳрининг обсервацион туғруқхоналаридан биридаги янги туғилган чақалоқларда қайд этилган гипоксик-ишемик энцефалопатиянинг учраш сони Ю.А. Якунин ва унинг ҳаммуалл. классификацияси бўйича муддатида туғилганлар орасида 38,0:1000 ни ташкил қилган бўлса, чала туғилганларда – 88,0:1000 тарзида қайд қилинган; Sarnat классификацияси бўйича эса бу кўрсаткич – 15,6:1000 кўринишида кузатилган.

Э.М. Цыбелованинг маълумотларига кўра, агар туғруқ “кесар кесиш” операцияси ёрдамида амалга оширилса гипоксик-ишемик энцефалопатия муддатида туғилган чақалоқларнинг 69,9-89,1% да, табиий туғруқда эса 68,3% ҳолларда аниқланган [27]. Замонавий статистик маълумотларнинг кўрсатишича, 20-50% янги туғилган чақалоқларда ҳомиладорлик вақтида ёки туғруқ вақтидаги тизимли гипоксия ҳисобига МНТда морфофункционал бузилишлар ривожланади. Бугунги кунда асфиксия неонатал даврдаги леталлик сабаблари каторида учинчи ўринда (23%) кўрсатилади. Бу борада биринчи ўринда чала туғилганлик (28%), иккинчи ўринда эса оғир инфекциялар (26%) қайд этилади [31, 43].

МНТ перинатал даврдаги гипоксик-ишемик зарарланиши оқибатлари таҳлил қилинганда, оғир даражали гипоксик-ишемик энцефалопатиядан сўнг яшаб қолган болалардан 80% да ва патологиянинг ўрта даражасидан сўнг 30-50% да оғир неврологик бузилишлар қайд қилинади. Касалликнинг оғир даражасидан сўнгги даврда фақатгина 10% болалар соғломлиги қайд қилинади ва ўрта даражали энцефалопатиядан кейин бу кўрсаткич 10-20% ни ташкил этади. Енгил даражали гипоксик-ишемик энцефалопатия кузатилган болаларда МНТга тегишли деярли жиддий бузилишлар кузатилмайди [38, 51, 56]. Ўрта даражали гипоксик-ишемик энцефалопатия ўтказган болаларнинг 20% да кейинчалик когнитив бузилишлар, концентрация ва диққатни жамлаш бўйича муаммолар кузатилади [47, 52].

Атамалар ва классификация. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш соҳасида бош миянинг перинатал зарарланишига хос атамалар бўйича, клиник маълумотларни ва эпидемиологик тадқиқотларни интерпретация қилишга оид ҳар хил қарашлар мураккаблик туғдиради. Ҳозирда “Перинатал гипоксия” атамаси ўзида ҳомила ва янги туғилган чақалоқда кислород

етишмовчилигига боғлиқ симптомлар йиғиндисини акс эттиради. Ҳомила ичи (ҳомила гипоксияси) ва постнатал (янги туғилган чақалоқ) гипоксияси фарқланади. Янги туғилган чақалоқ гипоксияси доимо қайсидир бошқа бир патологияга нисбатан иккиламчи бўлиб ҳисобланади. Ҳомила гипоксияси антенатал бўлиши мумкин, яъни жараён туғруқ жараёни бошлангунча бўлган вақтида бошланади. Бундан ташқари, интранатал, яъни бевосита туғруқ акти жараёнида рўй берган кислород етишмовчилиги фарқланади [46, 54, 55]. Ҳомила ичи ва эрта неонатал даврдаги гипоксия ҳолати ўзаро қўшилиб перинатал гипоксик-ишемик зарарланишга олиб келади [9, 10, 14, 32, 40, 41, 54].

Касалликларнинг халқаро классификацияси 10-қайта кўриб чиқилишида (МКБ-10) МНТ туғма ва наслий генезли патологиялари батафсил классификация қилинган, бироқ турли этиологияли перинатал церебрал зарарланишлар ва уларнинг бола ҳаётининг 1-йилида кузатиладиган оқибатлари тизимлаштирилмаган [17]. Бу эса беморларда кузатилувчи оқибатларни ҳисобга олиш, даволашда қўлланилувчи атамаларни умумлаштиришда мураккаблик туғдиради [20]. Болаларнинг ҳаёти биринчи йилида перинатал церебрал зарарланиш ва унинг оқибатлари МКБ-10 бўйича асосий кодланиши 1-жадвалда келтирилган.

1 жадвал.

МКБ-10 бўйича МНТ перинатал даврда зарарланиши ва унинг оқибатларини ифодаловчи асосий код рақамлари.

F 82	Мотор функция ривожланишининг специфик бузилишлари
G 40.0	Локал (фокал) (парциал) идиопатик эпилепсия ва тутқаноқ хуружлари билан кечувчи эпилептик синдромлар
G 40.1	Локал (фокал) (парциал) симптоматик эпилепсия ва тутқаноқ хуружлари билан кечувчи фокал бошланишли эпилептик синдромлар
G 40.2	Локал (фокал) (парциал) симптоматик эпилепсия ва парциал комплексли тутқаноқ хуружлари билан кечувчи эпилептик синдромлар
G 40.4	Болаликнинг эрта давридаги симптоматик эпилепсиялар. Инфантил спазмлар (Уэст синдроми)
G 40.8	Бошқа аниқлик киритилмаган эпилепсия шакллари
G 40.9	Аниқлик киритилмаган эпилепсиялар
G 41	Grand mal характерли эпилептик статус (тутқаноқ хуружлари)
G 41.9	Аниқлик киритилмаган эпилептик статус
G 81.1	Спастик гемиплегия
G 81.9	Аниқлик киритилмаган гемиплегия
G 82.1	Спастик параплегия
G 82.3	Нимжон (вялая) тетраплегия
G 82.4	Спастик тетраплегия
G 83.0	Қўллардаги диплегия
G 83.1	Оёқлардан биридаги моноплегия
G 83.2	Қўллардан биридаги моноплегия
G 90.9	Вегетатив (автоном) нерв тизимининг аниқлик киритилмаган бузилишлари
G 91.0	Алоқа қилувчи гидроцефалия
G 91.1	Обструктив гидроцефалия
G 91.2	Меъёрий босимли гидроцефалия
G 91.8	Гидроцефалиянинг бошқа турлари
G 93.2	Яхши сифатли интракраниал гипертензия
G 95.1	Қон томирлар етишмовчилиги миелопатияси
G 95.8	Орқа миянинг аниқлик киритилмаган касалликлари
H 49.2	VI жуфт (узоклаштирувчи) нерв фалажлиги
J 38.0	Овоз бойламлари ва ҳиқилдоқ фалажлиги
P 10	Калла ичи тўқималарининг ёрилиши ва туғруқ травмаси оқибатида қон қуйилиши. Шу билан бирга янги туғилган чақалоқлар ёки ҳомиланинг нетравматик генезли калла ичи қон қуйилишлари инкор этилади (P 52).

(1 жадвалнинг давоми)

P 10.0	Туғруқ травмаси натижасида субдурал бўшлиққа қон қуйилиши. Шу билан бирга миёча чодирининг ёрилиши билан кечувчи субдурал қон қуйилишлари инкор этилади (P 10.4).
P 10.1	Туғруқ травмаси натижасида миёга қон қуйилиши.
P 10.2	Туғруқ травмаси натижасида миё қоринчаларига қон қуйилиши.
P 10.3	Туғруқ травмаси натижасида субарахноидал бўшлиққа қон қуйилиши.
P 10.4	Туғруқ травмаси натижасида миёча чодирининг ёрилиши.
P 10.8	Туғруқ травмаси натижасида рўй берувчи бошқа интракраниал структуралардаги ёрилишлар ва қон қуйилишлар.
P 10.9	Аниқлик киритилмаган этиологияли туғруқ травмаси вақтида рўй берувчи бошқа интракраниал структуралардаги ёрилишлар ва қон қуйилишлар.
P 11	Туғруқ жараёнида кузатиловчи марказий нерв тизимининг бошқа травмалари.
P 11.0	Туғруқ травмаси натижасида кузатиловчи миё шиши.
P 11.1	Туғруқ травмаси натижасида кузатиловчи бош миёнинг аниқлик киритилмаган этиологияли бошқа зарарланишлари.
P 11.2	Туғруқ травмаси натижасида кузатиловчи бош миёнинг аниқлик киритилмаган этиологияли зарарланишлари.
P 11.3	Туғруқ травмаси натижасида юз нервининг зарарланиши.
P 11.4	Туғруқ травмаси натижасида бошқа бош миё жуфт нервларининг зарарланиши.
P 11.5	Туғруқ жараёнидаги орқа миё ва умуртка поғонасининг травмаси.
P 11.9	Туғруқ жараёнида кузатиловчи марказий нерв тизимининг бошқа аниқлик киритилмаган этиологияли травмалари.
P 12	Туғруқ вақтида кузатиловчи бошнинг сочли қисми травмаси.
P 12.0	Туғруқ вақтида кузатиловчи кефалогематома.
P 12.1	Туғруқ вақтида сочларнинг зарарланиши.
P 12.2	Туғруқ вақтида кузатиловчи субапоневротик қон қуйилиши.
P 12.3	Туғруқ вақтида кузатиловчи бошнинг сочли қисми гематомаси.
P 12.4	Туғруқ вақтида кузатиловчи бошнинг сочли қисми мониторинг муолажалари натижасидаги травмаси.
P 12.8	Туғруқ вақтида кузатиловчи бошнинг сочли қисми бошқа шикастланишлари.
P 12.9	Туғруқ вақтида кузатиловчи бошнинг сочли қисми бошқа аниқлик киритилмаган этиологияли шикастланишлари.
P 13	Тана скелетининг туғруқ травмалари. Шу билан бирга умуртка поғонасининг туғруқ травмаси инкор этилади (P 11.5).
P 13.0	Туғруқ вақтида кузатиловчи қалла суягининг синишлари.
P 13.1	Туғруқ жараёнида кузатиловчи қалла суягининг бошқа зарарланишлари. Шу билан бирга кефалогематома инкор этилади (P 12.0).
P 14	Периферик нерв тизимининг туғруқ травмалари.
P 14.0	Туғруқ травмаси натижасида кузатиловчи Эрб типидagi фалажлик.
P 14.1	Туғруқ травмаси натижасида кузатиловчи Клюбке типидagi фалажлик.
P 14.2	Туғруқ травмаси натижасида кузатиловчи диафрагмал нерв фалажлиги.
P 14.3	Туғруқ жараёнида кузатиловчи елка чигалининг бошқа травмалари.
P 14.8	Туғруқ жараёнида кузатиловчи периферик нерв тизими бошқа қисмларининг травмалари.
P 14.9	Туғруқ жараёнида кузатиловчи периферик нерв тизимининг бошқа травмалари.
P 57.0	Изоиммунизация туфайли ривожланган сариклик (ядерная желтуха).
P 57.8	Бошқа аниқлик киритилмаган сариклик (ядерная желтуха) шакллари.
P 57.9	Аниқлик киритилмаган сариклик (ядерная желтуха) шакллари.
P 74.1	Янги туғилган чақалоқлар тўқималарининг дегидратацияси.
P 74.2	Янги туғилган чақалоқлардаги натрий дисбаланси.

XX асрнинг охириги ўн йилликларида, халқаро ҳамжамиятда “перинатал энцефалопатия” атамаси кенг қўлланилган ва бу атама патологик омиллар таъсирида бош миёдаги дисфункция даврини ўзида акс эттирган холос [24]. Бу атама патогенетик ва нозологик нуқтаи назардан етарли даражада тўғри эмас эди ва нисбатан тор маъно касб этар эди. Шу сабабли Ю.А. Якунин ва ҳаммуаллифлари (1970 й.) “МНТ перинатал зарарланиши классификацияси”ни таклиф этишди ва бу классификацияга “бош миёда қон айланишининг бузилиши”, “туғруқ травмаси”, “перинатал асфиксия” (ва уларнинг оқибатлари) каби атамалар киритилди [29].

Бугунги кунда нисбатан кенг тарқалган атама “гипоксик-ишемик энцефалопатия” (ГИЭ) бўлиб, бундан ташқари “МНТ перинатал даврдаги гипоксик-ишемик энцефалопатия” атамаси ҳам тиббиётда кенг қўлланилади. Келтирилган атамалар антенатал даврдаги зарарланишни, яъни она қорнидаёқ бошланган гипоксик-ишемик жараённинг туғруққача бўлган босқичда ва интранатал босқичдаги ўзгаришларни биргаликдаги маъносини англатади.

Янги туғилган чақалоқларда МНТ перинатал даврдаги зарарланиши бўйича ҳозирда Россия Федерациясида қўлланилаётган амалдаги классификациялар Россия перинатал тиббиёт мутахассислари ассоциацияси (РАСПМ) бошчилигида шакллантирилиб, Россия педиатрлар иттифоқи конгрессида тасдиқланган. Россия педиатрлар иттифоқининг 2000 йилдаги 6-конгрессида “Янги туғилган чақалоқларда нерв тизимининг перинатал даврда зарарланиши классификацияси” қабул қилинган. Неврологик бузилишларнинг жуда хилма-хил эканлиги ва нафақат янги туғилган чақалоқлик даврида, балки кейинчалик ҳам давом этиши ҳисобга олиниб, 2005 йилда Россия педиатрлар иттифоқининг X конгрессида “Янги туғилган чақалоқларда перинатал даврда нерв тизимининг зарарланиши оқибатлари классификацияси” ҳам қабул қилинди [13, 14] (2 жадвал).

2 жадвал.

Янги туғилган чақалоқларда перинатал даврда нерв тизими зарарланишининг бола ҳаёти биринчи йилида кузатилувчи оқибатлари классификацияси (РАСПМ, 2005 й.).

Этиологияси ва патогенетик асоси	Клиник шакллари вариантлари	Клиник синдромлар	Оқибатлари
МНТ гипоксик зарарланишининг оқибатлари			
Церебрал ишемия-гипоксия I-II даражасининг оқибатлари (P91.0; P91.2; P91.4)	Перинатал транзитор постгипоксик-ишемик энцефалопатия	Ноаник гидроцефалия (G91.9); Вегетатив (автоном) нерв тизимининг ноаник генезли бузилиши (G90.9); Гиперфаоллик, гиперқўзғалувчанлик (F90.1); Мотор ривожланиш бузилиши (орқада қолиши) (F82); Ривожланишдан орқада қолишнинг қўшма шакли (F84.8); Симптоматик тутқаноқ хуружлари ва ситуацион шартли пароксизмал бузилишлар (R56.0; R.56.8); (курация қилиниши мумкин бўлган эпилептик синдромлар).	Ҳаётнинг биринчи йилида кузатилувчи тўлиқ неврологик компенсация.
Гипоксик интракраниал қон куйилиши I-II даражасининг оқибатлари (P52.0; P52.5; P52.1)	Перинатал транзитор постгеморрагик энцефалопатия	Турли шаклли гидроцефалиялар (G91; G91.0; G91.1; G91.2; G91.8; G91.9) Рухий ривожланишнинг оғир органик шаклли етишмовчиликлари (F06.9). Мотор ривожланиш бузилишининг оғир шакллари (шаклланаётган ва шаклланиб бўлган БЦФ G80), (G80.0-G80.9). Симптоматик эпилепсиялар ва эрта болалик	Айрим қўпол бўлмаган неврологик функционал бузилишлар сақланиб қолиши мумкин
Церебрал ишемия-гипоксия ёки интракраниал қон куйилиши II-III даражасининг оқибатлари (P21.9; P91.1;	Перинатал даврда МНТнинг турғун (органик) постгипоксик ва постгеморрагик зарарланиши		Ҳаётнинг биринчи йилида неврологик етишмовчиликлар компенсацияланмайди, тотал ёки парциал неврологик дефицит

(2 жадвалнинг давоми)

P91.2; P91.5; P91.8; P52.1-P52.9)	зарарланиши	даври эпилептик синдромлари (G40; G40.1; G40.2; G40.4; G40.6; G40.8; G40.9; G41.0-G41.9). Бош мия жуфт нервлари шикастланиши (G52.1; G52.3; G52.8; G52.8; H47.2; H47.6; H48.0; H49.0; H49.2; H50.1; H51.1).	сақланиб қолади.
Туғруқ жараёнида олинган нерв тизими травмалари оқибатлари			
Туғруқ вақтида олинган интракраниал травма оқибатлари (P10.0; P10.1-P10.9; P11; P11.0-P11.2)	Перинатал Посттравматик энцефалопатия	Гидроцефалиянинг хар хил шакллари (G91; G91.0; G91.1; G91.2; G91.8). Вегетатив (автоном) нерв тизимининг бузилишлари (вегетатив-қон томирлари дисфункцияси) (G 90.9). Гиперфаоллик, гиперқўзғалувчанлик (F90.1). Болаликнинг эрта даврида кузатиловчи курация қилиниши мумкин бўлган ва резистент шакли симптоматик эпилепсиялар (G40.2; G40.4; G40.6; G40.8; G40.9; G41). Ўчоқли бузилишлар (парез ва плегиялар). (G81.1; G82.1; G83.1; G83.2) Бош мия жуфт нервлари зарарланишлари (G52.1; G52.3; G52.8; H52.5; H51.2; H49.0; H49.1; H49.2; H51.1; G51.8).	Оқибатлар эрта диагностика ва тўғри танланган даволаш усулига боғлиқ. Баъзан ўз вақтида талаб этилувчи нейрохирургик даволаш талаб этилади.
Туғруқ жараёнида олинган орқа миянинг оқибатлари (P11.5)	Перинатал посттравматик миелопатия	Зарарланиш локализациясига боғлиқ ҳаракат (парезлар, плегиялар) ва сезги бузилишлари (G81.9; G82.3; G52.1; G52.3; G82.0; G82.4; G83.0; G52.3; G52.8). Орқа миянинг бошқа касалликлари (G95). Сфинктерлар фаолиятининг бузилиши (“спинал” сийдик пуфаги) (G95.8). Вегетатив-висцерал бузилишлар (G 90.9).	Неврологик бузилишлар кўпол ҳаракат ва сенсор дефектлардан тортиб то минимал мотор етишмовчиликларга аниқланиши мумкин.
Периферик нерв тизимининг туғруқ травмаси (P14; P14.0-P14.3; P14.8; P14.9)	Перинатал посттравматик невропатия	Зарарланиш локализациясига кўра кузатиловчи периферик парезлар ва плегиялар (G51.0; G51.8; G50.8; G52.1; G52.3; G82.0; G83.1; G83.2; H49.0; H49.1; H49.2; H49.9; H50.0; H50.1; H51.0; H51.1;). Нерв илдишлари ва чигаллари зарарланиши (G54)	
МНТ фаолиятининг перинатал даврдаги дисметаболик ва токсик-метаболик бузилишлари оқибатлари			
Ўтиб кетувчи типдаги перинатал дисметаболик бузилишлар оқибатлари (P57.8; P57.9; P57.0; P71.0; P74.1; P74.2)	Перинатал дисметаболик энцефалопатия (дисметаболик омилга боғлиқ ҳолда бузилиш шакли фарқланади, масалан, постгипогликемик). Билирубинли энцефалопатия	Болаликнинг эрта даврида кузатиловчи курация қилиниши мумкин бўлган ва резистент шакли симптоматик эпилепсиялар (G40.2; G40.4; G40.6; G40.8; G40.9; G41). Руҳий ривожланишнинг оғир органик шакли етишмовчиликлари (F06.9). Гиперфаоллик, гиперқўзғалувчанлик (F90.1). Мотор ривожланиш бузилиши (орқада қолиши) (F82).	Қисқа муддатли дисметаболик бузилишлар кузатилади ва агар ўз вақтида коррекция қилинса, турғун неврологик дефектга олиб келмайди. Узоқ вақт сақланувчи (72 соат ва кўпроқ давом этувчи) дисметаболик ўзгаришлар кузатилади ва турғун

(2 жадвалнинг давоми)

			психо-неврологик дефектларга олиб келади.
МНТнинг токсик-метаболик зарарланиши оқибатлари (P04-P04.4).	Токсик-метаболик энцефалопатия (шакли зарарловчи омилга боғлиқ ҳолда аниқланади. Масалан наркотик, алкоғолли, гидантоинли ва бқ.).	Болаликнинг эрта даврида кузатиловчи симптоматик эпилепсиялар (G40; G40.0; G40.2; G40.4; G40.6; G40.8; G40.9; G41). Рухий ривожланишнинг оғир органик шаклли етишмовчиликлари (F06.9). Ақлий ривожланишдан орқада қолиши (орқада қолиши) (F70; F71; F72).	Микроцефалия, бош миянинг ривожланиш нуқсонлари, руҳий ва ҳаракат тизимига тегишли ривожланиш етишмовчиликларининг ҳар хил шакллари.
Перинатал даврдаги МНТ инфекцион касалликлари оқибатлари			
Ўтказилган энцефалит, менингит, менингоэнцефалит (TORCH-синдром, цитомегаловирус инфекция, герпетик инфекция, токсоплазмоз, туғма кизилча, ЕСНО-вируслар ва бқ., сифилис) оқибатида МНТ зарарланиши	Перинатал даврда МНТнинг Постинфекцион (туғма) органик зарарланиши (G09)	Гидроцефалиянинг ҳар хил шакллари (G91; G91.0; G91.1; G91.2; G91.8; G91.9). Вегетатив (автоном) нерв тизимининг бузилишлари (G 90.9). Гиперфаоллик, гиперқўзғалувчанлик (F90.1). Болаликнинг эрта даврида кузатиловчи курация қилиниши мумкин бўлган ва резистент шаклли симптоматик эпилепсиялар (G40.2; G40.4; G40.6; G40.8; G40.9; G41). Ўчоқли бузилишлар (парез ва плегиялар). (G81.1; G82.1; G83.1; G83.2) Бош мия жуфт нервлари зарарланишлари (G52.1; G52.3; G52.8; H52.5; H51.2; H49.0; H49.1; H49.2; H51.1; G51.8).	Ақлий ривожланишдан орқада қолишнинг энгил шаклидан то оғир шакллари гача ривожланиши мумкин, БЦФ, симптоматик резистент эпилепсиялар.
Неонатал даврдаги ўтказилган сепсис (менингит, менингоэнцефалит, вентрикулит, энцефалит) туфайли МНТ зарарланиши (P36.0-P36.9)	Постинфекцион энцефалопатия, МНТ нинг постинфекцион органик зарарланиши	Аниқлик киритилмаган этиологияли гидроцефалия (G91.9); Вегетатив (автоном) нерв тизимининг бузилиши (G90.9); Гиперфаоллик, гиперқўзғалувчанлик (F90.1); Мотор ривожланиш бузилиши (орқада қолиши) (F82); Гидроцефалиянинг ҳар хил шакллари (G91; G91.0; G91.1; G91.2; G91.8; G91.9). Болаликнинг эрта даврида кузатиловчи курация қилиниши мумкин бўлган ва резистент шаклли симптоматик эпилепсиялар (G40.2; G40.4; G40.6; G40.8; G40.9; G41). Ўчоқли бузилишлар (парез ва плегиялар). (G81.1; G82.1; G83.1; G83.2) Бош мия жуфт нервлари зарарланишлари (G52.1; G52.3; G52.8; H52.5; H51.2; H49.0; H49.1; H49.2; H51.1; G51.8). Мотор ривожланиш бузилишининг оғир шакллари (шаклланаётган ва шаклланиб бўлган БЦФ G80), (G80.0-G80.9).	Оқибатлар эрта диагностика ва тўғри танланган даволаш усулига боғлиқ, энгил функционал ўзгаришларидан тортиб то оғир психо-неврологик бузилишлар гача кузатилиши мумкин.

Шундай қилиб, нерв тизимининг перинатал даврдаги зарарланиши ва бемор ҳаётининг биринчи йилидаги кузатилувчи оқибатларига оид жаҳондаги умумлаштирилган талабларга мос келувчи классификацияси яратилди. Бу эса амалиётда болаларнинг янги туғилган чақалоқлик давридан бошлаб перинатал даврда нерв тизими зарарланиши оғирлик даражасини, учраш сонини объектив баҳолаш имконини яратди. Қабул қилинган классификация МНТ перинатал даврда зарарланишига оид маълумотларни статистик баҳолаш, касалланиш ва ўлим сабабларини объектив таҳлил қилиш, жаҳондаги бошқа кўрсаткичлар билан таққослаш, турли даволаш ва профилактика қилиш усулларининг самарадорлигини назорат қилиш, шу синфдаги беморларни барча ёш контингентларида олиб бориш мезонларини умумлаштириш, жумладан исботловчи тиббиёт нуқтаи назаридан гипердиагностика қилишнинг олдини олишга имкон яратади [15, 24].

Ушбу классификация доирасида янги туғилган чақалоқлик давридаги неврологик бузилишлар зарарланиш механизмининг сабабларига кўра тўртта гуруҳга ажратилган (гипоксик, травматик, токсико-метаболик ва инфекция). Шу билан бирга, ҳар бир гуруҳдан нозологик шакллар, оғирлик даражалари ва асосий неврологик симптомлар ва синдромлар алоҳида кўрсатилган. МНТ гипоксик зарарланиши церебрал ишемия ва интракраниал қон қуйилиши гуруҳларига бўлинган. “Нерв тизими перинатал даврда зарарланишининг болалар ҳаёти биринчи йилидаги оқибатлари классификацияси” (2005 йил.) шакллантирилишида қуйидаги тамойиллардан фойдаланилган [15, 20, 24]: 1) “Янги туғилган чақалоқларда нерв тизимининг перинатал даврда зарарланиши классификацияси” (2000 й.) даги перинатал даврда нерв тизими зарарланиши этиологияси ва патогенетик асоси; 2) клиник кечиш вариантлари – ўтиб кетувчи (транзитор) ва доимий (органик) неврологик ўзгаришлар; 3) асосий клиник синдромлар; 4) оқибатлар (бола ҳаёти биринчи йили охиридаги тўлиқ компенсация, функционал бузилишлар ёки доимий неврологик дефицит сақланиши).

Хорижий давлатлар тиббиёти амалиётида Левин классификацияси кенг қўлланилади [45, 55]. Бу классификация перинатал тиббиёт амалиётида МНТ гипоксик-ишемик зарарланишини баҳолашда фойдали восита ҳисобланади (3-жадвал).

3 жадвал.

Гипоксик-ишемик энцефалопатиялар (ГИЭ) классификацияси [45].

Клиник белги	Енгил даражали ГИЭ	Ўрта оғир даражали ГИЭ	Оғир даражали ГИЭ
Ҳуш ҳолати	Кўзгалувчанлик	Летаргия	Кома
Тонус	Гипотония	Сезиларли ифодаланган гипотония	Чуқур гипотония
Тутқаноқ хуружлари	Кузатилмайди	Кузатилади	Давомли хуружлар
Она кўрагини эмиши/нафаси	Она кўрагини ёмон эмади	Она кўрагини эма олмайди	Мустақил нафас ололмайди

Шу билан бирга Sarnat H.B ва Sarnat M.S. томонидан 1976 йилда ишлаб чиқилган гипоксик-ишемик энцефалопатияни баҳолашнинг Сарнат шкаласи (Sarnat Grading Scale of HIE) [50] ҳам қўлланилади. Бу шкала ўзида клиник ва электроэнцефалография (ЭЭГ) маълумотларини баҳолашни жамлайди (4-жадвал).

МКБ-10 бўйича перинатал даврда МНТ гипоксик зарарланиши оқибатлари клиник диагнози шакллантирилишида аввалига асосий неврологик синдром (нозологик шакл) аниқланади, сўнгра эса ўткир даврда мия зарарланишига олиб келган этиопатогенетик омил даражаси билан бирга кўрсатилади.

Шундай қилиб, перинатал даврда МНТ гипоксик-ишемик зарарланиши тарқалишига оид маълумотлар Россияда амал қилаётган статистика мезонлари ҳисобига етарлича умумлаштирилган. Лекин шу билан бирга перинатал МНТ зарарланишлари ва унинг оқибатларининг айнан бизнинг республикамиздаги тарқалиши, касалланиш ва бошқа кўрсаткичларини

4 жадвал.

Гипоксик-ишемик энцефалопатия оғирлигини баҳолашнинг Сарнат шкаласи

	1-босқич	2-босқич	3-босқич
Хуш ҳолати даражаси	Ифодаланган қўзғалувчанлик	Летаргия ёки карахтлик	Ступор
Нерв-мушаклар назорати			
Мушаклар тонуси	Меъёрий	Енгил гипотония	Пасайган
Гавданинг туриши	Енгил дистал эгилиш	Кучли дистал эгилиш	Децеребрация позаси
Пай рефлекслари	Кучайган	Кучайган	Пасайган ёки чакирилмайди
Миоклонус	Аниқланади	Аниқланади	Кузатилмайди
Рефлекслар			
Эмиш рефлекси	Кучсиз	Кучсиз ёки кузатилмайди	Кузатилмайди
Моро рефлекси	Чакирилади, паст чакирилиш бўсағаси	Кучсиз, ногўлик, юқори чакирилиш бўсағаси	Кузатилмайди
Окуло-вестибуляр рефлекс	Меъёрий	Кучайган	Кучсиз ёки кузатилмайди
Бўйин мушаклари тонуси	Кучсиз	Кучайган	Кузатилмайди
Автоном функциялар	Симпатик тизим фаоллашиши	Парасимпатик тизим фаоллашиши	Симпатик ва парасимпатик тизим сўниши
Қорачиқлар	Мидриаз	Миоз	Ҳар хил вариантлар бўлиши мумкин, кўз қорачиқлари диаметри ҳар хил бўлиши мумкин, ёруғликка реакциянинг сусайиши
Юрак қисқаришлари сони	Тахикардия	Брадикардия	Юрак қисқаришлари сони ҳар хил вариантда бўлиши мумкин
Сўлак ва бронхлар секретари ажралиши	Кучсиз	Жуда кўп ажралади	Ҳар хил ҳажмдаги ажралмалар кузатилиши мумкин
Ошқозон-ичак тракти моторикаси	Меъёрий ёки пасайган	Кучайган, диарея	Ҳар хил (меъёрий, пасайган, кучайган)
Тутқаноқ хуружлари	Кузатилмайди	Тез-тез такрорланади, фокал ёки мультифокал характерда кузатилади	Камли сонли хуружлар (децеребрациядан ташқари)
ЭЭГ кўрсаткичлари	Меъёрий (уйғоқ ҳолатда)	Эрта намоён бўлиши: паст амплитудали дельта ва тетта потенциаллар серияси. Кеч намоён бўлган ЭЭГ: даврий паттернлар (уйғониш) Тутқаноқ хуружлари: фокал 1 Гц ли пик-тўлқинли потенциаллар	Эрта намоён бўлиши: паст амплитудали участкалар билан алмашувчи даврий паттернлар. Кеч намоён бўлган ЭЭГ: ҳамма соҳаларда – амплитудалар даражасининг экстремал пасайиши аниқланади
Давомийлиги	24 соатдан камроқ	2 кундан 14 кунгача	Бир неча соатдан бир ҳафтагача давом этади

аниқлаштириш, рўйхатга олиш, янги диагностика усулларини тадбиқ этиш, даволаш усулларини такомиллаштириш ва мавжуд классификацияга аниқлик киритиш бўйича нейрохирургик нуқтаи назардан янги тадқиқотлар ўтказиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бундан ташқари МНТ перинатал зарарланиши диагностик мезонларини ва атамаларини ти-

зимлаштириш ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Шу билан бир қаторда, перинатал патологикалар амалиётида эпидемиологик тадқиқотлар ўтказиш, гипердиагностиканинг олдини олиш ва керакли даво муолажаларини тўғри танлаш бўйича РАСПМ, Сарнат, Левин классификациялари қўлланилиши фойдали эканлигини ҳулоса қилиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Антонова О.М. Нейроспецифическая енолаза и ее роль в механизмах антительной агрессии в мозг. Дисс. ...канд. мед. наук. М. 1997; 121 с.
2. Баранов А.А., Альбицкий В.Ю., Модестов А.А., Косова С.А., Бондарь В.И., Волков И.М. Заболеваемость детского населения России (итоги комплексного медико-статистического исследования). Здравоохранение Российской Федерации. 2012;5:21-26.
3. Барашнев Ю.И., Кулаков В.И. Новорожденные высокого риска. Новые диагностические и лечебные технологии. М. 2006; 528 с.
4. Белоусова Т.В., Ряжина Л.А. Перинатальные поражения центральной нервной системы у новорожденных: Методические рекомендации. СПб.: ООО «Натис Принт»; 2010.
5. Блинов Д.В. Перинатальное поражение мозга: актуальные вопросы эпидемиологии и подходы к классификации. Журнал “Акушерство, гинекология, репродукция”. 2016; Том 10. № 4.: 84-93.
6. Внутривенные кровоизлияния, постгеморрагическая гидроцефалия у новорожденных детей. Принципы оказания медицинской помощи. Методические рекомендации под ред. Володина Н.Н., Горельшева С.К., Попова В.Е. М.: Союз Педиатров России; 2014.
7. Володин Н.Н. Перинатология. Исторические вехи. Перспективы развития. Актовая речь в РГМУ. М. 2006; 48 с.
8. Ганнушкина И.В. Патология нарушений мозгового кровообращения. Кн. Мозг: теоретические и клинические аспекты. Под ред. Покровского В.И. М. 2003; 463-489.
9. Дегтярева М.Г. Динамический контроль функционального состояния ЦНС у детей с перинатальными постгипоксическими поражениями головного мозга на первом году жизни. Дисс. ...канд. мед. наук. 2002; 254 с.
10. Журба Л.Т., Мастюкова Е.М. Нарушение психомоторного развития детей первого года жизни. М. 1981; 272 с.
11. Заваденко Н.Н., Немкова С.А. Нарушения развития и когнитивные дисфункции у детей с заболеваниями нервной системы. МедПрессИнформ; 2016.
12. Казьмин А.М., Дайхина Л.В., Озерова О.Е. Состояние нервной системы в первые 12-16 месяцев у детей, перенесших перивентрикулярную лейкомаляцию в периоде новорожденности. Журнал материнство и детство. 1992; 37 (4-5): 8-13.
13. Классификация перинатальных поражений нервной системы у новорожденных. Методические рекомендации. М. 2000; 40 с.
14. Классификация последствий перинатальных поражений нервной системы у новорожденных. Методические рекомендации. М. 2005; 40 с.
15. Классификация перинатальных поражений нервной системы и их последствий у детей первого года жизни (методические рекомендации). Вопросы Практической Педиатрии. 2006; 1: 5-32.
16. Лаврик С.Ю. Последствия перинатальных гипоксических поражений центральной нервной системы у детей дошкольного и раннего школьного возраста: Дис. ... д-ра мед. наук. Иркутск. 2015. Ссылка активна 18.12.16. Доступно по: http://medical-diss.com/medicina/posledstviyaperinatalnyh_gipoksicheskikhporazheniy-tsentralnoy-nervnoy-sistemy-udetey_doshkolnogo-i-rannego-shkolnogo-v
17. Международная статистическая классификация болезней и проблем, связанных со здоровьем. Десятый пересмотр. В 2 томах. Всемирная организация здравоохранения. Женева. 1995.
18. Мухтарова С.Н. Значение определения нейроспецифической енолазы в оценке тяжести гипоксически-ишемических поражений мозга у новорожденных. Медицинские Новости Грузии. 2010; 4 (181): 49-54.
19. Немкова С.А. Современные принципы комплексной диагностики и реабилитации перинатальных поражений нервной системы и их последствий. Журнал неврологии и психиатрии. 2017; 3: 40-49. doi: 10.17116/jnevro20171173140-49.
20. Новые подходы к диагностике перинатальных поражений нервной системы у детей первого года жизни и их классификация. Коллектив авторов. Педиатрия. 2004; 1: 1-5.
21. Пальчик А.Б., Шабалов Н.П. Гипоксически-ишемическая энцефалопатия новорожденных. М. 2013; 288 с.

22. Приказ Министерства здравоохранения и социального развития Российской Федерации от 27 декабря 2011 г. N 1687н «О медицинских критериях рождения, форме документа о рождении и порядке его выдачи».
23. Приказ Министерства здравоохранения РФ от 16 января 2013 г. N 7н «О внесении изменений в приложения N 1 и N 3 к приказу Министерства здравоохранения и социального развития Российской Федерации от 27 декабря 2011 г. N 1687н «О медицинских критериях рождения, форме документа о рождении и порядке его выдачи».
24. Рогаткин С.О. Диагностика, профилактика и лечение перинатальных постгипоксических поражений центральной нервной системы у новорожденных и детей раннего возраста. Дисс. ...докт. мед. наук. М. 2012; 284 с.
25. Скоромец А.П., Семичова И.Л., Крюкова И.А., Фомина Т.В., Шумилина М.В. Задержки психического развития у детей и принципы их коррекции (обзор). *Лечащий врач*. 2011;5:53-57.
26. Федеральные клинические рекомендации по оказанию медицинской помощи детям с последствиями перинатального поражения центральной нервной системы с гидроцефальным и гипертензионным синдромами. М.: Союз педиатров России; 2013. Ссылка активна 18.12.16. Доступно по: http://www.pediatr-russia.ru/sites/default/files/_kr_pp_cns_hydro.pdf.
27. Цыбелова Э.М. Распространенность, факторы риска и варианты клинического течения гипоксически-ишемической энцефалопатии у доношенных новорожденных, извлеченных путем операции кесарева сечения. *Сибирский Медицинский журнал*. 2007; 6: 27-31.
28. Чехонин В.П., Дмитриева Т.Б., Жирков Ю.А. Иммунохимический анализ нейроспецифических антигенов. М. 2000; 416 с.
29. Якунин Ю.А., Ямпольская Э.И., Кипнис С.Л., Сысоева И.М. Болезни нервной системы у новорожденных и детей раннего возраста. М. 1979; 280 с.
30. Якунин Ю.А., Перминов В.С. Прогностические критерии гипоксических поражений ЦНС у детей. *Рос. Вест. перинат. и пед.* 1993; 38 (2): 20-24.
31. Antonucci R., Porcella A., Pilloni M.D. Perinatal asphyxia in the term newborn. *Journal of Pediatric and Neonatal Individualized Medicine* 2014; 3 (2): e030269. DOI: 10.7363/030269.
32. Basys V., Drazdiene N., Vezbergiene N., Isakova J. Perinatal injury of the central nervous system in Lithuania from 1997 to 2014. *Acta Medica Lituanica*. 2016; 23 (4): 199-205.
33. Berger R., Garnier Y., Pathophysiology of perinatal brain damage. *Brain. Res. Rew.* 1999; 30: 107-134.
34. de Haan M., Wyatt J.S., Roth S., Vargha-Khadem F., Gadian D., Mishkin M. Brain and cognitive-behavioural development after asphyxia at term birth. *Dev Sci*. 2006; 9: 350-8.
35. de Vries L., Jongmans M. Long-term outcome after neonatal hypoxic ischaemic encephalopathy. *Arch Dis Child Fetal Neonatal Ed.* 2010; 95: F220-4.
36. Eng L.F., Ghimikar R.S., Lee Y.L. Glial fibrillary acidic protein: GFAP-thirty-one years (1969-2000). *Neurochem. Res.* 2000; 9-10: 1439-1451.
37. Glass H.C. et al. Clinical Neonatal Seizures are Independently Associated with Outcome in Infants at Risk for Hypoxic-Ischemic Brain Injury. *J. Pediatr.* 2009; 155: 318-323.
38. Gluckman P.D., Wyatt J.S., Azzopardi D. et al. Selective head cooling with mild systemic hypothermia after neonatal encephalopathy: multicenter randomized trial. *Lancet*. 2005; 365: 663-670.
39. Greishen G. Ischemia of the preterm brain. *Biol. Neonate*. 1992; 62: 243-247.
40. Haataja L., Mercuri E., Regev R., Cowan F., Rutherford M., Dubowitz V., Dubowitz L. Optimality score for the neurologic examination of the infant at 12 and 18 months of age. *J. Pediatr.* 1999; 135 (2 Pt 1): 153-161.
41. Huppi P.S., Warfield S., Kikinis R., Barnes P.D., Zientara G.P., Jolesz F.A., Tsuji M.K., Volpe J.J. Quantitative magnetic resonance imaging of brain development in premature and mature newborns. *Ann. Neurol.* 1998; 43 (2): 224-35.
42. Kurinczuk JJ, White-Koning M, Badawi N. Epidemiology of neonatal encephalopathy and hypoxic-ischemic encephalopathy. *Early Human Development*. 2010;86(6):239-338. doi: 10.1016/j.earlhumdev.2010.05.010
43. Lawn J.E., Cousens S., Zupan J. and for the Lancet Survival Steering team. 4 million neonatal deaths: when? Where? Why? *Lancet*. 2005; 365: 891-900.
44. Levene M. Role of excitatory amino acid antagonists in the management of birth asphyxia. *Biol Neonate*. 1992; 62: 248-251.
45. Levene M.I. The asphyxiated newborn infant. In: Levene MI, Lilford RJ. *Fetal and neonatal neurology and neurosurgery*. Edinburgh: Churchill Livingstone. 1995: 405-426.
46. Palmer C. Neurobiology of perinatal asphyxia. *Penn. State Coll. Med.* 2001; 1: 1-18.
47. Pin T.W., Eldridge B., Galea M.P. A review of developmental outcomes of term infants with post-asphyxia neonatal encephalopathy. *Eur. J. Paediatr. Neurol.* 2009; 13 (3): 224-234.
48. Relation between perinatal factors and neurological outcome. In: *Guidelines for Perinatal Care*. 3rd ed. Elk Grove Village, Ill: American Academy of Pediatrics. 1992; 221-234.
49. Ronen G.M. et al. The epidemiology of clinical neonatal seizures in Newfoundland: a population-based study. *J. Pediatr.* 1999; 134: 71-75.

50. Sarnat H.B., Sarnat M.S. Neonatal encephalopathy following fetal distress. Arch Neurol. 1976; 33: 698-705.
51. Shankaran S., Laptook A.R., Ehrenkranz R.A. et al. Whole-body hypothermia for neonates with hypoxic-ischemic encephalopathy. N. Engl. J. Med. 2005; 353 (15): 1574-1584.
52. van Handel M., Swaab H., de Vries L. S., Jongmans M. J. Long-term cognitive and behavioral consequences of neonatal encephalopathy following perinatal asphyxia: a review. Eur. J. Pediatr. 2007; 166 (7): 645-654.
53. Vasudevan C., Levene M. Epidemiology and aetiology of neonatal seizures. Semin. Fetal Neonatal Med. 2013; 18: 185-191.
54. Volpe J.J. Neurology of the Newborn. Saunders Elsevier. 2008; p. 1120.
55. Volpe J.J. Perinatal brain injury: from pathogenesis to neuroprotection. Ment. Retard. Dev. Disabil. Res. Rev. 2001; 7 (1): 56-64.
56. Zanelli S.A, Stanley D. P., Kaufman D. Hypoxic-ischemic encephalopathy. 2012.

**ЙЎҒОН ВА ТЎҒРИ ИЧАК ЎСМА КАСАЛЛИКЛАРИНИ АНДИЖОН
ВИЛОЯТИДАГИ ҲОЛАТ ВА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ**

Д. З. Мамарасулова, З. Н. Исаев, Б. Х. Маткаримов, Д. М. Турсунов
Андижон давлат тиббиёт институти, Андижон, Ўзбекистон

Ключевые слова: толстая кишка, прямая кишка, опухолевые процессы.

Key words: colon, rectum, tumor processes.

**СОСТОЯНИЕ И СОВРЕМЕННЫЙ ПОДХОД В ИЗУЧЕНИИ ОПУХОЛЕВЫХ ЗАБОЛЕВАНИЙ
ТОЛСТОЙ И ПРЯМОЙ КИШКИ В АНДИЖАНСКОЙ ОБЛАСТИ**

Д. З. Мамарасулова, З. Н. Исаев, Б. Х. Маткаримов, Д. М. Турсунов
Андижанский государственный медицинский институт, Андижан, Узбекистан

**THE SITUATION AND MODERN APPROACH IN THE STUDY OF COLON AND RECTUM
TUMOR DISEASES IN ANDIJAN REGION**

D. Z. Mamarasulova, Z. N. Isayev, B. H. Matkarimov, D. M. Tursunov
Andijan state medical institute, Andijan, Uzbekistan

Охирги ўн йилликда дунёнинг жуда кўп мамлакатларида ва шу жумладан Ўзбекистонда ҳам тўғри ичак саратони билан касалланиш ортиб бормоқда. Ҳар йили 100000 аҳолидан 50 та янги колоректал саратон кузатилмоқда ва аҳолининг 5% қатлами умри давомида тўғри ичак саратони билан касалланмоқда [1, 2, 3, 4]. Бутун дунё бўйича йилига 600 мингга яқин колоректал саратон аниқланади ва уларнинг ярмидан кўпи шу йилнинг ўзида вафот этади [5, 6]. Тўғри ичак саратони барча ёмон сифатли ўсма касалликларини 5% - 6% ни, ҳазм тизими ёмон сифатли ўсма касалликларини 40-45 % ни ташкил қилади [7, 8, 9]. Ҳар йили бутун дунё бўйича 600 мингдан ортиқ колоректал саратон ташҳиси қўйилади, улардан 60%и ривожланган мамлакатларга 40%и эса қолган мамлакатларга тўғри келади [3, 9, 10, 11, 39]. Тўғри ичак саратони хавф омилларига 55 ёшдан катталар ва асосан 70-75 ёш тўғри келади [3, 4, 12] ва шундан 80-85% қуйи III-IV босқичда аниқланади ва уларнинг ярмидан кўпи бир йил мобайнида вафот этади [13, 14]. Касаллик дунёнинг иқтисодий ривожланган мамлакатларида (АҚШ, Канада, Япония) кўп учрайди. Ҳиндистон, Хитой, Вьетнам давлатларида нисбатан кам учрайди [9]. Ушбу хасталик иқтисодий ривожланган мамлакатларда ривожланмаган мамлакатларга қараганда қариб 10 мартаба кўпроқ учрайди [8].

Ўзбекистонда тўғри ичак саратони билан, РОИМ маълумотларига кўра касалланиш 41-50 ёшда 18,4%ни, 51-60 ёшда 24,4% ни, 61-70 ёшда 18,5% ни, 70 ёшдан кейин 38,7% ни ташкил қилади.

Тўғри ичак саратонини химиотерапия, радиотерапия, хирургик даволаш, комбинациялашган ва комплекс даво усуллари мавжуд бўлиб бу усуллар самарадорлиги даволанган беморнинг қанча вақт рецидивсиз яшашига қараб баҳоланади. III босқичда жарроҳлик усули билан даволаш фақат 20.2 % дан 31.5 % гача ҳолларда бемор ҳаётини 5 йилдан кўпроққа узайтиради. Даволаниш самарадорлигини ошириш мақсадида ташҳисдан олдинги радиотерапия муолажалари ўтказиш йўлга қўйилганлигига қарамадан илмий адабиётларда тўғри ичак саратонини III босқичда гистологик тузилишига кўра ташрихдан олдин (неoadъювант) ўтказиладиган нур + химиотерапия ҳақидаги илмий маълумотлар биз ўрганган илмий адабиётлар руйхатида кам учради.

Юқорида келтирилган маълумотлар таҳлили тўғри ичак саратони ташҳиси, даволаш масалаларини нақадар долзарблиги, ечимини қутаётган муаммоларни ҳал қилиш заруратини кўрсатиб турибди.

Кейинги йилларда бутун дунёдаги мамлакатларда овқат ҳазм қилиш системаси ўсма касалликларини аниқлаш ва даволашида бир қанча муваффақиятларга эришилганига қарамай бу касалликлар билан оғрувчанлик ва ўлим кўрсаткичлари юқориликча қолмоқда [15, 16].

В.М. Мерабишвили маълумотларига қараганда сўнги 20 йил ичида тўғри ичак саратони 3,5 маротиба ортди [16, 17]. Шунинг учун ҳам ҳозирги замон клиник тиббиётида онкопроктология муаммолари ичида тўғри ичак саратони муаммоси долзарблигича қолмоқда.

В.И. Чиссов ва М.И. Давыдовларни адабиётларида келтирган маълумотларга кўра тўғри ичак саратони билан касалланиш дунёнинг иқтисодий ривожланган мамлакатлари, шу жумладан Россия федерациясида кескин ортиб кетиши кузатилмоқда [9, 13, 16].

Худди шу адабиётда келтирилишича ҳар йили бутун дунё бўйича янги 800000 та янги “йўғон ичак саратони” ташҳиси қўйилади ва унинг 65% дан ортиги тўғри ичак саратонига тўғри келади [9, 13].

Бутун дунё бўйича йилига 50 та янги колоректал саратон ҳар 100000 аҳолида кузатилмоқда ва аҳолининг ҳар 20 тасидан биттаси умри давомида тўғри ичак саратони билан касалланмоқда [1, 2, 3, 4, 7, 17]. Сайёрамизда йилига 600 мингга яқин колоректал саратон аниқланади ва уларнинг 350 мингдан (ярмидан кўпи) кўпи шу йилнинг ўзида вафот этади [5, 6, 9].

Охирги 20 йил ичида тўғри ичак саратони Россия федерациясида еттинчи ўриндан бешинчи ўринга кўтарилгани аниқланганлиги бу касаллик билан касалланишни кескин ортиб бораётганлигидан далолат беради. Касаллик ўпка саратони, ошқозон саратони ва кўксаратон беи саратонидан кейинги ўринда туради [9].

Тўғри ичак саратони барча ёмон сифатли ўсма касалликларини 5% - 6% ни, ҳазм тизими ёмон сифатли ўсма касалликларини 40-45% ни ташкил қилади [7, 8, 9].

Сайёрамизда айни пайтда 3,5 млн колоректал саратон ташҳиси билан беморлар бўлиб улардан 60% и ривожланган мамлакатларга 40% и эса қолган мамлакатларга тўғри келади [3, 10, 11, 13].

Тўғри ичак саратони хавф омилларига 55 ёшдан катталар ва асосан 70-75 ёш тўғри келади ва шулардан 80-85% қуйи III - IV босқичда аниқланади ҳамда уларнинг ярмидан кўпи бир йил мобайнида вафот этади [3, 4, 12, 13, 14].

Тўғри ичак саратони дунёнинг иқтисодий ривожланган мамлакатлари АҚШ, Канада, Япония, Австралия, Янги Зеландия, шимолий Америка, шимолий ва шарқий европа мамлакатларида максимал кўрсаткичларда, жанубий ва ғарбий Европа мамлакатларида нисбатан юқори кўрсаткичларда, жанубий Америка мамлакатларида нисбатан кам кўрсаткичларда ва Африка ҳамда Осий қитъаси мамлакатларида (Исроил, Саудия Арабистони, Ҳиндистон, Хитой, Вьетнам) кам учрайди (Япония мамлаки бундан мустасно). Ривожланмаган давлатларда (Ҳиндистон, Хитой, Вьетнам) ривожланган давлатларга (АҚШ, Канада, Япония, Янги Зеландия) нисбатан 20 маротиба кам учрайди Ушбу хасталик иқтисодий ривожланган мамлакатларда ривожланмаган мамлакатларга қараганда қариб 10 маротаба кўпроқ учрайди [8, 9, 16, 17].

Америка Қўшма Штатларида тўғри ичак саратони барча ёмон сифатли ўсма касалликлари ичида эркакларда ҳам аёлларда ҳам 3 - чи ўринда туради, ўлим кўрсаткичи бўйича эса 2 - чи ўринда туради (ўпка саратонидан кейин). Шаҳар аҳолисига қараганда қишлоқда яшайдиган аҳоли қатлами камроқ касалланиши кўплаб адабиётларда баён қилинган [9, 16, 18].

Охирги 20 йил давомида Россия федерациясида тўғри ичак саратони билан касалланиш ва ўлим кўрсаткичлари бутун дунёдаги ривожланган мамлакатлар қаторида ортиб бораётди [9, 16]. XX асрнинг охирги 10 йиллигида Россия федерациясида тўғри ичак саратони билан касалланиш эркакларда ҳар 100000 аҳолидан 10,5 дан 12,2 га, аёлларда эса ҳар 100000 аҳолига 7,6 дан 8, 1 гача ортди [16]. 2005 йили Россия федерациясида 53000 бирламчи тўғри ичак саратони билан оғриган беморлар рўйхатга олинди ва бу кўрсаткич барча ўсма касалликлари ичида 4 - чи ўринни эгаллади. [9, 16].

Аксель Е.М., Горбачева И.А. ларни аниқлаган маълумотларига кўра Россияда ҳар йили 40 мингта янги бирламчи “тўғри ичак саратони” рўйхатга олинади [14].

Романчишин А.Ф., Жаринов Г.М.ларни келтирган маълумотларига кўра организмда учрайдиган барча онкологик хасталикларнинг 3 – 9% ни, йўғон ичакнинг 70 – 80% ни тўғри ичак саратони ташкил қилади ва охириги 10 йилда шу қадар касалланиш ортиб кеттики, Россияда ҳар 100000 аҳолига 15 – 18 тагача тўғри келмоқда ҳамда эркалар аёлларга нисбатан кўпроқ касалланади [16].

Г.И. Воробьев ва бошқа мутахассисларни маълумотларига кўра тўғри ичак саратонида радикал жарроҳлик амалиётидан кейинги 5 йиллик яшовчанлик касалликнинг I – II босқичда 70 – 80%, III – IV босқичда 20 – 30% ни ташкил қилади [17].

Ўзбекистонда тўғри ичак билан касалланиш барча ёмон сифатли ўсма касалликлари ичида 7 – чи ўринда туради. Эркалар ва аёлларда деярли бир хил учрайди. 2008 йили бутун республика бўйича 578 та бирламчи тўғри ичак саратони рўйхатга олинган бўлса, 2009 йили 556 та бирламчи бемор рўйхатга олинган [18].

Андижон вилоятида тўғри ичак билан касалланиш ҳар 100000 аҳолига 2,0-2,8 га тўғри келади ва касалликнинг асосий қисми 50 ёшдан ўтган беморларга тўғри келади. 2010 йили 2000 йилга нисбатан касалланиш қарийб 1,5 маротиба ортганлиги кузатилди.

Андижон вилояти онкология диспансерида 2000 – 2010 йиллар мобайнида жами 698 та бирламчи тўғри ичак саратони ташҳиси қўйилган бўлса шулардан 12 та (1,7%) беморда I – босқичда, 48 та (6,8%) беморда II – босқичда, 417 та (59,7%) беморларда III – босқичда ва 221 та (31,6%) беморларга IV – босқичда аниқланган.

Олиб борилган текширишлар натижасида тўғри ичак саратонини ташҳисоти ва даволаш усулларин танлаш ҳар бир бемор учун индивидуал тарзда олиб борилиши зарурлигини, бундан ташқари беморнинг ҳамроҳ касалликларини ҳисобга олган ҳолда кўшимча даво муолажалари тайинлашни зарур экани исботланди.

Биз муаллифлар ўйлаймизки, ушбу қўлланмадан сиз азиз ўқувчи албатта бирор бир янгилик оласиз ва келажакдаги машаққатли меҳнатингизда сизга яқиндан ёрдам беради – деб умид қилиб қоламиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдужаппаров С.Б., Акбаров Э.Т., Ким Л.В., Хакимов А.В., Бабакулов Х.Б., Тулаев А.Р. Непосредственные результаты гипоксирадитерапии в комбинированном лечении больных раком прямой кишки// Сборник трудов VII научно практической конференции радиологов, Узбекистана «Современные методы медицинской визуализации и интервенционной радиологии» 11-12 июня-ташкент2008, -С-5.
2. Аксель Е.М., Бармина И.М., Колоректальный рак(заболеваемость, смертность, социально экономический ущерб) Рос.онк. журн.-2006-№6.-С.40-46.
3. Бахрамов С.М., Фарманкулов Х.К., Атаджанова З.А. Анемии; Под ред. А.А. Фазылова. Ташкент: Изд – во им. Абу Али ибн Сины, 2010. – С. 26.
4. Башеев В.Х., Золотухин С.Э., Псарас Г.Г. Паллиативные резекции прямой кишки по поводу местнораспространенного рака// Онкология 2012: Тез. II съезда онкологов стран СНГ. Киев, 2012. Т. 22.- С. 705.
5. Бережной В.В., Данильченко С.А. Предоперационная лучевая терапия на фоне эндолимфатического введения 5-фторурацила в комплексном лечении больных раком прямой кишки// Онкология 2000: Тез. II съезда онкологов стран СНГ. Киев, 2000. Т. 22.- С. 709.
6. Бондарь Г.В., Кайряк О.В., Лисовская Н.Ю. Определение индивидуальности к 5-фторурацилу у больных злокачественными опухолями различных локализации //Антибиотики и химиотерапия.-2009.-№2.- С. 25-28.
7. Холдин С.А. Новообразования прямой и сигмовидной кишок. - М., Медицина, 1977.
8. Allal A, Mermillod B, Roth A, Marti MC, Kurtz J. The impact of treatment factors on local control in T2 - T3 anal carcinomas treated by radiotherapy with or without chemotherapy. Cancer, 2012; 79: 2329-35.

9. Allal A., Mermillod B., Roth A. The impact of treatment factors on local control in T2 - T3 anal carcinomas treated by radiotherapy with or without chemotherapy //Cancer.- 2007.-Vol.79. - P.2329-2335.
10. Amano M., Sekimoto M., Monden T. Selective augmentations of intratumoral 5-fluorouracil concentration by local immunotherapy with OK-432 and fibrinogen// Dis.Colon Rectum. - 2000. - Vol.43, №3.-P.402-407
11. Bedrosian I., Rodriguez-Bigas M.A., Feig B. Predicting the node-negative mesorectum after preoperative chemoradiation for locally advanced rectal carcinoma// J. Gastrointest. Surg. —2004. - Vol.8.-№1.- P.56-63.
12. Blijham G., Wagener Th., Wils J. Modulation of high-dose infusional fluorouracil by low dose methotrexate in patient with advanced or metastatic colorectal cancer: final results of randomized European Organization for Research and Treatment of Cancer Study// J. Clin. Oncol. - 2006.-Vol.14.-P.2266-2273.
13. Blumberg D., Ramanathan R.K. Treatment of colon and rectal cancer// J. Clin. Gastroenterol.-2002. -Vol.34, №1. - P.15-26.
14. Coco C., Valentini V., Cogliandolo S. Surgery and radiotherapy in rectal cancer: indications for anal sphincter conservation// Ann. Italiani di Chirurgia.- 2011.- Vol. 72, №5.- P.611-617.
15. Flam M. Role of mitomycin in combination with fluorouracil and radiotherapy and on salvage chemoradiation in the definitive non-surgical treatment of epidermoid carcinoma of the anal canal: results of the phase III randomized intergroup study. Journal of the Clinical Oncology, 2016; 14:2527-39.
16. Fushhuber PR, Rodrigues-Bigas M, Webert Patrelli NJ. Anal canal and perianal epidermoid cancer. Journal of the American College of Surgeons, 2012; 185: 494-501.
17. Gerard F, Drouet E, Matuszezak M, Denoyel G, Grimaud JA, Gerard JP. Presence d'AND de papilloma virus humain dans les cancers du canal anal. Lyon Chirurgie, 2011; 87: 88-90.
18. Myerson RJ, Karnell LH, Nenck HR. The national cancer database report on carcinoma of the anus. Cancer, 1997; 80: 805-15.
19. Palefsky JM, Holly EA, Gonzales J. Detection of human papilloma virus DNA in anal intraepithelial neoplasia and anal cancer. Cancer Research, 2010; 51: 1014-19.
20. Peters RK, Mack TM. Patterns of anal carcinoma by gender and marital status in LA County. British Journal of cancer.2003; 48:629-36.

МИОКАРД РЕПЕРФУЗИОН ШИКАСТЛАНИШИ СИНДРОМИ ПАТОФИЗИОЛОГИЯСИ

У. Р. Нарзуллаева, Г. У. Самиева, З. С. Пардаева

Самарқанд Давлат тиббиёт институти, Самарқанд, Ўзбекистон

Таянч сўзлар: миокард реперфузион шикастланиши, ишемия, микроциркуляция бузилиши, тромболизис, кальций каналлари, апоптоз, «станнирланган миокард».

Ключевые слова: реперфузионное повреждение миокарда, ишемия, нарушение микроциркуляции, тромболизис, слуховые каналы, апоптоз, "станнированный миокард".

Key words: reperfusion myocardial injury, ischemia, microcirculation disorder, thrombolysis, auditory channels, apoptosis, "stoned myocardium".

Обзорда миокарднинг реперфузион шикастланиш синдроми патофизиологик механизмлари, реперфузия жараёни ишемияни янада чуқурлаштириши, кардиомиоцитлар кальцийли ва ацидотик шикастланиши патогенези, «станнирланган миокард» патофизиологияси ва клиник кўринишлари тўғрисида замонавий адабиётлардан маълумотлар келтирилган.

ПАТОФИЗИОЛОГИЯ РЕПЕРФУЗИОННОГО ПОВРЕЖДЕНИЯ МИОКАРДА

У. Р. Нарзуллаева, Г. У. Самиева, З. С. Пардаева

Самарқандский Государственный медицинский институт, Самарқанд, Узбекистан

Обзор содержит сведения из современной литературы о патофизиологии синдрома реперфузионного повреждения миокарда, дальнейшем обострении ишемии реперфузионного процесса, патогенезе кальциевого и ацидотического поражения кардиомиоцитов, патофизиологии и клинических проявлениях "стенозированного миокарда".

PATHOPHYSIOLOGY MYOCARDIAL REPERFUSION INJURY

U. R. Narzullaeva, G. U. Samieva, Z. S. Pardaeva

Samarkand state medical institute, Samarkand, Uzbekistan

The review contains information from the current literature on the pathophysiology of reperfusion myocardial injury syndrome, further exacerbation of reperfusion ischemia, pathogenesis of calcium and acidotic lesions of cardiomyocytes, pathophysiology and clinical manifestations of "stenosed myocardium".

Миокарднинг реперфузион шикастланиши тушунчаси. Маълумки ўткир миокард инфарктида тромболизис ёки эндовазал бажариладиган аралашувлар йўли орқали зарарланган артерияда коронар қон оқимини максимал тез тиклаш, юрак мушакларида некроз зонаси ўлчамларининг сезиларли даражада камайиши ва албатта касалликнинг яхши оқибат билан яқунланишига олиб келади. Аммо бошқа томондан реперфузиянинг ўзи шикастланиш ва кардиомиоцитларнинг нобуд бўлишига олиб келади.

Миокарднинг реперфузион шикастланиши бу – миокарднинг ишемияланган зонасида коронар қон оқимини қайта тиклаш оқибатида юзага келадиган ва миокардиал, электрофизиологик ва томир дисфункцияси билан характерланувчи синдром. Миокарднинг реперфузион шикастланиши контрактил дисфункция («станнирланган» ёки «караҳт ҳолатдаги» миокард), микроциркулятор томирлар шикастланиши, қон оқими тикланишининг тўқима даражасида бўлмаслиги (no-reflow феномени), реперфузион аритмиялар ва ишемия оқибатида функцияси бузилган кардиомиоцитлар ўлими билан тугалладиган миокарднинг қайтмас шикастланиши (lethal reperfusion injury) кўринишида бўлиши мумкин. Экспериментал маълумотларга кўра, ўткир миокард инфарктида некроз зонаси сўнгги ўлчамининг 50% и айнан реперфузион шикастланиш билан боғлиқ.

Биринчи марта миокарднинг реперфузион шикастланиши 1960 йилда R.V. Jennings ва ҳаммуаллифлари томонидан ёзилган бўлиб, улар итнинг миокардида ишемияланган соҳаси реперфузиясидан сўнг қуйидаги структур ва электрофизиологик ўзгаришларни: хужайра бўқиши, миофибриллалар гиперконтрактураси, сарколемма шикастланиши ва митохондрияларда кальций ва фосфат тузларининг ўтириб қолишини аниқладилар. Ўшанда муаллифлар

реперфузияни ишемия оқибатида шикастланган, гистологик ўзгарган кардиомиоцитларда некроз ривожлантиришини тезлаштиради деган хулосага келдилар. Реперфузия ўзи мустақил миокардда шикастланиш чақирадимми ёки фақатгина ишемия вақтида шикастланган кардиомиоцитлар ўлимини тезлаштирадими? Бу савол узоқ вақт жумбоқлигича қолди токи 1985 йил Е. Braunwald ва R.A. Kloner биринчи марта реперфузиянинг шикастловчи таъсирини исботлаб бергунга қадар. Кейинчалик реперфузия кардиопротекция механизмлари фаоллашувидаги молекуляр каскаднинг боғлаб берувчи моменти эканлиги аниқланди. Сўнгги йилларда ишемия – реперфузия оқибатида хужайралар нобуд бўлиши патофизиологик механизмлари мукамал ўрганиш реперфузион синдром олдини олиш ва чегаралашда янги самарали йўллари аниқлаш имконини берди.

Миокарднинг реперфузион шикастланишининг учраш даражаси тўғрисида аниқ маълумот йўқ, шу билан биргаликда айрим муаллифларнинг маълумотларига кўра аорта коронар шунтлашдан (АКШ) кейин ўлган беморларнинг 25–45%ида аутопсияда бу синдромнинг гистологик белгилари аниқланади.

Ўткир коронар синдром реваскуляризациясида 10–40% ҳолларда no-reflow феномени кузатилади. Режали эндовазал реваскуляризацияларда no-reflow феномени учраши кам кузатилади (0,3–2,0%).

Реперфузион аритмиялар: тезлашган идиовентрикуляр ритмлар (80–95% ҳолларда), қоринчалар экстрасистолияси (70–80% ҳолларда), қоринчалар тахикардияси (65–80% ҳолларда) ва фибрилляцияси (6–10%) энг кўп учраши қайд қилинган. Миокарднинг реперфузион шикастланиши ятроген (тромбозис, АКШ) оқибатида ҳам ва шунингдек спонтан (коронар тромбозис ёки реканализацияси, артериялар спазми бартаараф бўлиши, коллатерал қон оқимининг кучайиши) миокард перфузиясининг қайта тикланиши натижасида юзага келади.

Миокард реперфузияси қатор нохуш метаболик ўзгаришлар инициатори сифатида кардиомиоцитлар шикастланиши ва нобуд бўлишига олиб келади. Қон оқимининг қайта тикланиши хужайралар ташқарисидagi бўшлиқда катоболитларни (асосан водород ионларини) ювиб кетиши ҳисобига рН нинг тезда нормаллашуви кузатилади, бу эса ишемия оқибатида айрим кардиомиоцитларда юзага келган ацидоз сақланиб қолгани ҳисобига кардиомиоцитлар ўртасидagi рН градиентига олиб келади. Бунинг натижасида хужайра ичи ацидозини коррекция қилувчи механизмлар фаоллашади. Na^+/H^+ алмашинуви ва $\text{Na}^+/\text{HCO}_3^-$ насоси ишга тушиши хужайра ичида натрий концентрациясини оширади. Хужайра цитоплазмасидagi ортикча миқдордаги натрий миокардни электрик нотурғунликка олиб келади, хужайра гидратацияси кучаяди $\text{Na}^+/\text{Ca}^{2+}$ алмашинуви фаоллашуви оқибатида хужайрага қўшимча равишда кальций киришини таъминлайди. Миокард реперфузиясининг биринчи дақиқаларида митохондрияларда АТФ синтезининг қайта тикланиши саркоплазматик ретикулумда ишемия вақтида йиғилиб қолган ортикча кальцийни ва цитоплазмадан чиқарилишига жавобгар бўлган Ca^{2+} -АТФазалар фаоллашувига олиб келади. Саркоплазматик ретикулумда йиғилган кальций тўлиқ тугагандан сўнг кальций рианодин рецепторлари орқали цитоплазмага чиқарилади ва қайта қамраб олинади. Кальцийнинг саркоплазматик ретикулум орқали ташланиши ва қамраб олинишининг навбатлашуви цитоплазмада кальций концентрациясининг юқори амплитудага силжишларига олиб келади. Бу эса реперфузион аритмиялар юзага келиши учун шароит яратади. Бундан ташқари ортикча миқдордаги кальций қисқарувчи аппаратнинг бошқариб бўлмайдиган фаоллашуви ва кардиомиоцитлар миофибриллаларида гиперконтрактулар ривожланишига олиб келади. Гиперконтрактура ва шикастланишининг ёнма ён жойлашган интакт кардиомиоцитларга тарқалиши натрийнинг ён тирқишлар орқали транспорти оқибатда $\text{Na}^+/\text{Ca}^{2+}$ каналларини фаоллаштириш ва бу хужайраларда ҳам кальций миқдорининг ошиши билан тушинтирилади. Ортиқча миқдордаги кальций фаоллашуви кальций билан боғлиқ бўлган протеаза ва фосфолипазаларни фаоллаштириб хужайра мембранаси шикастланиши давом этишига сабаб бўлади. Бундан ташқари цитоплазмада кальций ионлари миқдорининг турғун ошиши митохондриялар функцияси бузилишига

олиб келиб оксидланиш ва фосфорилланиш жараёнлари издан чиқиши ва натижада АТФ ҳосил бўлишининг камайишига олиб келади.

Реперфузия вақтида миокард шикастланишининг яна бир механизми кислород актив формаларининг гиперпродукцияси ҳисобланади. Ишемиядан кейин тўқималарга кислороднинг етиб келиши митохондриялардаги электрон-транспорт занжиринингреэнергизацияси, уларнинг фаоллашуви ва бошқариб бўлмайдиган электронлар ҳосил бўлишига олиб келади. Бу эса катта миқдордаги кислород актив формаларининг ҳосил бўлиши ва уларнинг митохондриялардан ҳужайра цитоплазмасига чиқишига олиб келади. Бундан ташқари катехоламинлар ва аденил нуклеотидлар катаболизми жараёнида, шунингдек лейкоцитларда НАДФН-оксидаза комплекслари фаоллашганда ҳам кислород актив формалари ҳосил бўлади. Кислород актив формалари ва индуцебил NO-синтаза, пероксинитрит синтаза фаоллашуви натижасида ҳосил бўлган бошқа радикаллар гиперпродукцияси, реперфузия даврида ҳужайра ичи антиоксидант тизимининг функционал етишмовчилиги сабабли кардиомиоцитлар шикастланишига олиб келади. Ортиқча миқдордаги кислород актив формалари кардиомиоцитлар мембранаси ўтказувчанлиги, ион таркиб доимийлигининг ўзгаришига, генетик аппарат шикастланиши ва ҳужайранинг программалаштирилган ўлим механизмлари фаоллашувига олиб келади. рН нинг тез нормаллашуви ва кальций миқдорининг ошиши оксидантли стресс билан биргаликда митохондриал поралар (mitochondrial permeability transition pore (mPTP)) – митохондрия мембранасидаги структуралар очилишини таъминлайди. Бу поралар орқали эса цитоплазмага проапоптотик факторлар киришни бошлайди. Поралар контакт сайтлар (митохондрия ички ва ташқи мембранаси бир - бирига яқин бўлган жойлар) жойлашган бўлиб, нормада матриксда синтезланган АТФни цитоплазмадан келувчи креатин фосфорилловчи креатинкиназага ташиш функциясини бажаради. Ишемия – реперфузия жараёнида контакт сайт митохондриал порага айланади. Митохондриал пораларнинг очилиши эса электрокимёвий градиентнинг йўқолишига ва митохондриал матриксда шиш юзага келишига, АТФ миқдорининг камайишига, апоптоген факторлар шу жумладан цитохром С нинг поралар орқали ташқарига чиқишига олиб келади бу эса апоптознинг жуда ҳам тез фаоллашуви билан кечади.

Натрий, кальций ва майда дисперсли органик бирикмаларнинг тўпланиши натижасидаги кардиомиоцитлар осмолярлигининг ошиши, гипергидратация, ҳужайра мембранаси ўтказувчанлигининг ошиши ва механик чидамлилигининг пасайиши, мембрананинг ортиқча чўзилиши ва ёрилишига ҳамда ҳужайраларнинг нобуд бўлишига олиб келади.

Миокард реперфузион шикастланиши генезида яллиғланиш ҳам муҳим рол ўйнайди яъни ҳужайраларда кальций миқдорининг ошиб кетиши фосфолипаза А2 нинг фаоллашувига олиб келади. Фосфолипаза А2 таъсирида мембрана фосфолипидларидан арахидон кислота ҳосил бўлади. Арахидон кислота метаболизми натижасида яллиғланиш медиаторлари – лейкотриенлар, простагландинлар ва тромбоксан ҳосил бўлади. Яллиғланиш медиаторлари шикастланиш зонасига нейтрофиллар миграциясига ва яллиғланиш ривожланишига олиб келади. Фаоллашган нейтрофиллар катта миқдорда кислород актив формаларини ишлаб чиқаради ва биологик фаол моддаларнинг ажралиб чиқишини таъминлайди. Бу моддалар эндотелий шикастланиши, вазоконстрикция, тромбоцитлар фаоллашуви ва агрегациясига олиб келиб, миокард микроциркуляциясини блоклайди.

Ишемия – реперфузия жараёнида юзага келувчи эндотелиал дисфункция, перикапилляр тўқима шиши, атероматоз ва тромботик массалар микроэмболизацияси ва яллиғланиш реакцияси, реканализация бўлган артерия зонасида адекват қон оқимининг бўлмаслиги билан характерланувчи no-reflow феномени ривожланишига олиб келади. Экспериментал маълумотларга кўра иммун ҳужайралар (Т-лимфоцитлар, макрофаглар, моноцитлар) реперфузион шикастланиш медиаторлари саналади.

Реперфузион шикастланиш синдроми клиник кўринишлари. Ишемия – реперфузия сабабли юзага келадиган миокард шикастланиши кўринишларидан бири бу– «караҳт ҳолатдаги» ёки «станнирланган» миокард (stunned myocardium). Нормал коронар қон оқими

турғун ҳолатда тикланиши ва кардиомиоцитларда қайтмас ўзгаришлар йўқлигига қарамадан реперфузия вақтида юзага келган ва ундан кейин ҳам сақланидиган миокарднинг постишемик транзитор (қайтар) контрактил дисфункция ҳолати тушинилади. Реперфузион «караҳт ҳолатдаги» миокард клиник кўриниши некрозга сабаб бўлган артериянинг мувофақиятли реканализациясига қарамадан беморда юрак етишмовчилиги юзага келиши ёки чуқурлашуви реперфузиядан кейин аста секинлик билан миокарднинг қисқарувчанлик функцияси қайта тикланади. Қайта тикланиш қандай тезликда бўлиши ишемик ва реперфузион шикастланишнинг оғирлик даражасига боғлиқ. No-reflow феномени оқибатида юзага келувчи миокард адекват перфузиясининг бўлмаслиги клиник жиҳатдан оғриқ синдромининг янгитдан пайдо бўлиши ёки кучайиши билан характерланиб, бунда ангиографияда, электрокардиографияда ва эхокардиографияда ижобий динамик ўзгаришлар кузатилмайди. no-reflow феномени кузатилган беморларда кўпинча чап қоринча систолик функцияси пасайиши, юрак камералари дилатацияси ёки деворлари аневризмаси аниқланади. Шунингдек летал оқибат сезиларли даражада ошиши, қоринчалар аритмияси ва юрак етишмовчилиги юзага келиши ҳам шу феномен билан боғлиқ. Миокард реперфузион шикастланиши тезлашган идиовентрикуляр ритмлар, синусли брадикардия, қоринчалар экстрасистолияси, тахикардияси ва ўткир юрак етишмовчилиги кўринишида номоён бўлади. Бундай аритмиялар симптомсиз кечиши ёки артериал гипотензия, стенокардия, синкопал хуружлар ва ўткир юрак етишмовчилиги кўринишида номоён бўлади. Ишемия – реперфузия оқибатида ишемия натижасида юзага келган некроз зонаси янада кенгайиб, миокарднинг қайтмас (летал) шикастланиши ривожланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Булаева С.В. Анализ действия гормонов и их синтетических аналогов на микрореологические свойства эритроцитов /С.В. Булаева, А.А. Маймистова, М.В. Замышяева и соавт.//Регионарное кровообращение и микроциркуляция-2009.-№2(22).-С.18-13.
2. Ватутин Н.Т., Калинин Н.В., Кравченко И.Н. Влияние триметазидина на течение инфаркта миокарда // Материалы конференции «Актуальные проблемы клинической кардиологии».– Донецк, 2012.– С. 18–19.
3. Лопатин Ю.М., Дронова Е.П. Клинико-фармакоэкономические аспекты применения триметазидина модифицированного высвобождения у больных ишемической болезнью сердца, подвергнутых коронарному шунтированию // Кардиология.– 2009.– № 2.–С. 15–21.
4. Маслов Л.Н., Лишманов Ю.Б., Колар Ф. и др. Гипоксическое preconditioning – феномен, обеспечивающий повышение толерантности кардиомиоцитов к гипоксии/реоксигенации // Рос. физиол. журн. им. И.М. Сеченова.– 2010.– Т. 96, № 12.– С. 1170–1189.
5. Мойбенко А.А., Досенко В.Е., Пархоменко А.Н. Эндогенные механизмы кардиопротекции как основа патогенетической терапии заболеваний сердца.– К.: Наукова думка, 2008.– 520 с.
6. Пархоменко А.Н. Феномен невосстановленного кровотока у больных с острым коронарным синдромом и возможные пути улучшения тканевой перфузии // Укр. кардіол. журн.– 2007.– № 5.– С. 17–25.
7. Г.У. Самиева, У.Р. Нарзуллаева, У.Б. Самиев Вязкость крови и гематокрит в изменениях гемореологии и его прогностическое значение регуляции артериального давления/Биология ва тиббиёт муаммолари 2019, №2 (109). С. 198-199.
8. Ali Z.A., Callaghan C.J., Lim E. et al. Remote ischemic preconditioning reduces myocardial and renal injury after elective abdominal aortic aneurysm repair: a randomized controlled trial // Circulation.– 2007.– Vol. 116.– P. 98–105.
9. Andreaka G., Vertesaljai M., Szantho G. et al. Remote ischemic postconditioning protects the heart during acute myocardial infarction in pigs // Heart.– 2007.– Vol. 93(6).– P. 749–752.
10. Argaud L., Gomez L., Gateau-Roesch O. et al. Trimetazidine inhibits mitochondrial permeability transition pore opening and prevents lethal ischemia-reperfusion injury // J. Mol. Cell. Cardiol.– 2005.– Vol. 39 (6).– P. 893–899.

METABOLIC SYNDROME: CURRENT ISSUES, THE CHARACTERISTICS OF MANIFESTATIONS IN DIFFERENT ETHNIC GROUPS**G. H. Rajabova, K. Sh. Djumayev**

Bukhara state medical institute, Bukhara, Uzbekistan

Key words: metabolic syndrome, ethnic characteristics, abdominal obesity, hypertension, dyslipidemia, hyperglycemia.

Таянч сўзлар: метаболик синдром, этник хусусиятлар, абдоминал семизлик, артериал гипертензия, дислипидемия, гипергликемия.

Ключевые слова: метаболический синдром, этнические особенности, абдоминальное ожирение, артериальная гипертензия, дислипидемия, гипергликемия.

Metabolic syndrome is a polyetiologic pathological state, promoting the development of many diseases that are the major causes of morbidity and mortality of the population today. Problems of pathogenesis, diagnosis, and treatment of metabolic syndrome are actively discussed. The annual increase in the incidence requires improved approaches to prevention, diagnosis, and drug-free treatment of this pathological condition. According to epidemiological studies, about 300 million people in the world have a metabolic syndrome and according to WHO experts, an increase in the number of patients by 50% is expected in the next 20 years.

**МЕТАБОЛИК СИНДРОМНИНГ ДОЛЗАРЬ МУАММОЛАРИ,
ТУРЛИ ХИЛ ЭТНИК ГУРУХЛАРДА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ****Г. Х. Ражабова, К. Ш. Джумаев**

Бухоро давлат тиббиёт институти, Бухоро, Ўзбекистон

Метаболик синдром – бугунги кунда ногиронлик ва юкори ўлимнинг асосий сабаби бўлган кўпбл касалликларнинг ривожланишига хисса кўшадиган полиэтиологик патологик ҳолат. Метаболик синдромнинг патогенези, ташҳиси ва даволаш муаммолари фаол муҳокама қилинмоқда. Касалликнинг ҳар йили кўпайиши ушбу патологик ҳолатнинг олдини олиш, ташҳис қўйиш ва номедикаментоз даволаш усуллари тақомиллаштиришни талаб қилади. Эпидемиологик изланишларга кўра, дунёда 300 миллионга яқин одам метаболик синдромга эга ва ЖССТ экспертларининг фикрига кўра, кейинги 20 йил ичида беморларнинг сони 50 %га кўпайиши кутилмоқда.

**МЕТАБОЛИЧЕСКИЙ СИНДРОМ: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ,
ОСОБЕННОСТИ ПРОЯВЛЕНИЙ В РАЗНЫХ ЭТНИЧЕСКИХ ГРУППАХ****Г. Х. Ражабова, К. Ш. Джумаев**

Бухарский государственный медицинский институт, Бухара, Узбекистан

Метаболический синдром – полиэтиологическое патологическое состояние, способствующее развитию многих заболеваний, являющихся основной причиной инвалидизации и высокой смертности населения на сегодняшний день. Проблемы патогенеза, диагностики и лечения метаболического синдрома активно дискутируются. Ежегодный рост заболеваемости требует совершенствования подходов в профилактике, диагностике, и немедикаментозном лечении данного патологического состояния. Согласно данным эпидемиологических исследований, около 300 миллионов людей в мире имеют метаболический синдром, и, по мнению экспертов ВОЗ, в ближайшие 20 лет ожидается увеличение числа больных на 50%.

Metabolic syndrome (MS) is a complex of metabolic disorders (abdominal obesity, arterial hypertension, dyslipidemia, impaired carbohydrate tolerance, impaired system hemostasis, chronic subclinical inflammation), etiopathogenetically interconnected and accelerating the development and progression of atherosclerotic cardiovascular diseases, type 2 diabetes. According to WHO experts, “... we are facing a new pandemic of the 21st century, covering industrialized countries. This could be a demographic disaster for developing countries. The prevalence of the metabolic syndrome is 2 times higher than the prevalence of diabetes mellitus, and its growth rate is expected to increase by 50% in the next 25 years.” The concept of metabolic syndrome X appeared in 1966 in the work of J. Camus. The final definition of metabolic syndrome was presented in a well-known Bunting lecture given by G. Reaven and published in the journal Diabetes in 1988. At his suggestion, this syndrome complex includes: insulin resistance (IR), impaired glucose tolerance (NTG), hyperinsulinemia, elevated levels low density lipoproteins (LDL) and triglycerides (TG),

arterial hypertension (AH). Kaplan coined the term “deadly quartet” and first introduced obesity into the insulin resistance syndrome. Over the past 3 years, more than 3,600 articles on various aspects of the metabolic syndrome have been published. In the adult population (30-69 years), metabolic syndrome is detected in 15-25% of cases, in people older than 70 years - detectability 40-45% in the age group from 20 to 30 years in 5-10%. As you know, metabolic syndrome increases the risk of type 2 diabetes, atherosclerosis, arterial hypertension and other diseases. In patients with metabolic syndrome, the frequency of development of life-threatening cardiovascular diseases increases by about 4 times. At scientific sessions of the American College of Cardiology (2007) it became known that the losses of the world community from cardiovascular diseases amount to more than 400 million a year. The main diagnostic criterion for the metabolic syndrome is insulin resistance, which is not included in the classifications proposed later (ATR III, ACE, etc.). In addition to identifying insulin resistance for the diagnosis of metabolic syndrome, according to WHO criteria, two or more of the following symptoms are necessary: arterial hypertension (blood pressure level $\geq 140 / 90$ mm Hg, and / or taking antihypertensive drugs); hypertriglyceridemia > 1.7 mmol/l (150 mg/dl); low HDL cholesterol < 0.9 mmol/L (35 mg/dl) in men and < 1 (39 mg/dl) in women); a body mass index of more than 30 kg/m^2 or a ratio of waist circumference to hip circumference > 0.9 in men and > 0.85 in women; urinary albumin excretion of more than $20 \mu\text{g/min}$ or albumin to creatinine ratio of more than 30. These criteria are not widely used in practical medicine due to the difficulty of conducting special studies of the state of carbohydrate metabolism. According to the authors, to identify metabolic in practical conditions, it is advisable to use the criteria adopted by experts of the US National Cholesterol Committee with some amendments in 2001: abdominal obesity (waist circumference for men > 102 cm, for women > 88 cm); hypertriglyceridemia (triglycerides $> 1,69$ mmol/l); low HDL cholesterol (< 1.04 mmol/L for men and < 1.29 for women); arterial hypertension (blood pressure $> 130/85$ mm Hg); hyperglycemia (plasma sugar > 6.1 mmol/L). Metabolic syndrome is diagnosed in the presence of any three or more of the five symptoms. In 2005, the International Diabetes Federation changed the criteria for the metabolic syndrome: abdominal obesity with rather rigid cut-off points (waist circumference in Europeans > 94 cm for men and > 80 cm for women) is considered as the main component in combination with two or more other factors - hyperglycemia $> 5, 6$ mmol/L, hypertriglyceridemia > 1.7 mmol/L, HDL cholesterol < 1 mmol/L for men and < 1.3 for women, arterial hypertension $> 130/85$ mm Hg. Today scientific literature offers various options of the pathogenesis of the metabolic syndrome. According to most authors, the key link in the metabolic syndrome is abdominal obesity, followed by the development of insulin resistance in individuals with a genetic predisposition to the disease. Moreover, a decrease in the activity of lipolytic processes, i.e. a decrease in the activity of hormone-sensitive lipase, which is activated by the action of catecholamines through cyclic adenosine monophosphate - dependent phosphorylation (cAMP). Insulin, causing hydrolysis of cAMP, increases the activity of lipogenic processes. However, it has been proven that obesity is not caused by insulin resistance and hyperinsulinemia. Environmental and genetic factors seem to play a leading role in the development of nutritional obesity: eating disorders with a predominance of animal fats and easily digestible carbohydrates, a sedentary lifestyle, frequent psycho-emotional stresses, depression, combined dysfunction of the nutritional nerve center and secondary dysfunctions endocrine glands. In visceral obesity, predominantly hypertrophy of fat cells and the distribution of fat in the abdominal region are observed. Abdominal fat includes visceral, intraperitoneal (omental and mesenteric) fat and retroperitoneal fat masses, which are deposited along the dorsal surface of the intestine and ventral surface of the kidneys. In this case, there is an increase in the degree of insulin resistance, which is compensated by hyperinsulinemia.

It should be noted that there are a number of methodological problems in the study of the epidemiology of MS, which are associated with the lack of a unified definition of this condition. Currently, at least 10 definitions (criteria) of MS have been proposed, but none of them are generally accepted today. The lack of consistency in the various definitions introduces controversy

in the interpretation of epidemiological studies. So, in the work of L. Guize et al., Where MS was determined by three criteria: NCEP (2001), revised criteria of NCEP-R (2005) and IDF (2005), its prevalence increased from 10.3% (NCEP) to 17.7% (NCEP-R) and 23.4% (IDF). At the same time, regardless of the criteria for assessing the metabolic syndrome, its prevalence increases significantly with age and has gender, ethnic and regional differences, with age and ethnicity playing a crucial role. The IDF Declaration (2005) emphasizes the relevance of the study of manifestations of MS in various ethnic groups in order to further complement and clarify the criteria for this condition. In addition to the high prevalence of MS, in contrast to the European population, the presence of insulin resistance is also characteristic of the Asian population with lower body mass index (BMI) and RT and a genetic predisposition to diabetes.

Results and discussion In Bishkek, a study was conducted to study the characteristics of MS in two ethnic groups: people of Russian (55 people) and Kyrgyz nationalities (59 people) aged 38 to 67 years. According to the frequency of occurrence of the criteria for MS, differences between the Kyrgyz and Russian ethnic groups were not identified. In Kyrgyz men, compared with Kyrgyz women, statistically significantly more common was hyperTG. There was no difference in the frequency of occurrence of MS components between Russian men and Russian women. According to the frequency of occurrence of the MS criteria, the first place is taken by the three-component, then the four-component and five-component MS. In Kyrgyz with a three-component MS, the combination of hypertension, low the level of HDL-C and obesity, with a four-component hyperTG joins, with a five-component - a violation of carbohydrate metabolism (NUO). In Russians with a three-component MS, with the same frequency of hypertension and low levels of HDL-C and HDT, with four-component obesity joins, with five-component - NUO. The main factors affecting the severity of atherosclerotic lesions of the extracranial carotid arteries in multivariate regression analysis taking into account the ethnic index among Russian patients are diabetes, the level of total cholesterol, BMI and aggravated heredity, and in the Kyrgyz people - obesity, apo-B, DBP, age and TG. So, from 2001 to 2004 in the city of Ulan-Ude M.N. Shedoeva conducted a one-stage study, which included 804 indigenous people (Buryats, Evenks) and 1,608 non-indigenous people (Russians, Tatars, Ukrainians) of Ulan-Ude ethnic groups aged 49 to 79 years. In the course of this study, it was found that the prevalence of GB in the population as a whole was equal among men and women (37.4%). Indigenous women had less frequent GB (28.3%) than men (41.1%), while non-indigenous women had GB more often (41.6%) than men (36.6%). When identifying ethnic subgroups, it turned out that the Buryats, Tatars, and Russians had a relatively equal frequency of GB, while the Evenks showed a lower incidence of the disease. The prevalence of dyslipoproteinemia (DLP) in the population as a whole was high (67%), equal among men and women. When studying the differences, it was found that women of indigenous ethnic groups, DLP is relatively less common than women of non-indigenous ethnic groups, with a relatively equal frequency of DLP among men. The level of atherogenic lipoproteins was significantly higher in the non-indigenous population, and the level of HDL cholesterol was found in the indigenous ethnic group, and among Buryat women, the level of HDL cholesterol was the highest. It was also revealed that representatives of the Tatar ethnic group showed a significant excess of fasting blood glucose compared with representatives of other ethnic groups. In addition, a significantly higher blood uric acid content was found in representatives of non-indigenous populations with a higher degree of reliability in Russians.

Conclusion Given that the metabolic syndrome underlies the diseases most often leading to disability and high mortality, the issue of optimizing the non-drug approach in the treatment of this condition remains relevant. Establishing the ethnic characteristics of MS will help to improve the treatment of patients and the prevention of severe complications of metabolic syndrome.

References:

1. Abilova S.S. Clinical and functional features of the metabolic syndrome in two ethnic groups (Kyrgyz, Russian), depending on the number of its components: Abstract. diss. ... cand. honey. sciences. - Bishkek, 2006. - 111 p.
2. Arkhipova NS, Popova EK, Grigoryeva LV, Afyeva AL Features of the lipid profile of the indigenous and non-root population of the Republic of Sakha (Yakutia) of older age groups with coronary heart disease // *Successes in Gerontology*. - 2010. - T. 23. No.4. - S.606-610.
3. Chazova I.E., Mychka V.B. The prevalence of metabolic syndrome and its individual components in patients with arterial hypertension and obesity // *Cardiovascular therapy and prevention*. - 2005. - T. 4. No. 6. - S. 51-61.
4. Filatova E.G. Anxiety in somatic practice // *Therapeutic archive*. 2007. No. 5. S. 72-78.
5. Kireeva VV Ethnic features of risk factors for coronary heart disease in the Baikal region: Diss. ... cand. honey. sciences. - Irkutsk, 2007.- 138 p.
6. Koziolova N.V., Konradi A.O. Optimization of the criteria for metabolic syndrome. Russian Institute of Metabolic Syndrome - Consistent Position // *Arterial Hypertension*. - 2007. - T. 13. No. 3. - C.1-2.
7. Konradi AO Change in the concept of treatment of arterial hypertension in the metabolic syndrome: from drugs of choice to the optimal drug combination // *Arterial hypertension*. - 2008. - T. 14. No. 1. - S.65-70.
8. Malakshinova Z.Kh. Coronary heart disease and risk factors among the indigenous and non-indigenous population of the city of Ulan-Ude based on materials from a simultaneous and prospective study: Abstract. diss. ... cand. honey. sciences. - St. Petersburg, 1997.- 18 p.
9. Mamedov M.N. Metabolic syndrome in Russia: prevalence, clinical features and treatment - M.: FSUE Izvestia Publishing House of the Presidential Administration, 2011. - 160 p.
10. Mamedov M.N. Metabolic syndrome: practical aspects of diagnosis and treatment on an outpatient basis: A manual for doctors. - M.: FAS-media, 2005.- 33 p.
11. Metabolic syndrome / Alexandrov OV [et al.] // *Russian Medical Journal*. 2006. No. 6. S. 50-55.
12. Metabolic syndrome: a manual for therapists and cardiologists / ed. E.I. Sokolova. M.: RCT Sovero Press, 2005.48 p.
13. Nevzorova VA, Abramova EL Features of the manifestations of the metabolic syndrome in women of different ethnic affiliations // *Problems of Women's Health*. - 2007. - T. 2. No. 1. - S.20-29.
14. Ogarkov M.Yu., Barbarash O. L., Kazachek Y. V. et al. Prevalence of the components of metabolic syndrome X in the indigenous and non-indigenous populations of Mountain Shoria // *Bulletin SB RAMS*. - 2004. - No. 1. - S.108-111.
15. Obesity: guidelines for general practitioners - students of the Federal Law, clinical residents, interns / comp.: S.A. Pavlishchuk [et al.]. Krasnodar: Kuban Medical Academy, 2002.S. 7.
16. Perova N.V., Metelskaya V.A. Obesity leads to atherosclerosis // *Disease prevention and health promotion*. 2004. No1. S. 40-45.
17. Romanova AN A comparative characteristic of coronary atherosclerosis and its risk factors in indigenous and non-indigenous men of Yakutia: Diss. ... cand. honey. sciences. - Novosibirsk, 2007. -- 154 p.
18. Scientific and organizational approaches in the field of promoting knowledge of good nutrition / E.N. Lobykina [et al.] // *Healthcare of the Russian Federation*. 2007. No1. S. 32-36.
19. Shedoeva MN Features of risk factors for ischemic heart disease and hypertension among the indigenous and non-indigenous population of Ulan-Ude: Diss. ... cand. honey. sciences. - SPb., 2005.- 179 p.
20. Shlyakhto E.V., Konradi A.O. Epidemiology of metabolic syndrome in various regions. Dependence on the criteria used and prognostic value // *Arterial hypertension*. - 2007. - T. 13. No. 2. - S.95-112.
21. Sofronova S.I. Characterization of lipid-metabolic disorders in Dolgans and Evenks with arterial hypertension in the Republic of Sakha: Diss. ... cand. honey. sciences. - Novosibirsk, 2010.- 92 s.
22. Starostina E. Principles of treatment of eating disorders accompanied by Obesity // *Doctor*. 2005. No4. S. 58-61.
23. Susekov A.V. New advances in the treatment of hypercholesterolemia and atherosclerosis // *Farmateka*. 2007. No. 8/9. S. 16-22.
24. Svaykina EV Epidemiology of metabolic syndrome in the Far North: Diss. ... cand. honey. sciences. - M., 2008. - 112 s.
25. Tokareva Z.N. The prevalence and characteristics of the manifestation of the metabolic syndrome in the adult population of Cheboksary: Diss. ... cand. honey. sciences. - M., 2010.- 95p.
26. Unloading and dietary therapy: a guide for doctors / ed. A.N. Kokosova. St. Petersburg: SpetsLit, 2007.327 s.
27. Uspensky Yu.P., Balukova E.V. Depressive disorders and their correction in the complex treatment of patients with metabolic syndrome // *Cardiovascular therapy and prevention*. 2007. No6 (3). S. 33-37.

БОЛАЛАРДА ШАЙТОНЛАШ ҲОЛАТЛАРИНИ ДАВОЛАШ**С. К. Расулов, Р. Х. Шарипов**

Самарқанд Давлат тиббиёт институти, Самарқанд, Ўзбекистон

Таянч сўзлар: шайтонлаш, болалар, фебрил шайтонлашлар, магний танқислик, даволаш, антиконвульсантлар.

Ключевые слова: судороги, дети, фебрильные судороги, дефицит магния, лечение, антиконвульсанты.

Key words: convulsions, children, febrile convulsions, magnesium deficiency, treatment, anticonvulsants.

ЛЕЧЕНИЕ СУДОРОЖНЫХ СОСТОЯНИЙ У ДЕТЕЙ**С. К. Расулов, Р. Х. Шарипов**

Самаркандский Государственный медицинский институт, Самарканд, Узбекистан

TREATMENT OF CONVULSIVE CONDITIONS IN CHILDREN**S. K. Rasulov, R. Kh. Sharipov**

Samarkand state medical institute, Samarkand, Uzbekistan

Шайтонлаш ҳолатларини даволаш уни чақирадиган сабабларга боғлиқ. Сабабларни тезликда аниқлаш ва уни ўз вақтида бартараф этиш шайтонлаш ҳолатларининг айрим турларини антиконвульсив (шайтонлашга қарши) даво ўтказмасдан йўқотиш имконини беради. Лозим бўлганида антиконвульсив даво тавсия қилиш, уларни танлаш ҳам шайтонлаш хуружларини сабаблари ва ҳарктерига қараб аниқланади. Биринчи навбатда гипоксияни бартараф этиш чоралари кўрилади. Шайтонлаш пайтида кислородга бўлган талаб 5 марта ортади. Шунинг учун биринчи бор қоннинг оксигенациясини етарлича таъминлаш керак. Бунинг учун илиқ ҳўл кислород бурун катетери, ҳаво ўтказгичлар, маска, кислород палаткаси ёрдамида бериледи, керак бўлганда (нафас бузилишларида, шайтонлаш хуружлари 30 минутдан ортиқ давом этганда) трахея интубация қилинади. Адекват оксиген даво самарасини кўкариш йўқолишига қараб баҳоланади, ундан ҳам яхшиси қонни кислородга тўйинганини аниқлаш учун транскутанли монитор (пульсоксиметр) қўллаш. Сўнгра метаболик бузилишлар билан кечадиган алоҳида шайтонлаш ҳолатларида уларга олиб келувчи омиллар корреция қилинади.

Шайтонлаш ҳолатларини даволашда нозпилептик хуружлардан эпилептик ҳолатларни фарқлаш муҳим вазифа саналади. Клиник ходимларнинг шайтонлаш ва эпилепсия ҳолатлари билан тўқнаш келадиган муаммолар қуйдагича:

- Даволашни бошлаш вақти (1-чи ва 2-чи хуружлардан кейин);
- Қайси препаратни ва қандай мақсадда танланиши;
- Препарат дозаси;
- Даволаш схемаси (моно-,политерапия);
- Даволаш давомийлиги.

Антиконвульсантлар билан даволашдан кейинги мумкин бўлган оқибатлар. Шайтонлашга қарши даволашнинг асослари - бу анамнез бўйича аниқ диагноз қўйиш, клиник белгилари ва ЭЭГ ўзгариш характери.

Даволашни ўз вақтида бошлаш- биринчи препаратларни танлаш, иккинчи ва учинчи препаратларни таъсир бўлмаган пайтда ёки антиконвульсантлар ҳамкорлигида турли шайтонлаш ҳолатини самарали даволашга ёрдам беради.

Шайтонлашга қарши даволашнинг бошланиши. Беморнинг биринчи шайтонлаш хуружидан кейин шайтонлашга қарши даволашни давом этиш ёки этмаслик ҳақида савол туғилади. Беморни даволаш ёки даволамаслик шайтонлаш хуружида педиатриянинг асосий саволларидан бири ҳисобланади. Бир томондан, шифокор кўп ҳолатларда касалликнинг хуружларини аниқ кўринишини назорат қилаолади, иккинчи томондан, узоқ муддат қабул қилинган антиконвульсантларнинг ноҳўя оқибатларини олдини ололмайди.

Кўпчилик педиатрларнинг фикрига кўра, шайтонлашга қарши давони биринчи хуруждан кейин тавсия этишмайди. Биргина шайтонлаш хуружи эпилепсияни ривожланишига туртки бўлсада, бу эпилепсия бошланди дегани эмас. Бир марталик шайтонлаш хуружи турли-хил омиллар таъсирида вужудга келиши мумкин-иситма, метаболик бузилишлар (гипогликемия, гипергликемия, гипокалцемиа, гипомагнемия), уремия, ўткир инфекция, захарланиш ва бошқалар. Бу омилларни аниқланиши хуружларни бартараф этишга ёрдам беради.

Бутун Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) тавсиялари: ЖССТ ва ЮНИСЕФ (2013) тавсияларига кўра шайтонлаш текширилган пайтда шошилинич белгилар мавжудлиги аниқлаш ва керакли даволаш чоралари кўрилади, қон лаборатор текширишга олинади (глюкоза, малярияга суртма, Hb).

Шошилинич ёрдам:

- нафас олишни таъминлаш,
- шайтонлашда ректал йўл билан диазепам ёки паральдегид юбориш,
- болани тўғри ҳолатда ёнбош қилиб ётқизиш.

Шайтонлашда стационар ёрдами кўрсатиш(ЎЗР ССВ 225 буйруғига илова).

Шошилинич ёрдам:

Шошилинич элементлар мавжудлигини текшириш.



Дозани ампуладан туберкулин (шприцга олинг. Дозани бола тана вазнига олинг. Кейин игнани чиқариб олинг.

Шприцни тўғри ичакка 4 см.дан 5 см.гача чуқурликка киритиб эритмани юборинг.

Думбаларни бирлаштирган ҳолда бир неча дақиқа давомида ушлаб туринг.

	Диазепам ректал тарзда 10 мг/2 мл эритма	Паральдегид ректал тарзда
Ёш/вазн	Доза 1 мл/кг	Доза 1 мл/кг
2 ҳафтадан 2 ойгача (<4 кг)	0,3 мг (1,5 мг)	1,0 мл
2-< 4 ойлик (4-<6 кг)	0,5 мл (2,5 мг)	1,6 мл
4-<12 ойлик (6-<10кг)	1,0 мл (5 мг)	2,4 мл
1-<3 ёш (10-<14 кг)	1,25 мл (6,25 мг)	4 мл
3-<5 ёш (14-<19 кг)	1,5 мл (7,5 мг)	5 мл

Агар 10 дақиқадан кейин ҳам шайтонлаш тўхтамаса, диазепамнинг иккинчи дозасини ректал тарзда юборинг ёки в/и системаси бўлса вена орқали (0,05 мл/кг = 0,25 мг/кг) юборинг.

Агар яна 10 дақиқадан сўнг ҳам шайтонлаш хуружи тўхтамаса, диазепамнинг учинчи дозасини беринг ёки паральдегидни ректал тарзда юборинг (ёки фенобарбиталнинг 15 мг/кг дозасини в/и га ёки м/и юборинг).

Препаратни танлаш. Узоқ муддатли шайтонлашга қарши давони белгилашнинг асосий шартлари: бирданига, қайта-қайта хуружларни пайдо бўлиши ҳисобланади. Даволашни бошида бир неча антиконвулсантларни қўллашни четлаштириш керак.

Тарқоқ шайтонлашларда биринчи навбатда препаратлардан вальпроат натрий танланади. Икинчи навбатда – ламотриджин.

Парциал хуружларда препаратлардан биринчи навбатда карбамазепин танланади, иккинчи навбатда – вальпроат натрий, вигабатрин, фенитоин, примидон.

Сўнгги йилларда АҚШ ва Буюк британия, Швеция, Россия ва бошқа мамлакатларда топамакс препарати биринчи навбатда қўлланилмоқда (болаларга - 15 мг/кг/сут).

Биринчи препарат. Ҳозирги кунда шайтонлаш хуружида қўлланиладиган конвулсантларнинг юкори самарали турлари жуда кўп. Биринчи препаратни танлашда кенг спектрли антиконвулсантлар клиник ходимларини қийин аҳволга солиб қўяди.

Баъзи шифокорлар эски антиконвулсантларга диққатини қаратса, бошқалар - кенг рекламали янги препаратларнинг тарафдори. Шифокорнинг билими пастлиги туфайли, бемор ва унинг ота-онаси реклама қурбонларига айланишади. Нотўғри даволаш оқибатида хуруж кетмайди ва даво самарасиз бўлди деган фикр келади. Шундай экан, биринчи препаратни танлашда шифокор кейинги ҳолатларда келиб чиқиши мумкин бўлган хатоларни ҳам инобатга олиши керак.

Неонатал хуружларни даволашда препаратларни танлаш

Танлаш навбати	Препарат мг/кг/суткада	Бошланғич доза мг/кг/сут	Ушлаб турувчи доза мг/кг/сут	Плазмадаги белгиланган концентрация мг/мл
Биринчи	Фенобарбитал	20	5-10	60-80
Иккинчи	Дифенин	10-20	2,5-4	15-25

Магний танқислиги микроэлементози давоси. Аъзоларда магний танқислиги коррекцияси магний препаратларини қўллаш билан олиб борилади.

Магний сульфатнинг 25% эритмаси 0,4 мл/кг вазнга биринчи кунда ҳар 8-12 соатда ва кейинчалик кунига 1 марта. Вена ичига магнийни юбориш жуда хафвли бўлиб гипермагниемия чақиради, нафас ва юрак тўхташи, артериал гипотонияга олиб келади. Вена ичига фақат 2% магний эритмасини томчи усулида юбориш мумкин.

Эсда сақлаш лозимки, гипокальцемик шайтонлашларни даволаш самара бермаганда паратгормон кам ишлаб чиқарилиши натижасида гипокальциемия билан бирга гипомагниемия ривожланган бўлиши ҳам мумкин, шу боис магнезиал даво ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Гипомагниемияда магний препаратларидан тавсия этилади: магне-В6, магнерот, панангин, аспаркам, магния сульфат, маалокс, викалин, викаир, бишофит ва бошқалар.

Панангин 1 таблеткада 158 мг магний ва 140 мг калий сақлайди, 10 мл 1 ампуласида 400 мг магний ва 454 мг калий ёки унинг аналоглари - аспаркам 1 таблеткасида 175 мг магний ва 175 мг калий бор. Суткада 1 таблеткадан 2-3 марта 3-4 ҳафта давомида тавсия қилинади. Йил давомида 3-4 курс даво олиб борилади (бемор аҳволи ва қон зардобиди кальций миқдори ҳисобга олинган ҳолда).

Магнерот (магний оротат) таркибида 500 мг магний оротат (бу 32,8 мг магнийга баробар) кунига 1-2 таблеткадан 2-3 марта 7-10 кун давомида, сўнгра 1 таблеткадан кунига 2 марта буюрилади.

Магний В6 (комбинациялашган препарат, 500 мг магний лактат ва 125 мг пиридоксиндан иборат), 1 таблеткадан кунига 1-2 марта. Пиридоксин (витамин В6) кўпгина метаболик жараёнларда иштирок этади, асаб тизими метаболизмини бошқаради. Витамин В6 магнийни ошқозон ичак йўлидан сўрилишини ва хужайраларга сингишини таъминлайди. Магнийни ичишга қабул қилинганда ичаклардан сўрилиши 50% дан ошмайди, Қабул қилишга кўрсатма: магний етишмаслиги аниқланганда ёки унинг етишмаслиги билан кечадиган шайтонлаш ҳолатлари ва симптомлардан кучли таъсирланиш, уйку бузилиши, ошқозон-ичак спазми, юрак тез уриши, чарчоқ сезилиши, мушаклар спазми ва оғриғида.

Дозаси ва қўллаш усули. Ичиш учун эритма 1 ёшдан ошган болалар учун (тана вазни

10 кгдан юкори) суткалик дозаси 10-30 мг/кг, бу 1-4 ампулага тенг. Суткалик дозаси 2-3 мартага бўлинади. Ампуладаги эритма қабул қилишдан олдин ½ стакан сувда эритилади. Магний В6 препарати билан доволаш магнийнинг қондаги миқдори нормаллашгандан сўнг тўхтатилади.

Магний миқдорининг нормага келиши кальцийнинг нормаллашувига ва гипокальцемиянинг бартараф этилишига олиб келади. Алоҳида, магний препаратларидан ташқари, магний овқат маҳсулотлари, биологик актив қўшимчалар ва поливитамин комплекслари таркибида ҳам мавжуд.

Бизлар томондан ўткир респиратор касаллик оқибатида келиб чиқадиган магний танқислиги шайтонлаш ҳолатларида магне В6 препаратини қўллаш натижалари (1-жадвал) келтирилди [10].

Динамик кузатувлар натижаси шуни кўрсатдики, болалар респиратор касаллигида келиб чиқадиган шайтонлаш синдромида магний В6 препаратини қўллаш қон зардобиди магний миқдорининг ортиши билан бирга клиник томондан ҳам ижобий самара берди, яъни шайтонлаш ҳолатларининг камайиши кузатилди.

1 жадвал.

Эрта ёшли болаларда ўРИ фониди шайтонлаш синдромида қон зардобиди магний миқдори (M±m)

Соғлом болаларда магний (n=10)	Магний миқдори беморларда (n=20)	
	Даволашгача	Даволашдан сўнг
0,954±0,01 ммоль/л	0,63±0,06 ммоль/л*	0.85±0,04, ммоль/л*

*-аниқлик даражаси P<0,05

Фебрил хуружларининг давоси.

Субфебрил шайтонлашнинг ўткир эпизодларини даволашни кейинги қайталанишини олдини олиш ва профилактика чора-тадбирларини умумий стратегиясини ишлаб чиқиш лозим.

Кучли иситмада ЖССТ (2013) тавсиялари:

Иситмани тушириш учун, боланинг баданини юмшоқ мато ёрдамида уй ҳароратидаги сув билан намланг.

Шайтонлаш тўхтамагунча оғиз орқали дори берманг (аспирация хавфи).

Чақалоқларни парвариш қилиш:

Икки ҳафталик чақалоқларни назорат қилиш учун 20 мг/кг дозада фенобарбиталдан (20 мг/мл суюқликда) фойдаланинг.

Тана вазни 2 кг бўлганида бошланғич доза 0,2 мл, агар хуружлар давом этаверса -30 дақиқадан сўнг, яна 0,1 мл беринг.

Тана вазни 3 кг бўлганида бошланғич доза 0,3 мл, агар хуружлар давом этаверса, 30 дақиқадан сўнг яна 0,15 мл беринг.

Фебрил шайтонлашнинг даволаш стратегияси (Knudsen F.U., 1996).

Ўткир фебрил шайтонлаш эпизодларини даволаш: диазепам ва бошқа бензодиазепамлар (лоразепам, клоназепам).

Хуруждан кейинги 24-соат вақт оралиғидаги профилактика:

Диазепам (ректал йўли билан юбориладиган эритма, суппозитория ва перорал) бошқа бензодиазепинлар.

Узоқ муддатли даво – натрий валпроат, фенобарбитал, примидон.

Ўткир фебрил шайтонлаш хуружларини даволаш принциплари.

Биринчи ўринда ота-оналар ва шифокорларга аниқ саволлар қўйилади. Уларнинг асосийларидан бири: нима учун фебрил шайтонлашлар пайдо бўлади, уларни олдиндан билиш, оқибати, такрорланиш эҳтимоли, эпилепсияга ўтиши боланинг соғлигига бўлган таъсири (асосан асаб-руҳий ривожланишига) даволаш тактикаси ва профилактикаси. Биринчи марта шайтонлаш эпизодлари учраганда қоидага кўра ёш ота-оналар психологик тайёр бўлишмайди, ўзларини йўқотиб қўйишади ва нима қилишни билмайдилар.

“Фебрил шайтонлаш” диагнози аниқланганда, шифокор олдидаги биринчи масала – беморга биринчи тез ёрдам кўрсатиш. Профилактика мақсадида ота-онаси билан нима учун шайтонлаш бошланганини аниқлаш керак. Ота-оналар эътиборини аввало фебрил шайтонлашни кечишига қаратишлари керак, яъни ота-оналар фебрил шайтонлаш камдан-кам ҳолларда эпилепсиянинг оғир шаклига ўтишини тушунишлари керак. Бундан ташқари, улар фебрил шайтонлашни қайта такрорланиши мумкинлигини ва буни олдиндан кўрабила олиш мумкин эмаслигини билишлари шарт. Фебрил шайтонлашни умуман бартараф этишни иложи йўқ. Шунинг учунота – оналарни биринчи тез тиббий ёрдам беришга ўргатиш керак.

Fukuyama Y. et al. (1996) томонидан фебрил шайтонлашларда биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича ота – оналар учун махсус тавсиялар тавсия этилган:

- саросимага тушмаслик, ўзини хотиржам тутиш;
- ёқани ва қисиб турувчи кийимларни бўшатиш;
- болани ётқизиш ва бошини ёмбошга қилиб қўйиш;
- жағини қаттиқ нарса ёрдамида очишга ҳаракат қилмаслик;
- тана ҳароратини ўлчаш;
- хуружни кечишини эътибор билан кузатиш;
- ичишгаҳеч қандай дори ва суюқлик бермаслик;
- хуруж тўхтаганча бола ёнидан кетмаслик.

Хуруж юқори иситма билан кечишига қарамасдан организмни ортиқча совқотишдан сақлаш керак. Клиник малакалар шуни тақазо қиладики, совуқ ҳароратли ванналар, спирт билан артиш ва вентиляторларни қўллаш, ҳеч қандай самара бермайди ва баъзан ноқулайликларни келтириб чиқаради, хуружнинг кечишига ёмон таъсир этади. Бу ўз навбатида ҳароратнинг пасайиб кетиши, организмда метаболик бузилишларни келтириб чиқариши билан боғлиқ. Бу эса инфекцияга бўлган жавоб реакцияси билан боғлиқ бўлган иккиламчи ҳолат.

Болани қайси ҳолатларда зудлик билан шифокорга кўрсатиш кераклигини ота-она билиши керак (Fukuyama Y. et al. 1996):

- фебрил хуружларининг давомийлиги 10 дақиқадан кўп бўлганда;
- фебрил хуружлари такрорланишлари орасидаги муддатда ҳам боланинг эс-хуши ўзида бўлмаса;
- 6 ойдан кичик бўлган болаларда биринчи фебрил хуружининг эпизоди намоён бўлганда;
- неврологик симптомлар мавжудлиги (узоқ муддат эс-хушида бўлмаслиги, хуруждан кейинги фалажлик).

Фебрил хуружларининг даволаш давомийлиги.

Ҳозирги кунда фенобарбитал, примидон ва натрий валпроат препаратлари самарали деб топилган.

Фенобарбитал. Фебрил хуружининг қайталанишини олдини олиш мақсадида фенобарбитал билан даволаш давомийлиги ҳамиша тўғри деб топилмайди. Бундан ташқари фенобарбитал билан узоқ муддат даволаниш оқибатида, унинг ножўя таъсирлари (20%гача) кузатилган. Кўп ҳолларда фенобарбитал препарати қуйидаги ножўя таъсирларни келтириб чиқаради: жиззакилик, диққатнинг бузилиши, кўп ҳаракатчанлик, агрессивлик, хотиранинг пасайиши ва ҳ.к.

Примидон. Herranz J.L. et.al. (1984) маълумотида кура, фебрил хуружи билан касал бўлган беморларнинг 88%га примидон самара берган, фенобарбитал эса – 80% беморларга. Аммо муаллиф иккала препаратнинг ҳам ножўя таъсирларини юқори %ларда кузатган (уйқучанлик, кўп ҳаракатчанлик, таъсирчанликнинг ошиши): примидон – 77%, фенобарбитал – 53%.

Натрий валпроат. Фебрил хуружларини қайталанишларини олдини олиш бўйича натрий валпроат фенобарбитал ва примидонга нисбаттан самаралироқ ҳисобланади. Фенобарбиталдан фарқли ўлароқ натрий валпроат ҳаракатга ножўя таъсир этмайди, лекин кўпинча гепатотоксик таъсир кўрсатади ва овқат ҳазм қилиш системасида (гастритлар, га-

строэнтеритлар, колитлар), ошқозон ости безида ҳар хил бузилишларни келтириб чиқаради. Алопеция ривожланиши ҳам мумкин.

Профилактика чоралари иситма туширувчи препаратлар ва антиконвулсантларни ўз ичига олади.

Антипиретиклар. Антипиретиклар фебрил хуружларини олдини олишда қўлланилиши керак.

Антиконвулсантлар. Диазепам, ректал йўл билан юбориш учун. Ректал йўл билан препарат дозаси 0,2-0,5 мг/кг ни ташкил этади. Ректал йўл орқали юборилганда, диазепам плазмада 15 дақиқадан кейин юқори чўққига етади, шамчаларда эса, 20-60 дақиқадан кейин. Диазепамни қўлланилишида уни ножўя таъсирлари кўп бўлмагани билан, лекин ҳар хил тошмалар, уйқучанлик ва ҳаракатни бузилиши, каби дисфункциялар келиб чиқиши мумкин. Диазепамнинг жиддий токсик таъсирлари камдан-кам ҳолларда бўлиши мумкин.

Препаратни ўлчов миқдорини (дозасини) танлаш ва ундаги ўзгаришларнинг кетма-кетлиги.

Антиконвулсантлар дозасини танлашда уларнинг фармакокинетик хусусиятларини турли хил ёшдаги даврларда ҳисобга олиш лозим. Кўкрак ёшидаги болаларда препаратларни ошқозон-ичак йўлидан кам сўрилиши, плазма оксили билан антиконвулсантларни етарли боғлай олмаслиги ва жигарнинг антифермент тизими етилмаслиги, жигарнинг билиар экскретор фаолияти етишмаслиги ҳисобига препаратнинг узоқ муддат организмдан ажралиб чиқиши хос.

Антиконвулсантларнинг педиатрик дозалари (Duncan J. S. et.al., 1995).

Препарат	Дозаси (мг/кг/сут)	Бир кунлик тавсия қилинади
Вальпроат натрий (депакин, конвулекс)	15-60	2-3 марта
Карбамазепин (финлепсин, тегретол)	15-30	1-4 марта
Фенобарбитал	4-10	1-2 марта
Фенитоин (дифенин)	3-15	1-2 марта
Этосуксимид	30	1-2 марта
Клоназепам (антелепсин, ривотрил)	0,1-0,2	2 марта
Диазепам	0,5-1,0	1-3 марта
Нитразепам	0,5-1,0	1-3 марта
Паральдегид	200	1-2 марта
Ламотриджин (ламиктал)	0,2-5	1-2 марта
Примидон	20	1-3 марта
Вигабатрин	40-100	1-2 марта
Этосуксимид (суксилеп)	15-35	1-2 марта

Даволаш қоида бўйича, минимал дозадан бошланиб (1/4-1/3 терапевтик доза) аста-секин терапевтик дозага етгунча кўтарилади. Препаратнинг максимал дозасига етганда ҳам шайтонлаш хуружлари тўхтамаса, иккинчи танлов препарати буюрилади. Бундай пайтда биринчи танловдаги препаратлар аста-секин бекор қилинади. Ҳар бир ҳолатда ўтказилаётган муолажаларни асослилигини ота-оналарга тушинтириш керак. Агар ҳар хил антиконвулсантларни катта дозада монотерапиясини кетма-кет қўллаганда, хуружлар кетмаса, ҳақиқий доривор резистентлик бўлади.

Препаратнинг самарадорлигини таъминлашда препаратни оптимал дозасини (ўлчов миқдорини) танлаш принципиал аҳамиятга эга. Турли ёшдаги даврларда шайтонлашга қарши препаратларни фармакокинетик хусусиятларини ҳисобга олиш керак. Янги туғилган чақалоқларда антиконвулсантлар перорал қўлланилиши, ошқозон-ичак трактида сўрилиш етарлича бўлмаганлиги натижасида самарадорлиги пасайиши мумкин. Шунингдек, янги туғилган чақалоқларда антиконвулсантларни метаболизмга таъсир этувчи омиллардан бири полиморфик тузилишнинг цитохром Р-450 жигар оксидаза етишмовчилиги, жигарда билиар экскрециянинг етишмовчилиги, УДФ-глюкуронил-трансфераза етишмовчилиги ҳисобланади. Кичик ёшдаги болаларда антиконвулсантларни плазма оксили билан

боғланиш етишмовчилиги ва препаратнинг организмдан узоқ муддатли чиқиши кузатилади.

Шайтонлашга қарши ўтказиладиган даво схемаси (моно-, политерапия).

Даволашни бошлашда дастлаб антиконвульсантлар комбинациясидан сақланиш лозим. Моно усулда даволашнинг поли даволашга нисбатан афзалликлари куйидагича:

- Юқори клиник самара,
- Кам ножўя таъсирга эга,
- Антиконвульсантлар ўзаро нохуш фармакокинетик таъсири йўқлиги.

Агарда турли хил антиконвульсив препаратларни навбат билан юқори дозада қўлланилганда хуруж бартараф этилмаса, ҳақиқий дорининг юқори резистентлиги ҳақида сўз боради. дорининг ҳақиқий юқори резистентликда бўлиши турли хил антиконвульсив препаратлар комбинациясини қўллаш учун асос бўлади. Препарат дозасини танлаш стационар шароитида амалга оширилиши лозим!

Антиконвульсантларга резистентликни детерминациялайдиган (аниқлайдиган) омиллар куйидагилардан иборат:

- Шайтонлашнинг илк дебюти;
- Шайтонлаш пароксизмларининг қайта-қайта такрорланиши;
- Мураккаб парциал хуружлар;
- Беморда шайтонлаш пароксизмларининг бир неча тури борлиги;
- Интеллектни пасайиши;
- Мия дискенезияси.

Шуни таъкидлаш керакки, баъзи ҳолатларда антиконвульсант терапия ноадекват (хар-хил) ўтказганда, антиконвульсантларга нисбатан псевдорезистентлик кузатилади. Псевдорезистентликни шаклланишига олиб келадиган асосий ятроген хатолар шулардан иборат: хуруж турига мос келмайдиган препаратларни қўллаш, кучи конвульсант таъсири таъминламайдиган паст дозани қўллаш, препаратларни фармакокинетик ўзаро таъсирини ҳисобга олмасдан, бир нечта препаратни асосиз тавсия этиш. Ҳақиқий доривор резистентликни борлиги, политерапияни тавсия этишга кўрсатма бўла олади, яъни антиконвульсантларни хар-хил комбинациялаш мумкин бўлади.

Антиконвульсант комбинациясини тавсия қилганда куйидаги асосий принципларга амал қилиш керак:

- Политерапияни, фақат ҳақиқий доривор резистентлик бўлса, қўллаш;
- Билиш функцияларига негатив таъсир этувчи ва седатив таъсири бор препаратлар комбинациясидан эҳтиёт бўлмоқ;
- Бўлиши мумкин бўлган фармакокинетик ўзаро таъсирдан сақланмоқ.

Узоқ антиконвульсант терапиянинг асосий шарти фармакокинетик назоратдир. Қон плазмасида антиконвульсант концентрациясини аниқлаш препаратнинг аниқ дозасини тиклашга йўл беради ва ножўя таъсирдан сақлайди. Антиконвульсантлар комбинациясини қўллаганда, препаратларни ўзаро таъсир қилиш ҳолати кузатилиши мумкин. Бунда, баъзи ҳолатларда терапевтик самарадорлиги пасаяди.

Врач-педиатрлар антиконвульсантлар ва бошқа гуруҳ препаратлари ўртасида ўзаро ножўя таъсирлари бўлишини ҳисобга олишлари керак, антиконвульсантларни таъсири билан у гуруҳ препаратларини концентрацияси пасаяди. Кўпгина антиконвульсантлар қон плазмасида, теofilлин, дигоксин, антикоагулянтлар ва баъзи бир антибиотикларни (доксциклин) концентрацияларини пасайтиради.

Шайтонлашга қарши узоқ муддатли терапиянинг лаборатор назорати ўз ичига махсус биохимик текширувлар – қоннинг клиник таҳлили, жигар трансaminaз активлиги, қонда холестерин ва липид миқдори, ишқор ва тузларни мутаносиблигини олади.

Антиконвульсантларни қон тизими, жигар функциясига негатив таъсири берилган тестларни ўтказишда кўрсатма бўлаолади. Бунинг натижасида лейко- ва тромбоцитопения, анемия, жигар трансaminaза фаоллигини ошиши, ишқор ва тузларнинг мувозанатини силжиши кузатилади. Умумий ва махсус биохимик тестларни антиконвульсант терапиясидан

олдин ва ҳар икки ойда бир маротаба ўтказилиши тавсия этилади.

Ножўя таъсири. Шайтонлашга қарши препаратларни ножўя таъсирлари – идиосинкрязия, дозага муҳтож ва сурункали эффектларга бўлинади. Идиосинкрязия, у ёки бу препаратларнинг кучини индивидуал кўтаролмасиги натижасида келиб чиқади.

Дозага муҳтож эффектлар препаратнинг юқори дозалигидан ва қондаги токсик концентрациясидан иборатдир. Шайтонлашга қарши бўлган препаратларни узоқ муддат қабул қилганда, ундан сурункали ножўя таъсирлар келиб чиқади. Ножўя таъсирларнинг диққатга тортадиганидан бири – идиосинкрязиялардир. Улар жиддий асоратларга ва баъзан ўлимга ҳам олиб келиши мумкин (ўткир жигар етишмовчилиги).

Агарда шайтонлаш хуружи 60 минутдан ортиқ давом этса, ёки 120 минут ичида 2 мартадан кўп хуруж кузатилса, унда мия шиши профилактикаси ўтказилади:

- маннитол;
- лазикс;
- дексаметазон;
- реополиглюкин;
- контрикал.

Шайтонлашга қарши препаратларни бекор қилиниши.

Кўпгина беморлар ва уларнинг ота-оналари, ремиссияга етишгач, даводан сўнг бир неча ойдан кейин, врачларга яна қанча вақт антиконвулсантлар билан даволаниш керак, бу препаратлардан қутилиш вқкти келадими ўзи, узоқ муддатли терапиянинг оқибатлари қанақа, бемор ўзича дориларни қабул қилишни тўхтатса нима бўлади, деган саволлар билан мурожаат қилишлари табиий ҳол. Бу саволларни ҳал қилишда қуйидаги фактлар эътиборга олинадилар: шайтонлаш ҳолатининг хусусиятлари, касалликнинг илк ёши, пароксизмлар такрорланиши, ЭЭГнинг ўзгариш характерлари, асаб-пруҳий ҳолатнинг сақланиши. Шайтонлашга қарши терапиянинг асосий мезони пароксизмларни йўқлигидир. Фебрил шайтонлашда, агарда терапия узоқ муддатга буюрилган бўлса ва 2-3 йил давомида фебрил ва афебрил хуружлари қайтарилмаган бўлса, антиконвулсант қабулини тўхтатиш мумкин. Инфекциялар, бош мия шикасланиши, наркотик препаратларни қабул қилганда пайдо бўладиган шайтонлашларда ҳам антиконвулсантларни тўхтатилиши 3-5 ой давомида шайтонлаш пароксизмлари кузатилмаса, ўтказилади. Сурункали шайтонлаш хуружларини даволашда антиконвулсант қабул қилишдан ташқари медикаментоз бўлмаган даволаш усуллари ҳам мавжуд. Масалан, кетоген парҳез сақлаш.

Кетоген парҳез.

Юқорида айтиб ўтилганидек, симптоматик шайтонлаш хуружларининг такрорий давом этиши охир оқибатда эпилепсияга ўтиш эҳтимолини оширади ва узоқ муддат даволашни талаб этади. Сўнгги ўн йилларда шайтонлаш хуружларини даволашда клиник ва экспериментал илмий тадқиқотлар олиб борилишига қарамадан қисман беморларда хуружлар давом этиши ўзгаришсиз қолмоқда. Бунинг заминида сабаблари жуда кўплиги, бош миянинг мураккаб ва хилма-хиллиги билан боғлиқлиги ётади. Бундай қийин масаланинг ечимини тушунтиришнинг бирдан бир йўли шуки, скрининг текшириш жараёни асосан аберрант нейронга билвосита фокусланади, плазма мембранаси, ион каналлари ва ҳосилаларига боғланади [13]. Бундай скринингни глиал ҳужайралар қабул қилмайди, ферментларга ва нормал ҳужайра метаболизми ва гомеостаз субстратлари учун масъул кўшимча ҳисобланади. Кенг миқёсида мия метаболизмини даволашга қаратилган экспериментал қизиқиш уйғотади, бу кетоген парҳезли даво, юқори ёғ ва паст углеводли овқатланишга асосланган ушбу даво усули асрлар давомида даволаш мумкин бўлмаган шайтонлашларни бартараф этишда кўл келган ва унинг асосида жигарнинг кетон таначалари ишлаб чиқариш билан боғлиқ хусусияти ётади. Кетоген парҳезнинг таъсир механизми тўлалигича аниқланмаган бўлсада, метаболик субстратлар (балки ферментларнинг ошиши) клиник устунликни тасдиқлаши исботлаши мумкин.

Педиатрлар ва шу қаторда олимлар лактат дегидрогеназани касаллик ва тўқималар

зарарланиши белгиси сифатида доимо учрайдиган фермент деб ҳисоблайдилар.

Лактатдегидрогеназа лактат ва пуриватни интерконверсив катализаторга учратади, иккинчидан бу глюколизнинг охирги маҳсулотидир. Лактат турли хил тўқималарни энергия билан таъминловчи сифатида фақат аэроб ҳолатда ишлатилади, у ҳужайра гомеостази учун талаб қилинган оксидланиш ва глюконеогенез субстратларни таъминлайди. Бош миёда лактат миё метаболизми ва маҳаллий аэробик глюколиз билан таъминлайди ёки периферик циркуляция учун асосий энергия манбаи бўлиб хизмат қилади. Бош миё метаболизмининг етакчи концепцияси лактат жойидан силжишнинг астроцит нейрон гипотезаси ҳисобланади, буни исботи шундаки, астроцитлар лактат синтезида иштирок этади, сўнгра метаболит субстрат сифатида кўшни нейронга физиологик ва патологик ҳолатларда ўтказилади. Сада Н. ва унинг ҳамкорлари [15] яқинда хабар бердиларки, шайтонлаш бартаараф этилиши мумкин, қачонки ЛДГ фаолияти тўхтатилса.

Шундан келиб чиқиб, метаболит усулни қўллаш шайтонлашни бартаараф этиш учун бош омил саналади.

Биокимёвий метаболит жараёнларни амалиётда қўллаш глюколиздан ёғ кислоталари оксидланишигача силжишни тизимли кетозга олиб келувчи кетоген парҳез орқали амалга ошириш мумкинлиги Сада Н. ва бошқалар томонидан олиб борилган кузатувларда ўз аксини топди, аниқландики, субталамик ядро ва қора моддадан емирилган миё қаватларида нейронлар гиперполяризацияси содир бўлади, қачонки оптимал муҳитда глюкозадан кетонга айланади.

Амалиётдаги врачлар каби олимлар ҳам бир фикрдаларки, лактатдегидрогеназа глюколизнинг охирги маҳсулоти бўлган лактат ва пуриват интерконверсиясини катализга учратади. Лактат аэроб ҳолатда турли хил тўқималар томонидан ёнилғи сифатида ишлатилади: у тўқима гомеостази учун талаб қилинган оксидловчи ва глюконеоген субстратларни таъминлайди. Бош миёда лактат миё метаболизми учун асосий ёнилғи манбаи ҳисобланади ва аэробик гликолиз ёки периферик циркуляция орқали маҳаллий таъминлайди. Бош миё метаболизми бош концепцияси лактатнинг ҳаракатланувчи астроцит нейрон гипотезаси ҳисобланади, буни тасдиғи шуки, астроцит лактатни синтезлайди, сўнгра метаболит субстрат сифатида физиологик ва патологик ҳолатларда нейронларга ўтказилади. Бундай ҳолатларда Сада ва унинг ҳамкасблари яқинда хабар қилишларича, шайтонлашлар ва тутқаноқ фаоллигини сўндириш ЛДГ фаолиятининг тўхтатилиши эвазига эришиш мумкин, шундай қилиб шайтонлашни бартаараф этиш учун бош метаболит усул қўлланилади.

Глюколиздан ёғ кислоталаригача биокимёвий жараёнини чақирувчи кетоген парҳез (тизимли кетозга олиб келувчи), Сада ва бошқалар субталамик ядро ва қора моддадан миё қаватлари емирилишида нейронларнинг тўлиқ гиперполяризациясини кузатдилар, бунда глюкозадан кетонлар ҳосил бўлишида мўътадил муҳит қўшилади.

Кетоген парҳез – бу ўз ичига 1-суткада 1кг кўп миқдордаги ёғлар, оксил ва унча кўп бўлмаган миқдорда углеводородни оладиган парҳездир. Кетоген парҳезда калорияларнинг асосий манбаи ёғлардир (87%), камроқ даражада - оксиллар (7.5%) ва углеводлар (6%). Кетоген парҳезни буюриш кетоз ва ацидоз ривожланишига имкон туғдиради. Кетонемия ва антидермияни керакли (зарур) даражасига етиш учун ёғлар ва углеводларни 3:1 ўзаро нисбати муҳим аҳамиятга эгадир. Шайтонлашларни даволашда кетоген парҳез сақлаш кўп йиллардан буён тавсия этилаётган бўлсада (1921 –йил биринчи марта тавсия этилган), таъсир механизми аниқланмаган. Кетоген парҳез баъзи бир ҳолатларда эпилепсиянинг резистент ва антиконвулсант шаклларида – инфантил спазмлар, Леннокс-Гасто синдромларида ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Кетоген парҳезни педиатрия амалиётида қўллаш ҳақида етарлича илмий маълумотларга эга эмасмиз, зеро эрта ёшли болалик давридан уни қўллаш зарурати мавжуд ва ўйлашмики келгусида бу борада тадқиқот ишлари олиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абу Али Ибн Сино. Тиб қонунлари. 2 жилд. Тошкент. 1993.23–37 б.
2. Барашнев Ю.И. Перинатальная неврология. – М.: Триада-Х, 2001 г. – С. 497-518.
3. Болаларга стационар ёрдами кўрсатиш. ЖССТ томонидан ишлаб чиқилган ўқув курси. Тошкент. 2013.
4. Коровина Н.А., Заплатников А.Л. и др. Фебрильные судороги и рациональное применение жаропонижающих лекарственных средств у детей. // Вопросы современной педиатрии. – 2004. – т. 3. – № 5. С. 112-117.
5. Неонатальная неврология. Под редакцией В.М.Студеникина и Ш.Ш.Шамансурова //коллективная монография. Москва, 2014.
6. Расулов С.К. и др.. Ранняя диагностика магнийдефицитного микроэлементоза у детей. Инфекция, иммунитет и фармакология. №5. 2014 С.141-146
7. Расулов С.К., Саломов И.Т. Судорожные состояния у детей, обусловленные дефицитом микроэлементов. Методические рекомендации. Ташкент. 2008. 30 с.
8. Стационарное интегрированное ведение болезней детского возраста(ИВБДВ). Руководство для педагогов. Ташкент. 2014. 34 с.
9. Современная терапия в неонатологии: Справочник / Под ред. Н.П.Шабалова. – М.: МЕД пресс, 2000. – С.31-33.
10. Шабалов Н.П. Неонатология. Том 1. Москва..2004. 607 с.
11. Шомансуров Ш.Ш., Гулямова Д.Н. Болаларда шайтонлаш хуружлари.Тошкент.2005. 103 б.
12. Церегородцев А.Д., Таболик В.А. Руководство по фармакотерапии в педиатрии и детской хирургии. Клиническая генетика. Москва. 2002.232 с.
13. Jong M. Rho, M.D. Inhibition of Lactate Dehydrogenase to Treat Epilepsy. The New England Journal of Medicine. 2015. V.9. P.187-189.Guerrini R., Arzimanoqlou A., Brauwer O. Rationale for treating epilepsi in children. Epileptic Disorders; 2002; V.4; Suppl.2; p. 9-21.
14. Rosenow F., Arzimanoqlou A., Baulac M. Recent developmens in of status epilepticus: A review. Epileptic Disorders; 2002; V.4; Suppl.2; p. 41-51.
15. Sada N. Lee S. Katsu T. Orsuki T. Innue T. Epilepsi treament targeting LDH enzyn with a stffripental analog to treat epilepsy. Science. 2015;347;1362-7.

ТИЗИМЛИ СКЛЕРОДЕРМИЯНИНГ ЭРТА ТАШҲИСОТИ**М. М. Саидова, Ю. С. Ҳамроева**

Бухоро давлат тиббиёт институти, Бухоро, Ўзбекистон

Таянч сўзлар: тизимли склеродермия, ташҳис, Рейно синдроми, склеродактилия.**Ключевые слова:** системная склеродермия, диагностика, синдром Рейно, склеродактилия.**Key words:** systemic scleroderma, diagnosis, Raynaud's syndrome, sclerodactyly.**РАННЯЯ ДИАГНОСТИКА СИСТЕМНОЙ СКЛЕРОДЕРМИИ****М. М. Саидова, Ю. С. Ҳамроева**

Бухарский государственный медицинский институт, Бухара, Узбекистан

EARLY DIAGNOSIS OF SYSTEMIC SCLERODERMA**M. M. Saidova, Yu. S. Hamroyeva**

Bukhara state medical institute, Bukhara, Uzbekistan

Тизимли склеродермия (ТСД) – умумий микроангиопатия шунингдек тери ва ички органларда фиброз жараёнларнинг фаоллашишига асосланган аутоиммун касалликдир. Дастлабки босқичларда касаллик ўзини бармоқлардаги қаттиқ шиш ва Рейно синдроми кўринишидаги тери ўзгаришлари билан намоён қилади, аммо бемор умумий аҳволининг ёмонлашиши ёки ички органларнинг шикастланиш белгилари (дисфагия, нафас қисилиши ва бошқалар) намоён бўлмаслиги мумкин, шунинг учун беморлар кўпинча шифокорга эрта мурожаат қилмайдилар. Шу муносабат билан, тизимли склеродермия касаллигига кўпинча органларда қайтмас патологик ўзгаришлар вужудга келгандан сўнг ва даволаниш самарасиз бўлгач, кечикиб ташҳис қўйилади. Канада тадқиқотчилари берган маълумотларига кўра, 408 нафар беморда тизимли склеродермия ташҳиси Рейно синдроми ривожлангандан 6,0 йил ўтгач ва бирламчи “тери намоёндалари” пайдо бўлганидан 2,7 йил ўтгач аниқланган [21]. Россияда тизимли склеродермия касаллигига Рейно синдромидан 2,0-2,7 йил ўтгач, касалликнинг диффуз ва чекланган шаклларида эса 4,8-6,5 йил ўтгач ташҳис қўйилган бўлиб, бу ички органларга турли хил шикастланишлар даражаси, шунингдек касалликнинг ривожланиш тезлиги билан боғлиқ [1]. Шу билан биргаликда, йирик тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, мазкур касаллик билан беморларнинг ўлим даражаси йилига 1000 бемордан 68 тани ташкил этади [36]. Шундай қилиб, тизимли склеродермияни ўз вақтида ташҳислаш шифокор учун мураккаб, аммо жуда муҳим вазифадир.

Ҳозирги вақтда тизимли склеродермия касаллиги EUSTAR (European League Against Rheumatism Scleroderma Trials and Research Group) лойиҳаси доирасида фаол ўрганилмоқда [31].

Эпидемиология ва хавф омиллари. Тизимли склеродермия касаллиги билан аёллар эркакларга нисбатан кўпроқ касалланадилар (3:1); беморларнинг аксарияти 25 ёшдан 50 ёшгача бўлган кишилардир. Касалликнинг учраш даражаси турли ҳудудларда фарқ қилади. Шимолий Европа ва Японияда касалликнинг учраши йилига 1 миллион аҳолига 10 дан кам, Жанубий Европа, Шимолий Америка ва Австралияда эса йилига 1 миллион аҳолига 14-21 га етади [11]. Афро-америкаликлар, Америка хиндулари, австралияликлар, японияликлар орасида касалликнинг тарқалиши европалликлар ва АҚШнинг оқ танли аҳолисидан юқоридир [29].

Тизимли склеродермия касаллиги ривожланиш хавфини оширишда, иммун тизими фаолиятини тартибга солишда иштирок этувчи бир қанча генларнинг таъсири аниқланган бўлиб, улар қуйидагилар BANK1, C8orf13-BLK, IL-23R, IRF5, STAT4, TBX21 ва TNFSF4 [7]. Шунингдек, потенциал эпигенетик механизмлар ва атроф-муҳит омилларининг ўрни, жумладан, кремний чанги, органик эритувчилар, дорилар (блеомицин, карбидоплар ва бошқалар), пестицидлар, индов ёғи, кокаин [25].

ТСД нинг этиологияси тўлиқ ўрганилмаган. Касалликнинг ривожланиши салбий экзоген ва эндоген омиллар таъсири билан биргаликда генетик мойиллик туфайли юзага келиши мумкин. ТСД нинг пайдо бўлишини инфекцион, кимёвий воситалар, стресс, нейроэндокрин силжишлар, травма, тебраниш, совутиш ва бошқалар каби турли хил кўзгатувчи омиллар билан боғлашга ҳаракат қилинган бир қанча маълумотлар мавжуд.

Касалликнинг патогенезида фибробластлар ва қон-томир деворининг силлиқ мушак хужайралари функцияси бузилганлиги сабабли I ва III турдаги коллаген метаболизи ва бириктирувчи тўқималарнинг бошқа таркибий қисмлари асосий аҳамиятга эга. Вазоконструктор стимуляцияси (совуқ, ҳис-туйғулар, тромбоксан А2, серотонин) томирларнинг янада торайишига ва тери ва ички органларда Рейно феноменининг шаклланишига олиб келади. Буйрак томирларининг шикастланиши ренин-ангиотензин тизимини стимуляция қилади ва вазоконструкциянинг шаклланишига олиб келади. Фаоллашган тромбоцитлар қон томирларининг ўтказувчанлигини оширувчи омилларни ва прокоагулянт омилларни чиқаради. Тўқималарнинг фибрози интерстициал шиш ҳисобига фибробластларнинг таъсирланиши натижаси ҳисобланади.

Клиника. ТСД нинг иккита асосий шакли мавжуд - тарқоқ ва чекланган. Чекланган шаклда терининг қаттиқлашиши тирсак ва тизза бўғимларидан дистал соҳада жойлашган бўлса, диффуз шаклида эса магистрал соҳада яъни танада ва елкада терининг ўзгариши аниқланиши мумкин (юзнинг териси шикастланиши иккала шаклда ҳам учрайди). Касалликнинг икки шакли ўртасидаги фарқлар тери жараёнининг тарқалиши билан чегараланмайди, балки диффуз шакл ички органларнинг тез-тез зарарланиши ва касалликнинг тезроқ ривожланиши билан ҳам тавсифланади. Агар касалликнинг диффуз шаклида 10 йиллик омон қолиш даражаси 65% бўлса, чекланган шаклида бу кўрсаткич 92% га этади [9].

Рейно феномени. Рейно феномени тизимли склеродермия бўлган беморларнинг 95% да учрайди ва одатда касалликнинг биринчи белгиси бўлиб келади [19]. Клиник жиҳатдан у икки ёки баъзан уч босқичга эга – совуқ таъсирида ривожланиб борадиган бармоқлар терисининг оқариши, цианоз ва қизариш шунингдек, оғриқ билан бирга келиши мумкин [13]. Бирламчи Рейно синдромининг, ТСД даги Рейно феноменидан фарқи, унда тирноқ асосининг видео-капилляроскопиясида ўзгаришлар, антинуклеар антитаналар, ишемик тўқима шикастланишининг белгилари (гангрена, ярачалар, чандиқлар) аниқланмайди ва ЭЧТ кўрсаткичи нормада бўлади [41].

Тери зарарланиши. ТСДнинг яна бир белгиси – уч босқичда ривожланаётган тери зарарланишидир: шиш (масалан, қўлларнинг қаттиқ шишиши), зичлашиш (масалан, склеродактилия), атрофия. Биринчи босқичда тери ва тўқималарнинг эластиклигининг камайиши ва зич шиш кузатилади, кейинчалик "склеродерма" ҳосил бўлади ва атрофия босқичида тери нозиклашади ва цианотик-жигарранг тусга киради, ўзига хос ярқираш пайдо бўлади, сочлар тўқилади [8]. "Кисет" белгиси (оғиз атрофидаги радиал бурмалар) (1-расм) ва телеангиоэктазиялар сонининг кўпайиши кузатилади [16]. Микроваскуляр томирларнинг шикастланиши натижасида терининг ишемик шикастланиши тез-тез учраб туради ва натижада бармоқларнинг дистал фалангасида яралар "каламуш чишлаши" каби, камроқ ҳолларда эса қуруқ некроз ёки гангрена кўринишида намоён бўлади [22]. Шу билан биргаликда гипо - ва гиперпигментация, тери калцинози каби бошқа ТСД га хос тери жароҳатланиш белгилари мавжуд [10].

Ички органларнинг зарарланиши. ТСД билан касалланган беморларнинг аксариятида (70-98%) ошқозон-ичак трактининг зарарланиши, хусусан, қизилўнгачнинг гипотонияси ривожланади, бу дисфагия ва гастро-эзофагеал рефлюкс билан намоён бўлади. Мальабсорбция синдромининг ривожланиши ва химус ҳаракатининг секинлашиши фонида патоген флоранинг ортиқча ўсиши, шунингдек, йўғон ичакнинг шикастланиши (диарея, нажасни ушлаб туриш) каби белгилар ривожланади [35]. Маҳаллий тадқиқотлар натижасида гастроэзофагеал рефлюкс ва ўпка фиброзининг оғирлиги ўртасида боғлиқлик мавжудлиги

аниқланган [4].

Кардиоваскуляр патология ва унга алоқадор асоратлар (инфаркт, инсулт, тўсатдан коронар ўлим) диагностика ва даволаш усуллари узлуксиз такомиллаштиришга қарамасдан, аутоиммун ревматик касалликларда эрта ўлимнинг энг кўп учрайдиган сабабларидан биридир. ТСД касаллигида юракнинг зарарланиши 15-35% ҳолларда учрайди [33] ва юрак етишмовчилиги, ритм бузилишлари, оғрик синдроми [2] билан намоён бўлади. Камдан кам ҳолларда, митрал юрак етишмовчилиги шу жумладан митрал стеноз ривожланади [23]. ТСД касаллигида юракнинг бирламчи зарарланиши асосан миокард, перикард ва юрак клапанларида содир бўладиган ўзгаришлар билан кечиши мумкин. Баъзи ҳолларда эса, ТСД билан касалланган беморларда юракнинг зарарланиши ўткир склеродермик буйрак ва ўпка артериал гипертензиядан кейин, иккиламчи тарзда ривожланади. ТСДда васкулопатия микроциркуляциянинг прогрессив ҳолатда қайта тузилиши билан ажралиб туради, бу эса турли юрак-қон томир зарарланиш белгиларининг ривожланишига олиб келади. ТСДга хос бўлган эндотелиал дисфункция ва ТСДдаги гемореологик бузилишлар атеросклерознинг эрта ривожланиши учун хавф омиллари бўлиб хизмат қилади. Бир неча муаллифлар ТСД ва атеросклерозда қон томир зарарланишида умумий патогенетик механизм мавжудлиги [30] ва бу жараён ТСД касаллигида миокарднинг турли кўринишдаги макро ва микроваскуляр зарарланишларига олиб келиши ҳақида тахмин қиладилар [27].

ТСДнинг асосий кўринишларидан бири қон томир зарарланишидир шунингдек, тери ва ички органларнинг морфологик текширувида ушбу беморларда ангиопатия белгилари (вазопатия, васкулопатия) барча ҳолларда қайд этилади [32]. Булар бармоқ фалангаларининг некрози, дигитал артерит, гломеруляр капиллярлари ва артериоллардаги ўзгаришлар билан сурункали буйрак касаллиги, уйқу ва коронар артериаларнинг зарарланиши кўринишларида намоён бўлади. Маълумки, ТСДдаги ангиопатия органларнинг ишемияси билан микроциркуляциянинг бузилишига олиб келади [39].

Касалликнинг дастлабки йилларида беморларнинг тахминан 75 %ида ўпканинг интерстициал зарарланиши аниқланади, улар аста-секин ривожланиб боради ва турли хил оғирликдаги ўпка фиброзига олиб келади [14]. Л.В.Теплова ва бошқалар юқори аниқликдаги компьютер томографияси ёрдамида ТСД билан касалланган 138 беморнинг 82 фоизидида ўпка интерстициал зарарланиш белгилари мавжудлигини аниқлаганлар [6]. ТСД баъзан оғир бўлган ўпка артериал гипертензияси (ЎАГ) ривожланиши билан тавсифланади. Охирги маълумотларга кўра, ТСД билан оғриган 132 бемордан 60 нафари ўртача 4 йил ичида ўпка гипертензияси асоратидан вафот этган. ЎАГ ташҳиси кўйилган пайтдан бошлаб омон қолиш атиги 4 (2.2-6.2) йилни ташкил этганлиги маълумдир [26]. ТСД билан оғриган беморларда ўпка гипертензияси куйидаги ҳолатлардан келиб чиқиши мумкин: ЎАГ (шу жумладан томир деворидаги коллаген бирикмаси ҳисобига), ўпка венаси-окклюзив касаллиги ва ўпка капилляр гемангиоматози, чап қоринча дисфункцияси, гипоксемия билан ўпканинг зарарланиши, сурункали тромбоемболик ўпка гипертензияси [18].

Буйрак зарарланиши беморларнинг 19% да учрайди. ТСДнинг диффуз шаклида 10-15% ва чекланган шаклида эса 1-2% ҳолатларда буйрак функциясининг жадал ёмонлашуви (ўткир буйрак жароҳатланиши) билан намоён бўладиган ўткир склеродермик криз ривожланиши аниқланган [37]. Буйракнинг склеродермик кризига биринчи марта қон босимининг 150/85 мм.сим.уст. дан юқори бўлишидан шубҳа қилиш мумкин. Кейинги 24 соат давомида эса бошқа кўрсаткичлар, яъни коптокчалар фильтрациясининг 10% га ёки коптокчалар фильтрация тезлиги (КФТ) кўрсаткичининг 90 мл/мин дан камайиши кузатилади. Склеродермик буйрак кризининг қўшимча белгилари гематурия ва протеинурия, ўпканинг тўсатдан шишиши, олигурия ёки анурия, ретинопатия кабилар биринчи марта пайдо бўлиши мумкин [34].

Ташҳис. Рейно феномени кузатилган барча беморларда ТСД ҳақида ўйлаш зарур. Терининг зарарланиш белгилари (терининг қаттиқлашиши, “мушук оғзи” симптоми,

1 жадвал.

Тизимли склеродермиянинг таснифлаш мезонлари (ACR-EULAR 2013).

Мезонлар	Баллар
Иккала қўлда метакарпофалангеал бўғимлар терисининг қалинлашуви (етарли мезон)	9
Бармоқлар терисинининг қалинлашуви (фақат катта кўрсаткич)	
Бармоқлардаги қаттиқ шиш	2
Барча бармоқларнинг склеродактилияси (кафт-фалангалараро бўғимлардан дистал томонда ва фалангалараро бўғимлардан проксимал томонда)	4
Дигитал ишемия (фақат катта балл)	
Ярачалар	2
Чандиқлар	3
Телеангиоэктазиялар	2
Ўпка артериал гипертензияси ва/ёки ўпканинг интерстициал касаллиги	2
Рейно феномени	3
Махсус антитаналар(ACA, anti-Scl-70, anti-RNA pol III)	3

“ниқобсимон юз”, склеродактилия, калциноз (пигментация) муҳим диагностик аҳамиятга эга. Тадқиқот давомида нафас қисилиши ва дисфагия каби ички органларнинг шикастланиш белгилари ҳам эътиборга олиниши керак. 2013 йилда Америка Ревматологлар жамоаси (ACR) ва Европа Анти-Ревматик бирлашмаси (EULAR) мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган таснифлаш мезонларидан (1-жадвал) ТСД ни ташхислашда қўлланилади(20). Шунинг ёнда тутиш керакки, ACR-EULAR мезонлари ТСД нинг эрта ёки жуда эрта босқичларида тўлиқ информатсион эмас, EUSTAR тадқиқотининг натижалари шунинг кўрсатдики, Рейно синдромининг ривожланиши ва ТСД нинг бошқа аломатлари ўртасидаги давр касалликнинг чекланган шаклда ўртача 4,8 йилни, диффуз шаклда эса 1,9 йилни ташкил этди [40]. Ушбу даврда бошланган даволаниш (“window of opportunity” ёки “имконият ойнаси” деб аталади) ички органларнинг зарарланишига тўсқинлик қилиши ва касалликнинг ривожланишини секинлаштириши мумкин. Шу муносабат билан, тизимли склеродермия эрта ташхисининг мезонлари ишлаб чиқилди (VEDOSS; 2-жадвал) [12]. Ташхиснинг биринчи босқичида Рейно синдроми ва бармоқларнинг қаттиқ шиши каби касалликнинг асосий белгиларини (“қизил байроқлар” деб аталади) аниқлаш тавсия этилади. Иккинчи босқичда тирноқ асосининг видеокапилляроскопияси амалга оширилади ва ўзига хос антитаналар аниқланади (масалан, анти-центромер ёки топоизомераза-1) [24]. ТСД нинг жуда эрта босқичида, ички органларга зарар етмайди, аммо ТСД нинг эрта босқичларида субклиник шикастланиш белгилари қайд этилади, масалан, эхокардиографияда чап коринчанинг диастолик дисфункцияси, ўпка диффузион қобилиятининг дастлабки пасайиши <80% ва манометрия маълумотларига кўра пастки қизилўнгач сфинктеридеги босимнинг <15 мм сим.уст.дан пасайиши [38].

Шунинг унутмаслик керакки, склеродермиясиз ТСД ҳам мавжуд бўлиб, бунда терининг

2 жадвал.

Эрта ва жуда эрта склеродермия ташхисоти алгоритми.

I	"Қизил байроқлар" ни аниқлаш (Рейно феномени, бармоқларнинг қаттиқ шишиши / склеродактилия)
II а	Тирноқ асосининг видео капилляроскопиясини ўтказиш (эрта, фаол, кечки ўзгаришлар)
II б	Серологик текширувлар: махсус антитаналарни аниқлаш (anti-Scl70, ACA, anti-RNA pol III ва бошқалар)
III	Жуда эрта тизимли склеродермия ташхиси I ва II пунктга мос келадиган ўзгаришларни аниқлаганда қўйилади.
IV	Жуда эрта тизимли склеродермия мезонларига мос келувчи беморларнинг кейинчалик ўтказиладиган текшириш усуллари (кўкрак қафасининг компютер томографияси, эхокардиография, ташқи нафас олиш функциясини текшириш, қизилўнгач манометри).
V	Эрта тизимли склеродермия ташхиси I, II ва IV пунктга мос келадиган ўзгаришларни аниқлаганда қўйилади.

зарарланиш белгилари (каттиқлашиш ва фиброз) касалликнинг эрта ва кейинги босқичларида ҳам мавжуд бўлмайди. Бундай ҳолда, ташҳис Рейно синдроми, дигитал яралар, ўзига хос антитаналар, видеокапилляроскопия ўзгариши, висцерал зарарланишлар [17] мавжудлигига қараб қўйилади. Бундан ташқари касалликда CREST- синдромига қараб ҳам ташҳис қўйилади, яъни - терининг калцификацияси, Рейно синдроми, қизилўнғач ҳаракатининг бузилиши, склеродактилия ва телангиэктазия, шунингдек, центромер антитаналарининг аниқланиши [28].

Агар умумий балл 9 ёки ундан юқори бўлса, тизимли склеродермия ташҳиси қўйилади.

Тизимли склеродермияни тасдиқлаш учун ўтказиладиган лаборатор–асбобий текширишлар орасида қуйидаги кўрсаткичлар аҳамиятга эга:

- Антинуклеар (анти-Scl-70) ва антицентромер антитаначаларнинг мавжудлиги;
- ДНК-антигенларга қарши антитаначалар ва антинуклеар омилнинг топилиши;
- Ревматоидли омил аниқланиши;
- Иммун тизим текширилганда, танқислик ҳолати кузатилиши ва иммуноглобулин фракцияларининг ўзгариши;
- Тери, синовиал қобик ва мушак биопсиясида тўқималарнинг фиброз жараёнга трансформацияси ва томирларда ўзгаришлар мавжудлиги.

Юқорида санаб ўтилган специфик синамалар билан бирга, тизимли склеродермияда қатор носпецифик кўрсаткичлар ҳам касалликни аниқлашда (диспротеинемия, айниқса, γ-глобулинларнинг юқорилиги, камқонлик, лейкопения, ЭЧТ ошиши, фибриногеннинг кўтарилиши ва бошқалар) маълум аҳамиятга эга.

3 жадвал.

Тизимли склеродермия касаллигида аниқланадиган антитаначаларнинг турлари.

Аутоантитаналар	Аутоантиген	Клиник ва лаборатор ассоциация
ACA	Центромер оксили	•Бу CREST синдромида •чегараланган тери зарарланишида учрайди •ўпка фибрози рентгенологик белгиларининг йўқлиги. •Склеродермик буйрак кризидан ҳимоя қилади
anti-Scl-70	ДНК топоизомераза	•Терининг диффуз зарарланиши, чандиқли яралар •Ўпка фиброзининг рентгенологик белгилари Юқори ўлим даражаси
anti-RNA pol III	Кўп протеинли РНК полимераза III мажмуаси	•Терининг оғир диффуз шикастланиши •Склеродермик буйрак кризининг юқори кўрсаткичи
anti-Th/To	Кичик ядроли нуклео-протеинлар, РНКаза Р ва миелоид билан алоқадор протеин (mRP)	Терининг чегараланган зарарланиши •Интерстициал жароҳатлар ва ўпка фибрози • Ўпка гипертензияси
anti-U3RNP/ Fibrillarin	U3-RNP (U3-RNA, фибриллин ва б.) компонентлар мажмуаси	•Касалликнинг оғир кечиши •Терининг диффуз шикастланиши •Ўпка гипертензияси •Миозит •Юрак шикастланиши
anti-U1RNP	Компонентлар (U1-RNP, A, C, B/B, D-G) мажмуаси	“Overlap” синдромининг шаклланиши
anti-PM/Scl	Ехосомал оксил мажмуаси (Pm-Scl-100, Pm-Scl-75)	Терининг чегараланган зарарланиши ТСД синдроми/полимиозит/ревматоид артрит кесишма синдроми Ўпка фибрози

ТСД ташҳиси учун муҳим лаборатория мезони бу антитаналарнинг мавжудлиги, масалан, топоизомераза I га қарши антитаналар (anti-Scl-70), анти-центромер антитаналар (ACA), рибонуклеопротеаза III га қарши антитаналар (anti-RNA pol III). Ўтказилган тадқиқотлар натижасида (n= 300) ТСД билан оғриган беморларнинг аксариятида антинуклеар омил (83,8%) ва анти-Scl-70 (50.0%), ACA (14,6%), anti-U1RNP (8,6%) ва anti-RNA pol III (5,5%) эканлиги аниқланди [5]. Турли хил антитаналарни ТСДнинг маълум клиник кўринишлари билан боғлаш мумкин (3-жадвал), шунинг учун уларни ўрганиш нафақат диагностик, балки прогностик аҳамиятга ҳам эга.

Видео капилляроскопиясидаги ўзгаришлар муҳим диагностик аҳамиятга эга. ТСД билан оғриган беморлар тирноқ ўзагининг видео капилляроскопиясида аниқланадиган ўзгаришлар шартли равишда қуйидаги босқичларга ажратилган: эрта, фаол ва кечки. Турли босқичларда склеродермик ўзгаришлар, гигант капиллярлар, капилляр қонашлар, капиллярлар сонининг камайиши ёки аваскуляр жойлар аниқланиши, капиллярлар тармоқланишининг бузилиши ва "шохлаиб кетган" капиллярларни аниқлаш мумкин [15].

Хулоса: Тизимли склеродермиянинг эрта ташҳисоти шифокорнинг олдида турган энг юксак вазифалардан саналади. Зеро, мазкур касалликка қўйилган эрта ташҳис, касалликнинг эрта босқичларида, ички органларда патологик ўзгаришлар вужудга келгунга қадар даволаш амалиётини бошлаш ва даволашда юқори натижаларга эришишга имкон беради. Бугунги кунга қадар мазкур касалликни эрта аниқлашга доир ишларнинг етарли даражада амалга оширилмаганлиги, тизимли склеродермияни янада чуқурроқ ўрганиш зарурлигини билдиради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ананьева Л.П. Новые классификационные критерии системной склеродермии (лекция). Научно-практическая ревматология 2013; 51(5):539-44.
2. Богданов А.П., Моисеев С.В. Поражение сердца при системной склеродермии: клинические аспекты и современные методы диагностики. Терапевтический архив 1994;66(5):87-91.
3. Гадаев А.Г. Ички касалликлар (шифокорлар учун қўлланма) Тошкент 2013, 757 б.
4. Сосновская А.В., Фомин В.В., Попова Е.Н. и др. Гастроэзофагеально-рефлюксная болезнь и взаимосвязь с выраженностью поражения легких при системной склеродермии. Клиническая нефрология 2016; 1:24-8.
5. Старовойтова М.Н., Десинова О.В., Конева О.А. Профиль аутоантител при системной склеродермии. Научно-практическая ревматология 2016; 54(4): 418-23.
6. Теплова Л.В., Ананьева Л.П., Лесняк В.Н. и др. Системная склеродермия с интерстициальным поражением легких: сравнительная клиническая характеристика с большими без поражения легких. Научно-практическая ревматология 2010; 3:36-41.
7. Agarwal SK, Reveille JD. The genetics of scleroderma (systemic sclerosis). Curr Opin Rheumatol 2010; 22(2):133-8.
8. Akesson A, Hesselstrand R, Scheja A, et al. Longitudinal development of skin involvement and reliability of high frequency ultrasound in systemic sclerosis. Ann Rheum Dis 2004; 63(7):791-6. 9. Al-Dhaher FF, Pope JE, Ouimet JM. Determinants of morbidity and mortality of systemic sclerosis in Canada. Semin Arthritis Rheum 2010; 39(4):269-77.
9. Aringer M, Muller-Ladner U, Burkhardt H, et al. [Common German language nomenclature for systemic sclerosis]. Z Rheumatol 2015; 74(2):100-3.
10. Barnes J, Mayes MD. Epidemiology of systemic sclerosis: incidence, prevalence, survival, risk factors, malignancy, and environmental triggers. Curr Opin Rheumatol 2012; 24(2):165-70.
11. Bellando-Randone S, Matucci-Cerinic M. From Raynaud's phenomenon to very early diagnosis of systemic sclerosis The VEDOSS approach. Curr Rheumatol Rev 2013; 9(4):245-8.
12. Brown KM, Middaugh SJ, Haythornthwaite JA, et al. The effects of stress, anxiety, and outdoor temperature on the frequency and severity of Raynaud's attacks: the Raynaud's Treatment Study. J Behav Med 2001; 24(2):137-53.
13. Bussone G, Mouthon L. Interstitial lung disease in systemic sclerosis. Autoimmun Rev 2011; 10(5):248-55.

14. Cutolo M, Herrick AL, Distler O, et al. Nail fold videocapillaroscopic features and other clinical risk factors for digital ulcers in systemic sclerosis: A multicenter, prospective cohort study. *Arthritis Rheumatol* 2016; 68(10):2527-39.
15. Derk CT, Huaman G, Littlejohn J, et al. Predictors of early mortality in systemic sclerosis: a case-control study comparing early versus late mortality in systemic sclerosis. *Rheumatol Int* 2012; 32(12):3841-4.
16. Diab S, Dostrovsky N, Hudson M, et al. Systemic sclerosis sine scleroderma: a multicenter study of 1417 subjects. *J Rheumatol* 2014; 41(11):2179-85.
17. Galie N, Humbert M, Vachiery JL, et al. 2015 ESC/ERS Guidelines for the diagnosis and treatment of pulmonary hypertension: The Joint Task Force for the Diagnosis and Treatment of Pulmonary Hypertension of the European Society of Cardiology (ESC) and the European Respiratory Society (ERS): Endorsed by: Association for European Paediatric and Congenital Cardiology (AEPC), International Society for Heart and Lung Transplantation (ISHLT). *Eur Heart J* 2016; 37(1):67-119.
18. Hinchcliff M, Varga J. Systemic sclerosis/scleroderma: a treatable multisystem disease. *Am Fam Physician* 2008; 78(8):961-8.
19. Hoogen FH, Boerbooms AM, Swaak AJ, et al. Comparison of methotrexate with placebo in the treatment of systemic sclerosis: a 24 week randomized double-blind trial, followed by a 24 week observational trial. *Br J Rheumatol* 1996; 35(4):364-72.
20. Hudson M, Thombs B, Baron M, et al. Time to diagnosis in systemic sclerosis: is sex a factor? *Arthritis Rheum* 2009; 61(2):274-8.
21. Hughes M, Herrick AL. Digital ulcers in systemic sclerosis. *Rheumatology (Oxford)* 2017; 56(1):14-25.
22. Kahan A, Allanore Y. Primary myocardial involvement in systemic sclerosis. *Rheumatology (Oxford)* 2006; 45 Suppl 4:iv14-7.
23. Minier T, Guiducci S, Bellando-Randone S, et al. Preliminary analysis of the very early diagnosis of systemic sclerosis (VEDOSS) EUSTAR multicentre study: evidence for puffy fingers as a pivotal sign for suspicion of systemic sclerosis. *Ann Rheum Dis* 2014; 73(12):2087-93.
24. Mora GF. Systemic sclerosis: environmental factors. *J Rheumatol* 2009; 36(11): 2383-96.
25. Morrisroe K, Stevens W, Huq M, et al. Survival and quality of life in incident systemic sclerosis-related pulmonary arterial hypertension. *Arthritis Res Ther* 2017; 19(1):122.
26. Nassenstein K, Breuckmann F, Huger M, et al. Detection of myocardial fibrosis in systemic sclerosis by contrast-enhanced magnetic resonance imaging. *Rofo*. 2008 Dec;180(12):1054-60.
27. Poormoghim H, Lucas M, Fertig N, et al. Systemic sclerosis sine scleroderma: demographic, clinical, and serologic features and survival in forty-eight patients. *Arthritis Rheum* 2000; 43(2):444-51.
28. Ranque B, Mouthon L. Geoepidemiology of systemic sclerosis. *Autoimmun Rev* 2010; 9(5):A311-8.
29. Sherer Y, Shoenfeld Y. Mechanisms of disease: atherosclerosis in autoimmune diseases. *Nat Clin Pract Rheumatol*. 2006 Feb; 2(2):99-106.
30. Silman AJ. Scleroderma demographics and survival. *J Rheumatol Suppl* 1997; 48:58-61.
31. Srivastava R., Jyoti B., Bihari M., Pradhan S. (2016) Progressive systemic sclerosis with intraoral manifestations: A case report and review. *Indian J. Dent.*, 7(2): 99–104.
32. Steen VD, Medsger TA, Jr. Severe organ involvement in systemic sclerosis with diffuse scleroderma. *Arthritis Rheum* 2000; 43(11):2437-44.
33. Teixeira L, Mouthon L, Mahr A, et al. Mortality and risk factors of scleroderma renal crisis: a French retrospective study of 50 patients. *Ann Rheum Dis* 2008; 67(1):110-6.
34. Tian XP, Zhang X. Gastrointestinal complications of systemic sclerosis. *World J Gastroenterol* 2013;19(41):7062-8.
35. Tyndall AJ, Bannert B, Vonk M, et al. Causes and risk factors for death in systemic sclerosis: a study from the EULAR Scleroderma Trials and Research (EUSTAR) database. *Ann Rheum Dis* 2010; 69(10):1809-15.
36. Vachiery JL, Coghlan G. Screening for pulmonary arterial hypertension in systemic sclerosis. *Eur Respir Rev* 2009; 18(113):162-9.
37. Valentini G, Cuomo G, Abignano G, et al. Early systemic sclerosis: assessment of clinical and pre-clinical organ involvement in patients with different disease features. *Rheumatology (Oxford)* 2011; 50(2):317-23.
38. Visconti L., Atteritano M., Buemi M., Santoro D. (2014) Renal and extra-renal involvement in sclerodermia. *G. Ital. Nefrol.*, 31(5): 120–126.
39. Walker UA, Tyndall A, Czirjak L, et al. Clinical risk assessment of organ manifestations in systemic sclerosis: a report from the EULAR Scleroderma Trials And Research group database. *Ann Rheum Dis* 2007;66(6):754-63.
40. Wigley FM, Flavahan NA. Raynaud's Phenomenon. *N Engl J Med* 2016;375(6): 556-65.

ИЗУЧЕНИЕ ПРОБЛЕМ НАРУШЕНИЯ СНА ПРИ БЕРЕМЕННОСТИ**Д. И. Туксанова, М. Ш. Гафурова**

Бухарский Государственный медицинский институт, Бухара, Узбекистан

Ключевые слова: нарушения сна, беременность, инсомния, синдром обструктивного апноэ/гипопноэ, синдром беспокойных ног.

Таянч сўзлар: уйқу бузилиши, ҳомиладорлик, уйқусизлик, обструктив апное/гипопное синдроми, безовта оёқлар синдроми.

Key words: sleep disorders, pregnancy, insomnia, obstructive sleep apnea/hypopnea syndrome, restless leg syndrome.

В обзорной статье представлены современные данные о проблеме нарушений сна у беременных, а также влияние нарушений сна на течение беременности, развитию акушерских осложнений и исходы родов.

ХОМИЛАДОРЛИКДА УЙҚУ МУАММОЛАРИНИ ЎРГАНИШ**Д. И. Туксанова, М. Ш. Гафурова**

Бухоро давлат тиббиёт институти, Бухоро, Ўзбекистон

Шарҳда ҳомиладор аёлларда уйқу муаммоси, шунингдек, ҳомиладорлик даврида уйқу бузилишининг туғруқ кечиши ва акушерлик асоратлари ривожланишда таъсир бўйича замонавий маълумотларни тақдим этади.

STUDY OF SLEEP DISORDERS PROBLEMS IN PREGNANT WOMEN**D. I. Tuxanova, M. Sh. Gafurova**

Bukhara state medical institute, Bukhara, Uzbekistan

The review presents current data on the problem of sleep disorders in pregnant women, as well as the impact of sleep disorders on the course of pregnancy, the development of obstetric complications and birth outcomes.

Беременность – это особое состояние, во время которого физиология внутренних органов и систем женского организма подвергается многочисленным изменениям, направленным на поддержание жизнеспособности и нормального развития плода. Существенные изменения возникают в ЦНС. Беременность сопровождается значительными психологическими и физиологическими изменениями и требует напряжения адаптационных механизмов организма женщины. Перенагрузка систем регуляции приводит к срыву адаптационного механизма, что в свою очередь приводит к появлению патологического состояния всех органов и систем [30].

